# ЛУҒАТ

Бу луғатда Муқаддас Китобда кўп учрайдиган муҳим ёки нотаниш сўзлар ва иборалар берилган. Кўпинча луғатда бирон сўз ёки иборанинг маъноси билан бир қаторда, ўша даврга хос тарихий ва маданий жараёнга оид маълумотлар ҳам берилган. Бу сўзлар ва ибораларга берилган шарҳлардан кейин келадиган изоҳларда Муқаддас Китобдаги оятларнинг манзили кўрсатилган. Бу оятлар китобхонга Муқаддас Китобда баён этилган таълимотларни чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради. Китобхон айрим буюмларнинг тузилиши ва шаклини кўз олдига келтириб, тасаввур қила олиши учун, луғатда ўша буюмларнинг расмлари келтирилган.

Айрим ҳолларда умумий бир сўз остида бир нечта сўзлар ва уларнинг шарҳлари берилган. Масалан, БАЙРАМЛАР, ХУДОНИНГ НОМЛАРИ, ҚУРБОНЛИК. Бу умумий сўзлар остидаги сўзлар луғатдаги рўйхатда ҳам топилади. Аммо бу сўзнинг шарҳини топиш учун китобхон умумий сўз остида берилган сўзнинг шарҳига қараши керак. Масалан, луғатдаги АЙБ ҚУРБОНЛИГИ ибораси учун "ҚУРБОНЛИК сўзига қаранг" деб ёзилган.

Луғатда яна синоним сўзлар ҳам учрайди. Бундай ҳолда бир сўзнинг маъноси иккинчи сўзнинг шарҳида берилиб, луғатда китобхонга ўша иккинчи синоним сўзнинг шаҳрига қарашга кўрсатма берилган. Масалан, луғатдаги МАЛАК сўзи учун "ФАРИШТА сўзига қаранг", луғатдаги САНДИҚ сўзи учун "АҲД САНДИҒИ иборасига қаранг" деб ёзилган.

**АБАДИЙ ҲАЁТ**

Муқаддас Китобда абадий ҳаёт нафақат вақтнинг давомийлигини, балки ҳаётнинг мазмунини, яъни Худо билан уйғунликда яшашни, Унинг марҳамати ва баракаларидан баҳраманд бўлишни билдиради. Эски Аҳднинг баъзи парчаларида солиҳлар Худо билан абадий яшашлари ҳақида ёзилган, айрим ҳоллардагина ўликларнинг тирилиши ҳақида айтиб ўтилган[1]. Янги Аҳдда абадий ҳаёт нима эканлиги кенгроқ очиб берилган. Инсоннинг танаси ўлса ҳам, руҳи ўлмайди[2]. Исо Масиҳга ва Уни юборган Худога ишонган инсон абадий ҳаётга эга бўлади[3]. Бундай инсон учун абадий ҳаёт шу дунёда яшаётганидаёқ бошланади[4]. У ўлса ҳам охиратда тирилади ва ундан кейин ҳеч қачон ўлмайди[5]. Қиёмат куни Худо солиҳларга абадий ҳаётни мукофот қилиб беради[6], улар жаннатда яшаб, бу дунёдаги барча ёвузлигу қабиҳликлардан озод бўладилар[7]. Фосиқларга эса абадий жазо берилади, улар то абад Худодан ажраладилар[8].

*[1] Забур 15:9-11, 22:6, 132:3, Аюб 19:25-26, Ишаё 26:19, Дониёр 12:2, Луқо 20:37-38 [2] Луқо 16:22-23, 23:42-43, 2 Коринфликлар 4:16-18, 5:1-2, 6-8, Филиппиликлар 1:21-23 [3] Юҳанно 3:15-16, 36, 5:24, 6:40, 10:27-28, 1 Юҳанно 5:13 [4] Эфесликлар 2:4-6 [5] 1 Коринфликлар 15:42-44, 50-54 [6] Матто 5:12, 25:34, 46, 1 Бутрус 1:4, Филиппиликлар 3:13-14, Ибронийлар 12:22-24 [7] Ваҳий 21:1-4, 22:1-5 [8] Матто 25:41, 46, Юҳанно 5:28-29, Ваҳий 20:11-15*

**АЙБ ҚУРБОНЛИГИ**

ҚУРБОНЛИК сўзига қаранг.

**АМОР ХАЛҚИ**

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқларнинг орасидаги энг катта ва кучли халқлардан бири. Ўша пайтда Канъон юртида яшаган халқларнинг ҳаммасига нисбатан ҳам "Амор халқи" деган ибора қўлланилган. Шунинг учун ушбу таржиманинг баъзи жойларида "Амор халқлари" деб ҳам юритилган[1]. Яна КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОН ХАЛҚЛАРИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР ибораларига қаранг.

*[1] Мисол учун, Ибтидо 15:16, Ёшуа 10:5, 2 Шоҳлар 21:2 га қаранг.*

**АРАВА**

БРОНЗАДАН ЯСАЛГАН АРАВАЛАР ёки ЖАНГ АРАВАСИ ибораларига қаранг.

**АРФА**

Торли мусиқа асбоби.



**АСИРЛИК**

СУРГУН сўзига қаранг.

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

**АШЕРА**

Ашера Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик худоси бўлиб, аёл қиёфасида тасаввур қилинган. Ашеранинг тасвирлари баланд устун шаклида бўлиб, ёғочдан ясалган эди. Унинг эркак жуфти Баал эди.

**АШТАРЕТ**

Аштарет Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик ва уруш худоси бўлиб, аёл қиёфасида тасаввур қилинган.

**АҲД**

Икки киши ёки икки гуруҳ орасида тузилган битим ёки келишув. Қадимги пайтларда одатда аҳд тузилганда, уни тасдиқлаш учун иккала томон онт ичарди, сўнгра қурбонлик қилинарди. Муқаддас Китобда баён қилинишича, Худо бир неча марта аҳд тузган. Ҳар бир аҳдда берилган ваъдаларни ва қўйилган шартларни Худонинг Ўзи белгилаган. Жумладан, Худо Иброҳим билан аҳд тузиб, Иброҳимга ва унинг авлодига абадий барака беришни ваъда қилган[1]. Мана шу аҳд белгиси сифатида Иброҳим ва унинг авлоди суннат қилиниши керак бўлган[2]. Худо кейинчалик Мусо пайғамбар орқали Иброҳимнинг авлоди, яъни Исроил халқи билан аҳд тузади[3]. Ўша аҳдда Худонинг амрлари ва қонунлари батафсил берилган. Бу амрларга ва қонунларга риоя қилган инсонларга Худо: "Мен сизларни Ўзимнинг халқим қиламан, сизларнинг Худойингиз бўламан", деб махсус ваъда берган. Аммо бу амрларни ва қонунларни бузган одамларни Худо жазолаган. Худонинг Ўз халқи Исроил билан бўлган муносабати мана шу аҳдга асосланганию боис, Эски Аҳдда баён қилинган аксарият воқеалар ва Исроил халқининг тарихи шу муносабатлар ҳақида ҳикоя қилади. Исроил халқи Худога қайта–қайта бевафолик қилгани учун, Унинг амрларига бўйсунмагани учун ўз ватанидан сургун қилинган[4]. Бироқ Худо: "Шундай кунлар келадики, Мен Исроил халқи билан янги аҳд тузаман", деб Ўз пайғамбарлари орқали ваъда берган[5].

Худо янги аҳдни бутун инсоният билан Исо Масиҳ орқали тузди. Исо Масиҳ бутун одамзоднинг гуноҳини Ўз бўйнига олиб, хочдаги ўлими орқали янги аҳдни кучга киритди[6]. Исо Ўзини қурбон қилгани ва дунёни Худо билан яраштиргани Янги Аҳднинг асосий мавзусидир. Энди ҳар бир инсон, миллатидан қатъий назар, Исо Масиҳга ишонса ва гуноҳларидан тавба қилса, унинг гуноҳлари кечирилади, бу инсон Худонинг халқига тегишли бўлади.

*[1] Ибтидо 15:1-21, 17:1-27 [2] Ибтидо 17:9-14 [3] Чиқиш 19:1-20:21, 24:1-18 [4] 4 Шоҳлар 17:5-23, 2 Солномалар 36:13-21, Дониёр 9:3-14 [5] Еремиё 31:31-34, 32:39-40, Ҳизқиёл 11:19-20, 36:26-27 [6] Матто 26:27-28, Ибронийлар 8:6-13, 9:11-17*

**АҲД САНДИҒИ**

Усти ва ичи олтин билан қопланган ёғоч сандиқ[1]. Аҳд сандиғида иккита тош лавҳа сақланарди. Худо бу тош лавҳаларни Синай тоғида Мусога Исроил халқи учун берган эди. Тош лавҳаларга ўнта амр ёзилган бўлиб, бу амрлар Худо билан Унинг халқи ўртасида тузилган аҳд эди. Шу сабабдан бу сандиқ кўпинча Аҳд сандиғи деб айтилган. Аҳд сандиғининг қопқоғи устида каруб деган мавжудотнинг иккита ҳайкали бор эди. Карублар бир–бирига юзма–юз турган бўлиб, уларнинг қанотлари қопқоқнинг устини беркитиб турарди. Аҳд сандиғи — Худо Ўз халқи орасида эканлигининг рамзи эди. Исроил халқи саҳрода кезиб юрганда Аҳд сандиғи Муқаддас чодирнинг Энг муқаддас хонасида сақланар эди. Кейинчалик Аҳд сандиғи Қуддусдаги Маъбаднинг Энг муқаддас хонасига қўйилган.

*[1] Чиқиш 37:1-9*



**АҲД САНДИҒИНИНГ ҚОПҚОҒИ**

Аҳд сандиғининг қопқоғи тоза олтиндан ясалган эди. Қопқоқ устида каруб деган мавжудотнинг иккита ҳайкали бор эди. Карублар бир–бирига юзма–юз турган бўлиб, уларнинг қанотлари қопқоқнинг устини беркитиб турарди[1]. Олий руҳоний бир йилда бир марта — Покланиш кунида махсус қурбонликлар келтириб, қопқоқ устидаги икки каруб орасига қурбонлик қонидан

сачратар эди. Бундан мақсад Энг муқаддас хонани Исроил халқининг нопокликларидан, итоатсизликларидан ва гуноҳларидан поклаш эди[2].

*[1] Чиқиш 37:6-9 [2] Левилар 16–боб*

**АҲМОҚ, НОДОН**

Эски Аҳдда “аҳмоқ” ва “нодон” сўзлари ахлоқсиз одамларга ишора қилади. Бундай одамлар Худони севмайдилар ва Унга ишонмайдилар[1]. Уларда солиҳ яшашга ундайдиган донолик йўқ, шунинг учун улар ҳалокату ўлимга етаклайдиган қарорлар чиқаради[2].

*[1] Забур 13:1, 52:2, Ҳикматлар 1:7 [2] Ҳикматлар 1:20-33, 19:3, Воиз 7:17*

**БААЛ**

Баал Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик худоси бўлиб, эркак қиёфасида тасаввур қилинган. Унинг аёл жуфти Ашера бўлган. Канъонликлар, Баал энг кучли худо, деб ишонганлар. Баал сўзи *хўжайин* деган маънони билдириб, баъзан эркаклар исмига қўшиб ишлатилган. Айрим ҳолларда шаҳар ёки жой номларига ҳам қўшилган. Эҳтимол, Баал сўзи қўшиб номланган ўша ерларда Баалнинг тасвири бўлган ёки Баалга алоҳида усул билан сажда қилинган.

**БАЙРАМЛАР**

Муқаддас Китобда Исроил халқи нишонлаган бир нечта муҳим байрамлар айтиб ўтилган. Қуйида бу байрамларнинг ҳар бири ҳақида маълумот берилади:

ФИСИҲ ЗИЁФАТИ

Бу зиёфат иброний календарининг биринчи ойи — Абиб ойининг ўн тўртинчи куни кечқурун нишонланган (Абиб ойи Нисон ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой мартнинг ўртасидан бошланади. Худо Исроил халқини Мисрдаги қулликдан қандай қилиб озод қилганини улар Фисиҳ зиёфатида хотирлаганлар. Ҳар бир хонадон бир қўзи ёки улоқчани қурбонлик қилиб, Фисиҳ зиёфати муносабати билан таом тайёрлаган. Хонадон аъзолари қурбонлик таомини бирга тановул қилишган. Бу таомга қўшиб тахир ўтлар ва хамиртурушсиз нон ҳам ейилган. Фисиҳ зиёфатининг ибронийча номи — *Песах*. Зиёфатнинг “Фисиҳ” деган ўзбекча номи *Песах*дан олинган. Чиқиш 12:1-13, 21-51, Левилар 23:5, Саҳрода 9:1-14, Қонунлар 16:1-7 га қаранг.

ХАМИРТУРУШСИЗ НОН БАЙРАМИ

Бу байрам иброний календарининг биринчи ойи — Абиб ойининг 15-21 кунларида, етти кун давомида нишонланган (Абиб ойи Нисон ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой мартнинг ўртасидан бошланади. Исроил халқи ўша етти кун давомида Худо уларни Мисрдан шошилинч олиб чиққанини хотирлаганлар. Одамлар уйларидаги бор хамиртурушни олиб чиқиб ташлаганлар. Етти кун давомида хамиртурушли нон ейилмаган. Одамлар байрамнинг биринчи ва еттинчи кунларида муқаддас йиғин ўтказганлар, Тавротда буюрилган қурбонликларни келтирганлар. Хамиртурушсиз нон байрамининг ибронийча номи — *Матсот*. Бу байрам Фисиҳ зиёфатидан бир кун кейин бошланган. Шунинг учун Янги Аҳддаги баъзи парчаларда Фисиҳ зиёфати ва Хамиртурушсиз нон байрами “Фисиҳ байрами” деб номланган[1]. Чиқиш 12:14-20, 13:3-10, 23:15, 34:18, Левилар 23:6-8, Саҳрода 28:17-25, Қонунлар 16:3-4, 8 га қаранг.

*[1] Мисол учун, Луқо 22:1 га қаранг.*

ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Бу байрам иброний календарининг учинчи ойи — Шавон ойининг олтинчи кунида нишонланган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой майнинг ўртасидан бошланади. Бу байрам буғдой ўрими бошланганда нишонланарди. Бу кун Фисиҳ зиёфатидан кейин саккизинчи ҳафтанинг биринчи кунига — Фисиҳ зиёфатидан кейинги эллигинчи кунга тўғри келади. Исроил халқи бу кунда Худо ҳосилни баракали қилганини нишонлаган. Улар ҳар хил назр ва қурбонликлар келтирганлар, жумладан, янги буғдой ҳосилининг донини назр қилганлар. Бу байрамнинг ибронийча номи “Шавуот”, яъни “ҳафталар” деганидир. Шунинг учун бу байрам “Ҳафталар байрами” деб ҳам аталган. Янги Аҳдда бу байрамнинг юнонча номи “Пентекост”, яъни эллигинчи, деб аталган. Чиқиш 23:16, 34:22, Левилар 23:15-21, Саҳрода 28:26-31, Қонунлар 16:9-12 га қаранг.

КАРНАЙ БАЙРАМИ

Бу байрам иброний календарининг еттинчи ойи — Тишри ойининг биринчи кунида нишонланган (Тишри ойи Итаним ойи

деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой сентябрнинг ўртасидан бошланади. Карнай байрами куни Исроил халқи дам олиб, муқаддас йиғин ўтказган. Бу йиғинда бурғулар чалинган, Тавротда буюрилган қурбонликлар келтирилган. Левилар 23:23-25, Саҳрода 29:1-6 га қаранг.

ПОКЛАНИШ КУНИ

Бу байрам иброний календарининг еттинчи ойи — Тишри ойининг ўнинчи кунида нишонланган (Тишри ойи Итаним ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой сентябрнинг ўртасидан бошланади. Покланиш куни Исроил халқи дам олиб, рўза тутган. Руҳонийлар ўзларини, халқни, Муқаддас чодирни, кейинчалик Маъбадни ва қурбонгоҳни поклаш учун Тавротда буюрилган қурбонликларни келтирганлар. Олий руҳоний эса Энг муқаддас хонага кириб, тутатқи тутатарди, Аҳд сандиғининг қопқоғига ва Сандиқнинг олдига қурбонлик қонини сачратарди. “Покланиш куни” байрамининг ибронийча номи — *Йом Киппур*. Левилар 16–боб, 23:26-32, Саҳрода 29:7-11 ва РУҲОНИЙ сўзи остида берилган ОЛИЙ РУҲОНИЙ иборасига қаранг.

ЧАЙЛА БАЙРАМИ

Бу байрам иброний календарининг еттинчи ойи — Тишри ойининг 15-21 кунларида нишонланган (Тишри ойи Итаним ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой сентябрнинг ўртасидан бошланади. Бу пайтда, куз ёмғири бошланмасдан олдин, ҳосил йиғиб олинган бўларди. Исроил халқи Мисрдан чиққандан кейин саҳро кезиб, чайлаларда яшаганини етти кун давомида хотирлаган. Шунингдек, улар Канъон юртидаги ҳосилни Худо баракали қилганини ҳам нишонлашганлар, Тавротда буюрилган қурбонликларни келтирганлар. Улар етти кун давомида далалардаги чайлага ўхшаш чайлаларда яшаганлар. Чайла байрамининг ибронийча номи — *Суккот*. Бу байрам “Йиғим–терим байрами” деб ҳам аталган. Чиқиш 23:16, 34:22, Левилар 23:33-36, 39-43, Саҳрода 29:12-39, Қонунлар 16:13-15, Закариё 14:16-19 га қаранг.

ПУРИМ БАЙРАМИ

Бу байрам иброний календарининг ўн иккинчи ойи — Адар ойининг 14-15 кунларида нишонланган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой февралнинг ўртасидан бошланади. Пурим байрамини Форс шоҳи Ахашвераш ҳукмронлиги даврида малика Эстер ва унинг амакиси Мардохай жорий қилганлар. Икки кун нишонланадиган бу байрам давомида яҳудийлар қандай қилиб Худо Исроил халқини қирилиб кетишдан сақлаганини хотирлаганлар. Бу байрамда одамлар хурсандчилик қилганлар, зиёфатлар уюштирганлар ва бир–бирларига совғалар берганлар. Бу байрамнинг номи аккад–бобил тилидаги *пур*, яъни “қуръа” сўзидан олинган. Эстер 9:20-32 га қаранг.

ЯНГИ ОЙ ШОДИЁНАСИ

Ҳар ойнинг бошида нишонланадиган байрам. Бу байрам Исроил халқи амал қилган қамария ҳисоби бўйича белгиланган. Руҳонийлар ҳар ойнинг биринчи кунида мана шу байрам учун Тавротда буюрилган қурбонликларни келтирардилар[1]. Шунингдек, бу байрамда одамлар махсус таомни тановул қилардилар. Удумга мувофиқ бу таомни фақатгина покланган одамлар тановул қилишлари мумкин эди[2]. Ойнинг биринчи куни табаррук ҳисобланиб, одамлар дам олишарди[3].

*[1] Саҳрода 28:11-15 [2] 1 Шоҳлар 20:5, 24-26 [3] Амос 8:5*

**БАНДАРГОҲ**

Кемалар тўхтайдиган, кемаларга юк ортиладиган ва улардан юк тушириладиган жой, яъни порт. Порт шаҳарлардаги савдогарлар кемаларга ҳам, карвонларга ҳам тижорат молларини етказиб берардилар. Муқаддас Китобда Финикиянинг бир нечта порт шаҳарлари, жумладан, Тир ва Сидон ҳақида айтиб ўтилган. Ўрта Осиёдан ўтган Буюк ипак йўлининг баъзи тармоқлари ғарбда ўша Финикия шаҳарларигача борарди. Кемасозлик ва балиқчилик порт шаҳарларнинг иқтисодида муҳим ўрин тутган. Денгиз бўйида жойлашган бу порт шаҳарлар аҳолиси фаровон яшаган.

**БАРҲАЁТ ХУДО**

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

**БАШАН**

Ясси тепаликлардан ва ўрмон билан қопланган қирлардан иборат ўлка. Бу ўлка Жалила денгизи ва Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган. Башан Гилад

ўлкасининг шимол томонида бўлиб, семиз мол–қўйларию аъло сифатли донлари билан машҳур эди.

**БИРОДАР, БИРОДАРЛАР**

Муқаддас Китобда одатда бу сўз ўзаро яқин муносабатда бўлган одамлар орасида қўлланилган, айрим ҳоллардагина туғишган ака–укаларга нисбатан ишлатилган. Эски Аҳдда ҳам, Янги Аҳдда ҳам бу сўз бир қабилага ёки бир халққа мансуб бўлган одамлар ўртасида кўп ишлатилган[1]. Янги Аҳдда, айниқса мактубларда бу сўз Исо Масиҳга ишонган барча миллатдаги одамларга нисбатан ишлатилган[2]. Исо Масиҳнинг Ўзи ҳам шогирдларини, биродарларим, деб атаган[3]. Бу сўз яна қўшниларга, дўстларга, қардош халқ вакилларига, ҳатто бегона одамларга нисбатан ҳам қўлланилган[4]. Шунингдек, эркак ва аёллардан иборат бўлган гуруҳларга ҳам "биродарлар", деб мурожаат қилинарди. Муқаддас Китобда айтиб ўтилган халқларнинг маданиятида эркаклар асосий ўрин эгаллаган. Маданиятнинг бу жиҳати Муқаддас Китоб ёзилган қадимий иброний ва юнон тиллари грамматикасида ҳам аниқ кўриниб туради. Мазкур таржимада ибронийча ва юнонча матндаги маънони сақлаб қолиш учун "биродар, биродарлар" сўзи ишлатилган.

*[1] Чиқиш 2:11, Қонунлар 1:16, Ҳакамлар 18:14, 20:7, Нахимиё 5:1-10, Забур 21:23, Ҳизқиёл 11:25, Ҳаворийлар 2:29, 22:1 [2] Матто 25:40, 45, Ҳаворийлар 1:15-17, 15:23, Ёқуб 1:2, Филиппиликлар 3:1, Филимўн 1:1, 7, 16, Ибронийлар 2:11, Ваҳий 12:10 [3] Матто 28:10, Юҳанно 20:17 [4] Ибтидо 19:7, 29:4, Қонунлар 2:8, 1 Шоҳлар 30:23, Матто 7:3-5*

**БОБИЛ**

Қадимги қудратли шоҳлик. Унинг пойтахти Бобил ҳозирги жанубий Ироқда жойлашган эди. Милоддан олдинги 586 йилда Бобил лашкари Яҳудони, яъни жанубий шоҳликни босиб олган[1] ва жуда кўп одамларни Бобилга асир қилиб олиб кетган эди[2]. Кейинчалик Бобил юрти Форс империяси ҳукмронлиги остида бўлганда, айрим яҳудийлар Яҳудо юртига қайтиб келганлар. Қолган яҳудийлар эса Бобилда яшаб қолаверганлар. Бобил шаҳри кўп йиллар давомида яҳудийларнинг диний таълим маркази бўлган эди.

*[1] ЯҲУДО сўзига қаранг. [2] 4 Шоҳлар 25:1-12*

**БОШ РУҲОНИЙЛАР**

Янги Аҳд даврида бош руҳонийлар гуруҳи олий руҳонийдан, собиқ олий руҳонийлардан ва Ҳорун авлодидан келиб чиққан нуфузли оилалар аъзоларидан ташкил топган эди. Бош руҳонийлар, олий руҳоний сингари, бу нуфузли оилалар орасидан танланарди. Бош руҳонийлар жамиятнинг бошқа эътиборли одамлари қаторида Олий кенгаш[1] аъзолари эдилар. Олий кенгаш яҳудийларнинг сиёсий ва диний уюшмаси эди.

*[1] ОЛИЙ КЕНГАШ иборасига қаранг.*

**БРОНЗА ҚУРБОНГОҲ**

ҚУРБОНГОҲ сўзига қаранг.

**БРОНЗАДАН ЯСАЛГАН АРАВАЛАР**

Шоҳ Сулаймон қурдирган Маъбад ҳовлисидаги ўнта катта арава. Ҳар бирараванинг устида катта тоғора бўлиб, бу тоғораларда сув сақланарди[1]. Қурбонлик қилинадиган ҳайвонларнинг ичак–човоқлари, калла–почаси ва бошқа қисмлари куйдирилишдан олдин мана шу тоғоралардаги сув билан ювиларди[2]. Зарурат бўлганда аравалар Маъбад ҳовлисида у ердан–бу ерга кўчириларди.

*[1] 3 Шоҳлар 7:27-39 [2] 2 Солномалар 4:6*



**БРОНЗАДАН ЯСАЛГАН ҲОВУЗ**

Бу ҳовуз катта қозон шаклида бўлиб, бронзадан қилинган ўн иккита ҳўкиз устига ўрнаштирилган эди. Ҳовуз шоҳ Сулаймон қурдирган Маъбад ҳовлисидаги бронзадан ясалган қурбонгоҳ ёнида турар эди. Бу ҳовузга тахминан 44.000 литр сув сиғарди[1]. Ҳовуздаги сувни руҳонийлар ювиниш учун ишлатардилар[2].

*[1] 3 Шоҳлар 7:23-26 [2] 2 Солномалар 4:6*



**БУРҒУ**

Қўчқор шохидан ясалган чолғу асбоби. Қадимда бу асбоб душман бостириб келаётганидан хабар бериш учун, жангга даъват қилиш учун[1], шунингдек, Худони улуғлаш учун чалинган[2].

*[1] Ёшуа 6:4,19, Еремиё 4:5, 6:1 [2] Забур 80:4, 97:6, 150:3*



**БУТСИМОН ТОШ**

Тик қилиб ўрнатилган узунчоқ тош. Канъон халқлари бу тошларни ўз худолари, жумладан, худо Баал деб билиб, уларга топинар эдилар[1]. Бундай тошлар тепаликлар устига, яшил дарахтлар остига[2] ва саждагоҳларнинг ичкарисига ўрнатиларди[3]. Худо Исроил халқига, бутсимон тошларни ўрнатманг, уларга сажда қилманг, деб амр берган[4]. Шунингдек, бутсимон тошларни синдириб ташлашни буюрган[5].

*[1] БААЛ сўзига қаранг. [2] 4 Шоҳлар 17:10 [3] 4 Шоҳлар 10:27 [4] Левилар 26:1 [5] Чиқиш 23:24*



**БЎЙИНТУРУҚ**



**ВАЛИЙ**

Ибронийчадан сўзма–сўз таржимаси *кўрадиган одам*. Одатда пайғамбарни валий деб аташарди[1]. Валийлар Худодан келадиган ваҳийни кўриш ва эшитиш лаёқатига эга эдилар.

*[1] 1 Шоҳлар 9:9*

**ГИЛАД**

Иордан дарёсининг шарқидаги бир ўлка. Гиладнинг жануб томонида Мўаб юрти, шимол томонида эса Башан ўлкаси жойлашган эди.

**ГИРГОШ ХАЛҚИ**

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири. Гиргош халқи Канъон юртининг аниқ қайси жойида яшагани маълум эмас. Яна КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОН ХАЛҚЛАРИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР ибораларига қаранг.

**ГУНОҲ**

Гуноҳ Худонинг амрларини бузиш, ёмон иш қилиш ёки яхшилик қилишдан бош тортиш демакдир. Муқаддас Китобга кўра, гуноҳ тушунчаси нафақат инсоннинг хатти–ҳаракатларини, балки унинг Худога ёки инсонларга қарши ўй–хаёлларини ҳам қамраб олади. Худонинг талабига кўра, ҳар бир инсон Худони бутун қалби билан, жону дили билан, бутун онги билан, кучи борича севиши керак[1]. Исо Масиҳ, инсон ҳатто ўй–хаёлида гуноҳ қилса ҳам ҳукм қилинади, деб таълим берган[2]. Жумладан, ғазаб, мағрурлик, шаҳват, рашк, хасислик каби гуноҳлар кўзга кўринмаса ҳам, Худодан яширин қолмайди. Худо эзгу, адолатли, муқаддас бўлгани учун, қилинган ҳар қандай гуноҳ Худога қаршидир[3].

Одам Ато ва Момо Ҳаво Худога итоатсизлик қилиб, У билан муносабатини бузганлар[4]. Бунинг оқибатида Одам Ато ва

Момо Ҳавонинг ўзаро муносабати ҳам бузилди, дунёда номутаносиблик пайдо бўлди, бутун дунё лаънатга гирифтор бўлди. Уларнинг ҳаёти ташвиш, қайғу–азобларга тўлди[5]. Гуноҳ туфайли дунёга ўлим кириб келди ва бутун одамзод устидан ҳукмрон бўлиб қолди[6]. Гуноҳ ҳар бир инсоннинг табиатида мавжуд бўлгани учун, унинг ниятларини, ўй–фикрларини, ҳис–туйғуларини ва истакларини бузади[7]. Гуноҳ оқибатида одамзод Муқаддас Худодан узоқлашган, ажралган, Унинг ғазаби остида қолган ва қиёматда ҳукм қилинади[8]. Фақатгина Исо Масиҳнинг тўкилган қони туфайли инсон гуноҳларидан поклана олади, Худо билан ярашади ва ҳукм қилинмайди[9].

*[1] Қонунлар 6:5, Луқо 10:27 [2] Матто 5:21-30 [3] Ибтидо 4:10, Забур 32:5, 44:8, 50:5-6, 88:15, Ишаё 5:16 [4] Ибтидо 3:5-8 [5] Ибтидо 3:16-19 [6] Римликлар 5:12 [7] Забур 50:7, 142:2, Еремиё 17:9, Римликлар 3:10-12, 7:14-20 [8] Ишаё 59:2, Римликлар 1:18-21, Эфесликлар 5:5-6, Колосаликлар 3:5-6 [9] 1 Юҳанно 2:1-2, Римликлар 5:6-11, 6:22-23, 1 Салоникаликлар 5:9*

**ГУНОҲ ҚУРБОНЛИГИ**

ҚУРБОНЛИК сўзига қаранг.

**ДАФН МАРОСИМИ**

Қадимда Исроил халқи ва бошқа баъзи халқларнинг удуми бўйича, марҳум қатъий қоидаларга риоя қилинган ҳолда дафн этиларди. Марҳумнинг дафн этилмаслиги у учун ниҳоятда оғир иснод ҳисобланиб, ўта шармандалик эди[1]. Одатда жасад дафн этилишидан олдин ювилиб, унга хушбўй ҳидли мойлар суртиларди[2]. Шундан кейин марҳумни хушбўй ҳидли зираворлар билан бирга зиғир матога кафанлаб, дафнга тайёрлашарди[3]. Азадорлар ва ёлланган йиғичилар қуёш ботмасдан олдин марҳумни қабристонга олиб бориб, уни оиласига қарашли қабрга қўйишарди[4]. Қабр одатда қояга ўйиб ясаларди[5]. Қабр оғзи диаметри тахминан бир метр бўлган думалоқ тош билан ёпиб қўйиларди. Бу тош жуда оғир бўлгани учун, бир нечта одам ўша тошни юмалатиб, қабр оғзини ёпишарди[6]. Дафн маросимидан кейин бир йил ўтгач, қабр оғзини очишарди ва марҳумнинг суякларини тошдан ясалган қутига солишарди. Сўнгра бу қутини қабрнинг ичида ўйилган токчага қўйишарди. Хочда ўлган жиноятчиларнинг жасади одатда оммавий қабрга ташланарди ва улар учун ошкора аза тутиш ман этилган эди.

*[1] 3 Шоҳлар 14:11-13, 21:23-24, Еремиё 7:33, Ишаё 14:18-20 [2] Марк 14:3, 8, 16:1, Ҳаворийлар 9:37 [3] Матто 27:59, Юҳанно 11:44 [4] Ибтидо 47:30, Амос 5:16, Луқо 7:12 [5] Матто 27:60 [6] Марк 16:3-4, Юҳанно 11:38*

**ДОВУД ҚАЛЪАСИ**

Бу қалъа Қуддуснинг қадимги қисми бўлиб, Сион тепалигида жойлашган эди. Ёбус халқи шу жойнинг туб аҳолиси эди. Довуд қалъани улардан тортиб олиб, у ерда яшай бошлади. Шу боис бу қалъа “Довуд қалъаси” деб ном олди[1].

*[1] 2 Шоҳлар 5:6-9, 1 Солномалар 11:4-8*

**ДОН НАЗРИ**

НАЗР сўзига қаранг.

**ЁБУС ХАЛҚИ**

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири. Довуд Қуддусни босиб олишидан олдин Ёбус халқи Қуддусда ва унинг атрофида яшаган[1]. Яна КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОН ХАЛҚЛАРИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР ибораларига қаранг.

*[1] 2 Шоҳлар 5:6-10*

**ЁВУЗ РУҲ**

Муқаддас Китобда ёвуз руҳ баъзан жин деб аталган. Ёвуз руҳларнинг ҳукмдори шайтондир. Ёвуз руҳлар инсонларга зарар етказишни истайди. Улар баъзан инсоннинг ичига кириб олиб, унинг хатти–ҳаракатларини бошқаради. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун ШАЙТОН ва ФАРИШТА сўзларига қаранг.

**ЁДГОРЛИК ТОШИ**

Тик қилиб ўрнатилган узунчоқ тош. Бу тошлар бирортасининг қабрини белгилаб қўйиш, муҳим бир воқеани ёки инсон хотирасини абадийлаштириш учун ўрнатиларди[1].

*[1] Ибтидо 28:16-18, 35:20, Чиқиш 24:4, 2 Шоҳлар 18:18*

**ЁҚУБ**

Ёқуб Иброҳимнинг набираси ва Исҳоқнинг ўғли эди. Ёқуб Паниёлда Худо билан кураш тушгандан кейин, Худо унга “Исроил” деб исм берган[1]. Шу боис Эски Аҳдда Ёқубнинг авлодлари “Исроил халқи” деб аталган. Кўпинча Эски Аҳддаги пайғамбарлар битикларида ва шеърий парчаларда Исроил халқи Ёқуб ёки Ёқуб насли деган ном билан

юритилади. Эски Аҳднинг айрим ўринларида Ёқуб сўзи тор маънода ишлатилган бўлиб, пойтахти Самария бўлган Исроилни, яъни шимолий шоҳликни[2] ёки пойтахти Қуддус бўлган Яҳудони, яъни жанубий шоҳликни билдиради[3].

Янги Аҳдда Исонинг ўн икки ҳаворийси орасида Ёқуб исмли иккита шогирди бор эди. Исонинг Ёқуб деган укаси ҳам бўлиб, у Қуддусдаги жамоатнинг обрўли йўлбошчиси ва Янги Аҳд таркибидаги "Ёқубнинг мактуби" муаллифи эди.

*[1] Ибтидо 32:28-29, 35:10 [2] ИСРОИЛ сўзига қаранг. [3] ЯҲУДО сўзига қаранг.*

**ЖАБРОИЛ**

Муқаддас Китобда иккита фариштанинг номи айтиб ўтилган, биринчиси — Жаброил, иккинчиси — Микойил[1]. Жаброил Худонинг махсус хабарини етказиш учун бир неча марта одамларга зоҳир бўлган. У Дониёр пайғамбарга зоҳир бўлиб, берилган ваҳийлар ва башоратларнинг маъносини тушунтириб берган[2]. Яҳё пайғамбарнинг отаси Закариёга ҳам зоҳир бўлиб, Яҳёнинг туғилиши ҳақида[3], Марямга ҳам зоҳир бўлиб, Исо Масиҳнинг туғилиши ҳақида хабар берган[4].

*[1] Мазкур таржимада Азроил фаришта ҳам айтиб ўтилган, Муқаддас Китобнинг асл нусхасида Азроил "ҳалок қилувчи" деб берилган. [2] Дониёр 8:15-27, 9:20-27 [3] Луқо 1:8-20 [4] Луқо 1:26-38*

**ЖАЛИЛА**

Жалила кўлининг ва Иордан дарёсининг ғарб томонида, Самария ҳудудидан шимолда жойлашган қирли ер. Қадимги Фаластин қатори, Жалила ҳам милоддан олдинги 63 йили Рим империяси томонидан босиб олинган. Кўп асрлар давомида бу ҳудуд ажнабий халқлар ҳукмронлиги остида бўлган, шунинг учун туб аҳолининг орасида кўплаб ғайрияҳудийлар яшаган[1]. Шу сабабга кўра, бошқа яҳудийлар Жалилаликларга паст назар билан қарар эдилар. Исонинг болалик ва ўсмирлик даври Жалиладаги Носира шаҳрида ўтган. Исо Ўз хизматини асосан Жалилада олиб борган.

*[1] Ишаё 9:1-2, Матто 4:12-16*

**ЖАМОАТ**

Янги Аҳдда бу сўз маълум бир жойдаги масиҳийлар гуруҳига нисбатан ишлатилган. Илк жамоат Қуддусда пайдо бўлган. У ердаги имонлилар Худога сажда қилиш учун тез–тез йиғилиб турар эдилар. Исо Масиҳ ҳақидаги Хушхабар кенг тарқалгач, бошқа жойларда ҳам жамоатларга асос солинди[1]. Жамоатдаги имонлилар бир–бирларига ҳар жиҳатдан ёрдам берардилар[2]. Имонлилар уйларда йиғилганларида ибодат қилардилар, Худога ҳамду санолар айтардилар ва Исонинг ўлимини хотирлаб, бирга таом тановул қилар эдилар[3]. Улар биргаликда Муқаддас битикларни ўқиб, сабоқ олардилар ва имонда маҳкам туриш учун бир–бирларига далда берардилар[4]. Жамоатларнинг йўлбошчилари бор эди, уларни етакчи, оқсоқол ёки чўпон деб аташарди[5]. Жамоатда имонлиларга ёрдам берадиган одамларни эса хизматчилар деб аташган[6].

Янги Аҳдда жамоат сўзи яна Исо Масиҳга ишонган жамики одамларни билдирган[7]. Жамоат сўзининг шу маъносини ифодалаш учун Янги Аҳдда бир неча тимсоллар берилган. Уларнинг баъзилари қуйидагилардир: Исо Масиҳнинг танаси[8], Маъбад[9], Худонинг хонадони[10].

*[1] Ҳаворийлар 8:1, 15:41, 1 Коринфликлар 16:19, Галатияликлар 1:1-2, Ваҳий 1:11 [2] Ҳаворийлар 2:44-45, 4:32, 34-35 [3] Ҳаворийлар 2:42, 46, Римликлар 16:4, 1 Коринфликлар 11:17-34, Эфесликлар 5:19, Колосаликлар 3:16, 4:15 [4] 1 Коринфликлар 14:26, 1 Тимўтий 4:13 [5] Ҳаворийлар 14:23, Ёқуб 5:14, 1 Бутрус 5:1-4, Эфесликлар 4:11, 1 Тимўтий 3:1-7, Титус 1:5-9 [6] Филиппиликлар 1:1, 1 Тимўтий 3:8-13 [7] Матто 16:18, 1 Коринфликлар 5:12-13, Галатияликлар 1:13, Эфесликлар 1:22, 3:10, 21, 5:23-32, Филиппиликлар 3:6 [8] 1 Коринфликлар 12:12-13, 27, Эфесликлар 5:23, 29-30, Колосаликлар 1:24 [9] 1 Коринфликлар 3:16-17, 2 Коринфликлар 6:16, Эфесликлар 2:21-22 [10] Эфесликлар 2:19, 1 Тимўтий 3:14-15, Титус 1:7, Ибронийлар 3:6*

**ЖАНГ АРАВАСИ**

Отларга қўшиладиган, орқаси очиқ арава. Жангда ишлатилган бўлиб, ҳарбий куч–қудрат ва устунлик белгиси эди.



**ЖАННАТ**

Жаннат деб таржима қилинган юнонча сўзнинг маъноси "гўзал боғ" демакдир. Янги

Аҳдда жаннат сўзи солиҳлар ўлгандан кейин борадиган жойга ишора қилади[1]. Ўша боғда солиҳлар Ҳаёт дарахти мевасидан еийишга мушарраф бўладилар[2]. Жаннат сўзи яна арши аълога нисбатан ҳам ишлатилган[3].

*[1] Луқо 23:43 [2] Ваҳий 2:7 [3] 2 Коринфликлар 12:2-4 га ва ОСМОН, САМО сўзларига қаранг.*

**ЖИН**

Муқаддас Китобда жин баъзан ёвуз руҳ деб аталган. Жинларнинг ҳукмдори шайтондир. Жинлар инсонларга зарар етказишни истайди. Улар баъзан инсоннинг ичига кириб олиб, унинг хатти–ҳаракатларини бошқаради. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун ШАЙТОН ва ФАРИШТА сўзларига қаранг.

**ЗАЙТУН**

Доим яшил субтропик дарахт ва шу дарахтнинг меваси[1]. Зайтун дарахтининг олхўри шаклидаги яшил ёки қора меваси нордон бўлади. Бу дарахт Яқин Шарқда жуда кенг тарқалган бўлиб, мевасидан мой олинади.

*[1] русча маслина ёки оливка*

**ЗИЁРАТ ҚЎШИҒИ**

Ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *юқорига чиқиш қўшиғи*, яъни Қуддусга ва Маъбад турган тепаликка чиқилаётганда айтилган қўшиқ. 119-133–санoларнинг ҳаммаси "зиёрат қўшиқлари" деб аталган, 83–сано ҳам шу усулда ёзилган. Зиёратчилар диний байрамларни нишонлаш учун Қуддусга бораётганларида ҳам, байрамларни Маъбадда нишонлаганларида ҳам шу қўшиқларни куйлаган бўлишлари мумкин.

**ЗИЛ, ЗИЛЛАР**

Бир–бирига уриб чалинадиган металл тарелка шаклидаги мусиқа асбоби.

**ЗИҒИР**

Қадимги пайтларда кенг тарқалган ўсимлик. Одамлар бу ўсимликнинг пояларини ўриб олиб, сувда ивитардилар. Қуритганларидан кейин эса толаларини ажратиб, улардан ип йигиришарди. Зиғир ипидан мато тўқишган. Қадимги замонда майин тўқилган зиғир матоси[1] қимматбаҳо газлама ҳисобланган. Бу матодан тикилган кийим енгил ва ҳаво ўтказувчан бўлгани учун, иқлими иссиқ ўлкаларда юксак даражада қадрланган ва унга эҳтиёж катта эди.

*[1] русча лён*

**ИБЛИС**

ШАЙТОН сўзига қаранг.

**ИБРОНИЙ**

Эҳтимол, иброний сўзи Ибир исмидан ҳосил бўлгандир[1]. Иброний сўзи миллат маъносида дастлаб Иброҳимга ва унинг наслига нисбатан қўлланган[2]. Кейинчалик бу ном Исроил халқига ва яҳудийларга нисбатан ишлатилган[3]. Яна ЯҲУДИЙ сўзига қаранг.

*[1] Ибтидо 10:21 [2] Ибтидо 14:13, 39:14,17, 40:15, 41:12, 43:32 [3] Мисол учун, Чиқиш 1:15-19, 1 Шоҳлар 4:6, 2 Коринфликлар 11:22, Филиппиликлар 3:5 га қаранг.*

**ИБРОНИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ**

ИБРОНИЙЧА МАТН иборасига қаранг.

**ИБРОНИЙЧА**

Исроил халқининг она тили. Исроил халқи милоддан олдинги 586 йилда Бобилга[1] асир қилиб олиб кетилмасдан олдин иброний тилида сўзлашарди. Исроил халқи сургундан қайтгандан кейин асосан орамий тилида[2] сўзлашадиган бўлди. Эски Аҳднинг аксарият қисми иброний тилида, айрим қисмларигина орамий тилида ёзилган[3].

*[1] БОБИЛ сўзига қаранг. [2] ОРАМИЙЧА сўзига қаранг. [3] жумладан, Эзра 4:8-6:18, 7:12-26, Дониёр 2:4-7:28*

**ИБРОНИЙЧА МАТН**

Эски Аҳднинг энг қадимий тўлиқ ибронийча қўлёзмаси *Ленинград Кодекси*дир. Бу қўлёзма тахминан милодий 1000 йилларда кўчирилган. Мазкур қўлёзманинг нашр қилинган нусхаси *Библия Хебраика Стутгартенсия* деб аталади. Олимларнинг аксарияти *Ленинград Кодекси*ни қадимда яҳудий котиблари ёзиб қолдирган қўлёзмаларнинг энг яхши нусхаларидан бири деб ҳисоблайди. Бу котиблар *Мазоретлар* деб аталган бўлиб, милодий 500-1000 йилларда фаолият кўрсатганлар. *Ленинград Кодекси*нинг асл нусхаси Санкт Петербургдаги Россия Миллий Кутубхонасида сақланади[1].

Эски Аҳднинг ўзбекча таржимаси, дунёдаги кўп замонавий таржималар сингари, *Ленинград Кодекси*нинг матнига асосланган. Эски Аҳднинг айрим иброний қўлёзмаларидаги ва унинг юнон, лотин, сурёний каби тилларга қилинган таржималаридаги баъзи сўзлар *Ленинград*

*Кодекси*дан бир оз фарқ қилади. Ўзбекча таржимага берилган изоҳларда мана шу фарқларнинг баъзилари кўрсатиб ўтилган. Шу орқали китобхон маълум бир оят нима учун айрим фарқлар билан таржима қилинганини тушуниб олади. Бошқа иброний қўлёзмалари ва қадимги таржималар ҳақида тўлиқроқ маълумот қуйида келтирилган.

[1] Ленинград Кодекси*нинг фотонусхаси китоб охирида "Муқаддас Китоб қўлёзмаларининг фотонусхалари" деган қисмда келтирилган. Бу қўлёзмани интернет орқали кўрса ҳам бўлади.*

ИБРОНИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

*Ленинград Кодекси*дан бошқа иброний қўлёзмалари. Бу қўлёзмаларни ҳам *Мазоретлар* деб аталган котиблар кўчирган. Олимлар асл матннинг мазмунини яхшироқ тушуниш учун шу қўлёзмалардан фойдаланадилар.

ҚУМРОН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

Қумрон қўлёзмалари "Ўлик денгиз қўлёзмалари" деган ном билан ҳам маълум бўлиб, 1946-1956 йиллар давомида Ўлик денгиз бўйидаги ғорлардан топилган. Эски Аҳднинг баъзи қисмларини ўз ичига олган бу қадимги иброний қўлёзмалари яхши сақланиб қолган. Олимлар асл матннинг мазмунини яхшироқ тушуниш учун мана шу қўлёзмалардан фойдаланадилар. Қумрон қўлёзмалари Эски Аҳднинг энг қадимий нусхалари ҳисобланиб, аксарияти тахминан милоддан олдинги 100 йилларда ёзилган. Мазкур қўлёзмалар қадимда яҳудий котиблари бўлган *Мазоретлар* фаолият кўрсатмасларидан бир неча асрлар илгари кўчирилган.

Қумрон қўлёзмалари тўпламида Эски Аҳддаги барча китобларнинг парчалари бор. Бу қўлёзмалар орасида фақатгина Эстер китоби йўқ. Уларнинг орасидаги энг диққатга сазовори Ишаё китобининг тўлиқ қўлёзмасидир[1]. Ишаё китобининг бу қўлёзмаси *Ленинград Кодекси*дан 1000 йилларча аввал кўчирилган бўлиб, аксарият ҳолларда фақат имло ва грамматик жиҳатдан бир оз фарқ қилади. Бундан бошқа фарқлари жуда кам.

Эски Аҳднинг бугунги кунгача сақланиб қолган энг қадимги қўлёзмаси милоддан олдинги 600 йилда кўчирилган бўлиб, "кумуш қўлёзмалари" деб аталади. Бу қўлёзма икки бўлак кумушга ёзилган бўлиб, Саҳрода 6:24-26 оятлардаги дуодан иборат. Кумуш қўлёзмалари Қуддус яқинидаги ғорга ўйилган қабрдан топилган. Бу қўлёзмалардаги оятлар *Ленинград Кодекси*дан 1600 йил олдин ёзилган бўлса ҳам, *Ленинград Кодекси*даги оятлар билан бир хилдир. Қумрон ва кумуш қўлёзмаларидан кўриниб турибдики, яҳудий котиблари асрлар давомида Эски Аҳднинг ибронийча матнини юксак диққат–эътибор билан кўчириб, сақлаб келганлар.

[1] *Қумрон қўлёзмалари тўпламидаги Ишаё китобининг фотонусхаси китоб охирида "Муқаддас Китоб қўлёзмаларининг фотонусхалари" деган қисмда келтирилган.*

ҚАДИМИЙ ТАРЖИМАЛАР

Эски Аҳднинг асл матни мазмунини яхшироқ тушуниш мақсадида олимлар унинг қадимий таржималаридан фойдаланадилар. Бу таржималар қадимда яҳудий котиблари бўлган *Мазоретлар* фаолият кўрсатмасларидан олдин қилинган. Қадимий таржималар орасида энг муҳими — ҚАДИМИЙ ЮНОНЧА ТАРЖИМА. Бу таржима *Септуагинта* деб ҳам аталади[1]. *Септуагинта* милоддан олдинги 300-200 йилларда Эски Аҳднинг ибронийчадан қилинган биринчи таржимаси бўлиб, илк жамоат масиҳийлари Септуагинтадан кенг фойдаланганлар. Янги Аҳдда бу таржимадан кўп иқтибослар келтирилган[2]. Муҳим таржималардан яна бири ҚАДИМИЙ СУРЁНИЙЧА ТАРЖИМА. Бу таржима ҳақида маълумот кам, олимлар уни милодий иккинчи асрда таржима қилинган, деб тахмин қиладилар. Эътиборга молик таржималардан яна бири ҚАДИМИЙ ЛОТИНЧА ТАРЖИМА бўлиб, *Вульгата* деб ҳам аталади. Бу таржима тахминан милодий 400 йилларда қилинган. Бу қадимий таржималар Қумрон қўлёзмалари сингари шундан далолат берадики, яҳудий котиблари Эски Аҳд матнини асрлар давомида юксак диққат–эътибор билан кўчириб, сақлаб келганлар.

[1] Септуагинта *қўлёзмаларидан бирининг фотонусхаси китоб охирида "Муқаддас Китоб қўлёзмаларининг фотонусхалари" деган қисмда келтирилган.* [2] *Яна* ЮНОН ТИЛИ ВА МАДАНИЯТИ *иборасига қаранг.*

**ИНОЯТ**

Муқаддас Китобда "иноят" ва "иноятли" сўзлари одатда Худога ва Унинг қилган ишларига нисбатан ишлатилган. Иноят сўзининг туб маъноси шуки, Худо буюк ва

шартсиз севгиси туфайли Ўз хоҳиши билан инсонларга барака беради[1]. Бу дунё яратилгандан бери Худонинг иноятини одамзод ва бутун мавжудотнинг ҳаётида намоён. Худо уларга ҳаёт ато этади ва яшаш учун зарур бўлган нарсаларни етказиб туради[2]. Худо инсонларга ва барча халқларга иноят кўрсатади[3]. Эски Аҳдда Худонинг Исроил халқига бўлган чексиз иноятини биз Исроил тарихининг турли даврларида кўришимиз мумкин. Исроил халқининг мўъжизавий тарзда Мисрдаги қулликдан озод бўлгани бунинг яққол мисолидир[4].

Янги Аҳдда Исо Масиҳнинг бу дунёга келиб, Унга ишонганларга нажот бергани Худонинг одамзодга кўрсатган иноятининг энг ёрқин намунасидир[5]. Исо Масиҳ орқали Худо инсонларни гуноҳдан озод қилиб, оқлайди ва уларга абадий ҳаёт ато этади[6]. Бу иноятга ҳеч ким лойиқ эмас ва иноят инсоннинг қилган савоб ишларига боғлиқ эмас[7]. Худонинг кўрсатган иноятига муносиб жавоб гуноҳдан юз ўгириб, Худога итоаткор бўлишдир[8]. Худо Ўз инояти туфайли имонлиларга Муқаддас Руҳини ато этади. Улар Муқаддас Руҳ орқали бу дунёда Худога хизмат қиладилар[9].

*[1] Забур 12:6, 144:8-9, Еремиё 31:2-3, Эфесликлар 2:4-5 [2] Ибтидо 1:28-29, Забур 146:7-9, Аюб 5:9-10, Ҳаворийлар 14:16-17 [3] Юнус 4:2, Луқо 1:30 [4] Қонунлар 7:7-9, Забур 102:6-14, 135:1-26 [5] Юҳанно 1:17, 3:16-17 [6] Римликлар 3:23-24, 5:8-9, Эфесликлар 1:7-8, Титус 3:4-7 [7] Римликлар 11:5-6, Эфесликлар 2:8-9, 2 Тимўтий 1:9-10 [8] Римликлар 6:1-2, 15-19, Титус 2:11-14 [9] Ҳаворийлар 1:8, 2:1-4, Римликлар 12:6-8, 1 Коринфликлар 12:4-11, 2 Салоникаликлар 1:11-12*

**ИНСОН ЎҒЛИ**

“Хушхабар” китобларида Исо Масиҳ Ўзига нисбатан ишлатган унвон. Исо яшаган даврда яҳудийлар бу унвон остида *дунёга ҳукм ва нажот келтирадиган Худонинг вакилини* тушунганлар. Дониёр пайғамбарга берилган ваҳийда инсон қиёфасидаги бу зот тўғрисида башорат қилинган[1]. Яҳудийлар кўпинча Худонинг вакилини “Масиҳ” деб атаганлар[2].

“Инсон Ўғли” унвони Эски Аҳднинг ибронийча матнида ҳам бир неча марта учрайди[3]. Бу ўринларда пайғамбар ҳам инсон зотидан бўлиб, абадий яшамаслиги, у ҳам Худонинг кучига муҳтож экани кўрсатилган. Бу ибора умуман бандаларга нисбатан ҳам ишлатилган.

*[1] Дониёр 7:13-14 [2] МАСИҲ сўзига қаранг. [3] Мисол учун, Забур 8:5, Ҳизқиёл 2:1, Дониёр 8:17 га ва ўша оятларнинг изоҳларига қаранг.*

**ИСРОИЛ**

Ёқуб Паниёлда Худо билан кураш тушгандан кейин, Худо унга “Исроил” деб исм берган[1]. Ёқуб Иброҳимнинг набираси ва Исҳоқнинг ўғли эди. Ёқубнинг ўн иккита ўғли бўлиб, улардан Исроилнинг ўн икки қабиласи келиб чиққан. Эски Аҳдда мана шу ўн икки қабила Исроил халқи деб аталган. Кейинчалик Исроил халқи босиб олган ерлар ҳам Исроил юрти деб ном олган.

Шоҳ Сулаймон вафотидан кейин шимолдаги ўнта қабила жанубдаги Яҳудо ва Бенямин қабилаларидан ажралиб чиқди[2]. Бу ўнта қабила алоҳида давлатни ташкил қилиб, Исроил шоҳлиги[3] деб ном олди. Бу давлатнинг пойтахти Самария бўлди. Эски Аҳднинг баъзи ўринларида шимолдаги ўнта қабилага Исроил халқи деган ном, бу қабилалар ташкил қилган давлатга нисбатан Исроил юрти деган ном қўлланган. Милоддан олдинги 722 йилда Оссурия шоҳлиги Исроилни босиб олгач[4], шимолий шоҳлик барҳам топди.

Янги Аҳдда “Исроил” номи сиёсий мустақилликка эга давлатни эмас, балки Ёқуб наслини, яъни яҳудийларни билдирган.

*[1] Ибтидо 32:28-29, 35:10 [2] 3 Шоҳлар 11:26-12:24 [3] шимолий шоҳлик ибораси билан ҳам маълум [4] 4 Шоҳлар 17:1-6*

**ИЧКИ ПАРДА**

Муқаддас чодирнинг Энг муқаддас хонасини Муқаддас хонасидан ажратиб турган парда. Бу парда майин зиғир матосидан тикилган бўлиб, устига рангли иплардан карублар тасвири солинган эди[1]. Кейинчалик шундай парда Қуддусдаги Маъбаднинг Энг муқаддас хонасини Муқаддас хонасидан ажратиб турган[2]. Исо Масиҳ хочда жон берганда шоҳ Ҳирод қурдирган Маъбаддаги парда йиртилиб кетди[3]. Ибронийларга мактубнинг муаллифи самовий Маъбадда ҳам шу каби парда борлигини айтиб ўтади[4].

*[1] Чиқиш 26:31-33 [2] 2 Солномалар 3:14 [3] Матто 27:50-51 [4] Ибронийлар 6:19-20*

**ЙҲВҲ**

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ ибораси остида берилган ЭГАМ, ЭГАМИЗ… сўзларига қаранг.

**КАНЪОН**

Канъон Нуҳнинг набираси ва Хомнинг ўғли эди. Қадимги пайтларда Ўрта ер денгизи, Иордан дарёси ва Ўлик денгиз оралиғидаги ерлар ҳам Канъон деган ном билан юритилган. Канъон юртидан шимолда Лубнон тоғлари, жанубда эса Нагав чўли бор эди. Ибтидо китобида баён қилинишича, Хомнинг ўғли Канъондан бир нечта халқ келиб чиққан ва ўша ерларда яшаган[1]. Исроил халқи бу ерларни босиб олгандан кейин, Канъон деган ном аста–секин йўқолиб кетди. Унинг ўрнига бу ерлар "Исроил юрти" деб атала бошлаган, анча вақт ўтгандан кейин эса "Фаластин" номи билан танилган[2].

Муқаддас Китобда Канъон жуда ҳосилдор, "сут ва асал оқиб ётган юрт" деб тасвирланган[3]. Канъон географик жиҳатдан жуда қулай ва унумдор ер ҳисобланган. Канъон юртидан жануби–ғарбда жойлашган Синай ярим ороли Осиё ва Африка қитъаларини бирлаштириб туради. Шунинг учун муҳим тижорат йўллари Канъон орқали, Ўрта ер денгизи бўйлаб ўтган. Қадимда Яқин Шарқдаги қудратли шоҳликлар Канъонни қўлга киритишга ҳаракат қилганлар.

*[1] Ибтидо 10:6, 15-19 га ва КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОН ХАЛҚЛАРИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР ибораларига қаранг. [2] ФАЛАСТИН сўзига қаранг. [3] Чиқиш 3:8 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.*

**КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОН ХАЛҚЛАРИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР**

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлар. Бу халқлар қуйидагилар эди: Амор халқи, Гиргош халқи, Хет халқи, Хив халқи, Ёбус халқи, Кадмон халқи, Ханаз халқи, Хайин халқи, Париз халқи, Рафа халқи. Бу халқлардан баъзилари Канъон юртининг айнан қайси жойида яшагани маълум эмас. Исроил халқи Канъонни босиб олгандан кейин ҳам, бу халқлардан бир қанчаси ўша юртда яшайверганлар. Яна КАНЪОН сўзига қаранг.

**КАРНАЙ БАЙРАМИ**

БАЙРАМЛАР сўзига қаранг.

**КАРУБ, КАРУБЛАР**

Қанотли самовий мавжудотлар. Бу мавжудотлар ҳақида сўз юритилганда, улар одатда Худонинг тахти ёнида тасвирланади. Эски Аҳднинг баъзи ўринларида эса карублар Худонинг тахтини кўтариб юргани ҳақида баён қилинади[1].

Мана шу самовий мавжудотларнинг ҳайкаллари ва ўйма, нақш солинган тасвирлари Худонинг улуғворлиги ва Унинг Ўз халқи орасида эканлигининг рамзидир. Аҳд сандиғи қопқоғи устида икки каруб ҳайкали бор эди[2]. Муқаддас чодирнинг Энг муқаддас хонасини Муқаддас хонасидан ажратиб турган ички пардага карублар тасвири солинган эди. Кейинчалик шоҳ Сулаймон баландлиги 4,5 метр бўлган карубларнинг иккита ҳайкалини ясаттириб, Маъбаднинг Энг муқаддас хонасига қўйдирган[3]. Шоҳ Сулаймон қурдирган Маъбаднинг ички пардаси, деворлари ва эшиклари ҳам карублар тасвири билан безатилган эди[4].

*[1] Ҳизқиёл 1, 10–боблар [2] Чиқиш 25:18-20 га ва АҲД САНДИҒИ иборасига ишланган расмга қаранг. [3] 3 Шоҳлар 6:23-28 га ва луғатдан кейин илова қилинган "Расмлар ва лойиҳалар" бўлимида берилган "Шоҳ Сулаймон қурдирган Маъбад" расмига қаранг. [4] 2 Солномалар 3:14, 3 Шоҳлар 6:29-35*

**КУЙДИРИЛАДИГАН ҚУРБОНЛИК, КУЙДИРИЛАДИГАН НАЗР**

ҚУРБОНЛИК сўзига қаранг.

**КЎКРАКПЕЧ**

Олий руҳоний кўксига тақадиган, қимматбаҳо тошлар билан безатилган махсус халта. Кўкракпеч халтасига Урим ва Туммим деган муқаддас нарсалар солинган эди. Олий руҳоний Худонинг иродасини билиш учун Урим ва Туммимдан фойдаланган[1].

*[1] Чиқиш 28:15-30*



**ЛЕВИ, ЛЕВИЛАР**

Ёқубнинг ўғли Леви қабиласидан бўлган эркаклар. Худо Леви қабиласидан бўлган Ҳорун наслини Исроил халқининг руҳонийлари қилиб танлаган эди[1]. Леви

қабиласининг қолган эркаклари диний маросимларни бажаришда ёрдам берганлар. Бундан ташқари, улар Муқаддас чодирга, кейинчалик эса Маъбадга, унинг ашёлари ва буюмларига ҳам масъул эдилар[2]. Худо Исроил халқининг тўнғич ўғиллари ўрнига левиларни Ўз хизматига олганди. Зотан, Исроилнинг тўнғич ўғиллари Худога тегишли эди[3]. Кейинчалик шоҳ Довуд левиларнинг баъзиларини Худога сажда қилиш пайтида ашула айтишга ва мусиқа чалишга тайинлаган[4].

*[1] РУҲОНИЙ сўзига қаранг. [2] Саҳрода 3:5-10, 1 Солномалар 23:25-29, 32 [3] Саҳрода 3:11-13, 40-51 [4] 1 Солномалар 6:31-32, 23:30-31*

**ЛИРА**

Торли мусиқа асбоби.



**ЛУБНОН**

Лубнон тоғ тизмаси бўлиб, ҳозирги Ливан мамлакатида жойлашган. Лубнон тоғлари садр дарахтлари билан машҳур эди. Шоҳ Сулаймон Қуддусдаги Маъбадни ва ўз саройини Лубноннинг садр ёғочларидан қурдирган[1].

*[1] 3 Шоҳлар 5:6-10, 6:15-20, 7:2-3*

**МАЛАК**

ФАРИШТА сўзига қаранг.

**МАСИҲ**

Масиҳ ибронийчадаги “Машиах” сўзидан олинган бўлиб, юнон тилига “Христос” деб таржима қилинган. Иброний тилида бу сўз “мой суртилган” деган маънони билдиради. Қадимги Исроилда бирон одамни руҳоний, пайғамбар ёки шоҳ қилиб тайинлашда бошига зайтун мойи суртиларди[1]. Бу ҳаракат ўша одамнинг Худо томонидан танланганини ва Худонинг хизматига бағишланганини билдирарди. Шу сабабдан Масиҳ сўзи “Худо томонидан танланган” деган маънони ҳам англатади.

Эски Аҳддаги башоратларга кўра, бир кун келиб, шоҳ Довуднинг зурриётидан бўлган бир зот Исроил халқини душманларидан қутқаради ва ер юзида абадий адолат ўрнатиб, барча халқлар устидан ҳукмронлик қилади[2]. Кейинчалик яҳудийлар ваъда қилинган ўша қутқарувчини “Масиҳ” деб атайдиган бўлдилар. Яҳудийларнинг юрти Рим империяси истибдодида қолганда кўп яҳудийлар, Масиҳ келиб, бизни ажнабийлар қўлидан қутқаради ҳамда Исроил шоҳлигининг улуғворлигини қайта тиклайди, деб умид қилганлар[3].

Янги Аҳдга кўра, Раббимиз Исо Эски Аҳддаги башоратларда айтиб ўтилган Масиҳдир[4]. Исо Масиҳ Ўз ваъзлари орқали Худонинг Шоҳлиги келишини эълон қилган, аммо бу Шоҳлик заминий шоҳлик эмас эди[5]. Исо Масиҳ хочдаги ўлими орқали иблиснинг қудратини йўқ қилди, гуноҳга ва ўлим қўрқувига қул бўлган бутун одамзодга озод бўлиш имконини берди[6]. Шунинг учун Исога ишонганлар Уни “Масиҳ” деб аташади.

*[1] Чиқиш 28:41, 1 Шоҳлар 10:1, 3 Шоҳлар 19:15 [2] Мисол учун, Ишаё 9:6-7, 11:1-5, 42:1-4, Еремиё 23:5-6 га қаранг. [3] Ҳаворийлар 1:6 [4] Матто 16:15-17, Луқо 2:11, Юҳанно 20:31, Ҳаворийлар 2:36 [5] Юҳанно 18:36 [6] Матто 1:20-23, Луқо 4:16-21, 24:44-48, Ибронийлар 2:14-15*

**МАЪБАД**

Бирон худога сажда қилиш учун қурилган бино. Одатда худоларга атаб маъбадлар қуриларди, сажда қилувчилар, худо ўз маъбадида зоҳир бўлади, деб ишонардилар. Шу сабабдан улар маъбадни худонинг уйи деб ҳам атардилар. Мазкур таржимада маъбад сўзи катта ҳарф билан ёзилган бўлса, Қуддусдаги Эгамизнинг Маъбади назарда тутилган. Шоҳ Сулаймон давридан бошлаб бутун Исроил халқи Эгамизга Қуддусдаги Маъбадда сажда қиларди. Улар Маъбадда қурбонликлар келтирардилар ва муҳим байрамларни шу ерда нишонлар эдилар.

Исроил тарихида Қуддусда бир неча марта Маъбад қурилган, аммо босқинчилар томонидан вайрон қилинган[1]. Биринчи Маъбадни шоҳ Сулаймон қурдирган. Бу Маъбад 3 Шоҳлар 6:1-38, 7:13-51, 2 Солномалар 2:1-4:22 да батафсил тасвирланган. Милоддан олдинги 586 йилда Бобилликлар бу Маъбадни вайрон қилиб, ундаги барча қимматбаҳо ашёларни Бобилга олиб кетганлар[2]. Яҳудо халқи Бобилга сургун

қилинди. Улар Бобилда сургунда яшар эканлар, Худо Ҳизқиёл пайғамбарга янги Маъбад ҳақида ваҳий юборган эди[3].

Милоддан олдинги 538 йилда Форс шоҳи Курушнинг фармонига кўра, баъзи яҳудийлар Қуддусга қайтиб келиб, Маъбадни қайта қуришни бошладилар. Аммо улар Маъбад пойдеворини ётқизганларидан кейин кўп қаршиликларга дуч келдилар ва қурилиш ишларини тўхтатишга мажбур бўлдилар. Бу ҳол Форс шоҳи Доро тахтга чиққунга қадар давом этди. Милоддан олдинги 520 йилдагина улар Маъбад қурилишини давом эттирдилар. Хаггей ва Закариё пайғамбарлар Худодан олган башоратлари билан Маъбадни қураётганларни руҳлантириб турдилар. Ниҳоят, милоддан олдинги 515 йилга келиб, Маъбад қуриб битказилди[4]. Аммо милоддан олдинги 175-164 йилларда Сурияда ҳукмронлик қилган Антиох IV[5] бошчилигида юнонлар Қуддусга бостириб келиб, иккинчи марта қурилган бу Маъбадни талон–тарож қилганлар, уни булғаганлар[6]. Кейинчалик, милоддан олдинги 37-4 йилларда қадимги Фаластинда[7] ҳукмронлик қилган Буюк Ҳирод милоддан олдинги 19 йилда Маъбадни қайта қуришни бошлаган. Қурилиш ишлари Исо Масиҳ даврида ҳам давом этаётган эди. Қайта қурилган ўша Маъбад милодий 70 йилда Римликлар томонидан вайрон қилинди. Шундан кейин Маъбад қайта қурилмади.

“Маъбад” сўзи асосий бинога ёки бутун Маъбад мажмуасига нисбатан ишлатилган. Маъбаднинг асосий биноси Муқаддас хона ва Энг муқаддас хонадан иборат эди. Бу хоналарга маълум бир маросимларни бажариш учун фақатгина руҳонийлар киришга ҳақли эдилар[8]. Халқ Маъбад ҳовлисида Худога сажда қилган. Ҳирод қурдирган Маъбаднинг асосий биносига яқин ҳовли яҳудий эркаклари учун, унинг ёнидаги ҳовли эса яҳудий аёллари учун ажратилган эди. Маъбад мажмуасининг ички ҳовлиси Исроил халқи учун, ташқи ҳовли эса ғайрияҳудийлар учун эди. Исо Масиҳ Маъбаддаги савдогарларни ҳайдагани тўғрисидаги воқеа ташқи ҳовлида юз берган бўлиши мумкин[9].

Муқаддас Китобда Маъбад баъзан “муқаддас маскан” ёки “муқаддас макон” деб айтилган. Ваҳий китобида самодаги Маъбад бир неча марта тилга олинган[10].

*[1] Маъбаднинг расмлари ва лойиҳалари луғатдан кейин илова қилинган “Расмлар ва лойиҳалар” бўлимида берилган. [2] 4 Шоҳлар 25:8-17 [3] Ҳизқиёл 40-46–боблар [4] Эзра 1:1-11, 3:7-4:5, 5:1-2, 6:14-15 [5] Доniёр 8:12 изоҳига қаранг. [6] Доniёр 9:27 нинг охирги изоҳига қаранг. [7] ФАЛАСТИН сўзига қаранг. [8] МУҚАДДАС ХОНА ва ЭНГ МУҚАДДАС ХОНА ибораларига қаранг. [9] Юҳанно 2:13-22 [10] Мисол учун, Ваҳий 11:1, 19, 15:5-8 га қаранг.*

## МИДИЁН, МИДИЁН ХАЛҚИ, МИДИЁНЛИКЛАР

Иброҳим Соранинг вафотидан кейин Хатуро исмли бир аёлга уйланди. Хатуро Иброҳимга олтита ўғил туғиб берди. Ўғиллардан бирининг исми Мидиён эди[1]. Мидиёндан тарқалган авлод Мидиён халқи деган ном билан танилди. Улар кўчманчи халқ бўлиб, асосан ҳозирги Ақаба қўлтиғининг шарқ томонидаги саҳрода яшардилар. Шу сабабдан у ерлар Мидиён юрти, ўша жойда яшаган халқ Мидиёнликлар деб аталган. Мидиённинг авлоди Иброҳимнинг ўғли Исмоилдан келиб чиққан кўчманчи халққа қариндош бўлгани учун, улар баъзан Исмоилийлар деб ҳам юритилган. Шунинг учун “Мидиён” ва “Исмоил” деган номлар баъзан бир–бирининг ўрнида ишлатилаверган.

*[1] Ибтидо 25:1-2*

## МИДИЯ

Қудратли шоҳлик бўлиб, ҳозирги Эрон мамлакатининг шимоли–ғарбида жойлашган эди. Милоддан олдинги 550 йилга келиб, Мидия Форс шоҳлигининг энг муҳим вилоятига айланди, шу боис Форс қонунлари “Мидия ва Форс қонунлари” деб аталадиган бўлди[1].

*[1] Эстер 1:19, Доniёр 6:8*

## МИДИЯ ВА ФОРС ШОҲЛИГИ

ФОРС ШОҲЛИГИ иборасига қаранг.

## МИКОЙИЛ

Муқаддас Китобда иккита фариштанинг номи айтиб ўтилган, биринчиси — Микойил, иккинчиси — Жаброил[1]. Микойил бош фаришталардан бири бўлиб, Исроил халқининг ҳимоячиси деб аталган[2]. Микойил ва унинг қўли остидаги фаришталар шайтон ва унинг ёвуз фаришталари билан жанг қилиб, уларни самодан ҳайдаганлар[3].

*[1] Мазкур таржимада Азроил фаришта ҳам айтиб ўтилган, Муқаддас Китобнинг асл нусхасида Азроил “ҳалок қилувчи” деб берилган. [2] Доniёр 10:13, 20-21, 12:1, Яҳудо 9 [3] Ваҳий 12:7-9*

**МИСР**

Қадимги Миср Эски Аҳдда кўп тилга олинган ва дунё тарихида муҳим из қолдирган. Миср ҳукмдорлари “Фиръавн” деб аталарди. Миср цивилизацияси жуда ривожланган бўлиб, халқаро тижоратда ҳам асосий ўрин тутган. Нил дарёсининг сувлари ва ҳосилдор ерлар Миср аҳолисининг озиқ–овқат билан доимо таъминланишига муҳим омил эди. Шунинг учун Ибром, яъни Иброҳим пайғамбар ва унинг оиласи Канъон юртида қурғоқчилик бўлган пайтда Мисрда маълум вақт яшаган[1]. Иброҳим ўғли Исҳоқнинг Юсуф деган невараси бор эди. Юсуфни ўз ака–укалари Исмоилий савдогарларга қул қилиб сотиб юборишади[2]. Лекин вақти келиб, Юсуф фиръавннинг фаровонлик ва қаҳатчилик ҳақидаги кароматли тушини таъбир қилиб бергани учун Миср ҳокими этиб тайинланади[3]. Қаҳатчилик даврида Юсуф Миср халқини ва отаси Ёқубнинг бутун хонадонини қутқариб қолади[4]. Юсуфнинг отаси Ёқуб ва унинг хонадони Канъондан Мисрга кўчиб келади[5]. Бир неча насл ўтгандан кейин Ёқубнинг авлоди Мисрда қул бўлиб қолади[6]. Мусо пайғамбар Худонинг амри билан мўъжизалар кўрсатиб, Исроил халқини қулликдан озод қилади ва Мисрдан олиб чиқади[7].

Миср ҳукмдорлари кўпинча ўз юртидан ташқарида, айниқса Канъон юртига катта сиёсий таъсир ўтказарди ва баъзан атрофдаги ерларга ҳарбий юришлар қиларди. Канъон Мисрдан шимоли–шарқда жойлашган бўлиб, Исроил халқи у ерларда яшар эди. Исроил шоҳи Сулаймон Миср фиръавнининг қизларидан бирига уйланиб, фиръавн билан алоқасини мустаҳкамлади[8]. Пайғамбарлар кўпинча Яҳудони, яъни жанубий шоҳлик аҳолисини, Мисрнинг ҳарбий кучига ишонманглар, деб огоҳлантирганлар[9]. Эски Аҳдда Мисрнинг қисмати ҳақида башоратлар бор[10]. Яҳудо шоҳлиги Бобил шоҳлигига мағлуб бўлгандан кейин Яҳудо аҳолисидан баъзилари Мисрга қочиб кетганлар. Еремиё пайғамбар уларни Мисрда кутиб турган фалокатлар ҳақида огоҳлантирса ҳам, улар Мисрга кетганлар[11].

Милоддан олдинги 525 йилда Форс шоҳлиги Мисрни босиб олди. Икки юз йилдан кейин эса Искандар Зулқарнайн Мисрни ҳеч қандай қаршиликсиз қўлга киритди. У Ўрта ер денгизи бўйида шаҳар қурдириб, унга Искандария деб ном берди ва ўша шаҳарни Мисрнинг янги пойтахти қилди. Кўп яҳудийлар Искандария шаҳрига бориб ўрнашдилар, бу шаҳар узоқ асрлар давомида яҳудийларнинг диний таълим маркази бўлиб келган. Айнан шу шаҳарда милоддан олдинги учинчи асрда Эски Аҳд ибронийчадан илк бор юнон тилига таржима қилинган. Милоддан олдинги 198 йилда Сурия Яҳудия ўлкасини босиб олди. Шунга қадар Яҳудияни Мисрда ҳукмронлик қилган юнон шоҳлари бошқарганлар[12]. Буюк Ҳирод чақалоқ Исони ўлдирмоқчи бўлганда, Уни ота–онаси Мисрга олиб қочган[13].

*[1] Ибтидо 12:10-20 [2] Ибтидо 37:25-28 [3] Ибтидо 41:1-44*
*[4] Ибтидо 41:46-49, 53-57 [5] Ибтидо 45:16-20, 46:1-7*
*[6] Чиқиш 1:8-14 [7] Чиқиш 2:1-15:21 [8] 3 Шоҳлар 3:1, 9:16*
*[9] Ишаё 20:1-6, 30:1-7, 31:1-3, Еремиё 2:36-37, 37:5-8*
*[10] Мисол учун, Ишаё 19:1-25, Еремиё 46:1-26, Ҳизқиёл 29:1-32:32, Дониёр 11:2-45 га қаранг. [11] Еремиё 42:1-44:30*
*[12] Дониёр 11:5-16 [13] Матто 2:13-15*

**МОЙ**

Муқаддас Китобда мой сўзи остида зайтун мевасидан олинган мой назарда тутилади[1]. Қадимги Исроилда зайтун мойидан кенг фойдаланилган. Жумладан, мойчироқлар учун, теридаги яра ва жароҳатларни даволаш учун зайтун мойи ишлатилган. Шунингдек, бой одамлар баданларини парвариш қилиш учун аъло сифатли зайтун мойидан фойдаланганлар. Баъзан зайтун мойи атир билан аралаштирилиб, ёқимли ҳид таралиши учун сочга, терига суртилган. Бирон одамни руҳоний, пайғамбар ёки шоҳ қилиб тайинлашда бошига аъло сифатли зайтун мойи суртилган. Муқаддас чодирдаги ва Маъбаддаги буюмларни муқаддас қилиш учун ҳам зайтун мойи ишлатилган. Хуллас, мой бирдамлик, фаровонлик, поклик ва Худо Руҳининг қудрати рамзи бўлган.

*[1] ЗАЙТУН сўзига қаранг.*

**МОЙ СУРТИБ ТАНЛАМОҚ**

Эски аҳд даврида Худо бирор кишини руҳоний, пайғамбар ёки шоҳ қилиб танлаганда унинг бошига зайтун мойи суртишга амр берар эди[1]. Зайтун мойи Худо Руҳининг рамзи бўлиб, мой суртилган одамнинг покланганини ва унга қудрат ато қилинганини билдирар эди. Шу йўл билан танланган одам, айниқса шоҳ иброний тилида “машиах”, яъни “мой суртиб танланган” деб

аталарди. “Машиах” сўзи кейинчалик унвон сифатида ишлатиладиган бўлди [2]. Муқаддас чодирдаги ва Маъбаддаги буюмлар ҳам зайтун мойи суртиш орқали муқаддас қилинган.

*[1] МОЙ сўзига қаранг. [2] МАСИҲ сўзига қаранг.*

**МОЙЧИРОҚ**

Қадимги пайтларда мойчироқдан кенг фойдаланилган. Бу чироқ кичик бир сопол идиш бўлиб, унга зайтун мойи қуйилган. Чироқнинг пилиги бўлган. Металлдан ясалган чироқлар қиммат ҳисобланган.



**МУҚАДДАС**

Муқаддас Китобда муқаддас сўзи асосан Худога нисбатан ишлатилган. Бу сўз Худонинг бутун борлиқдан устунлигини ва тенгсизлигини билдиради. У танҳо, ҳақиқий Худодир. Худо тамомила пок, гуноҳсиз ва нуқсонсиздир.

Муқаддас сўзи нарсаларга ва одамларга нисбатан ҳам ишлатилган. Бу ҳолда муқаддас сўзи “пок, табаррук, ажратилган, ажратиб олинган, бағишланган” маъноларини ифодалайди. Бу сўз Муқаддас чодирдаги, кейинчалик эса Маъбаддаги буюмларга ва жиҳозларга нисбатан ишлатилган. Муқаддас жой ёки буюм Худога бағишланган бўлиб, уларга нисбатан эҳтиёткорлик ва эътибор билан муносабатда бўлиш талаб қилинган. Муқаддас чодирда, кейинчалик эса Маъбадда хизмат қилган руҳонийлар ҳам муқаддас ҳисобланган. Руҳонийга нисбатан қўлланган муқаддас сўзи унинг Худога хизмат қилишга бағишланганини ва махсус вазифаси бўлганини кўрсатади. Одамлар ва буюмлар Тавротда буюрилган қурбонликлар ва диний маросимлар орқали покланиб, муқаддас қилинганлар. Худо Ўз халқига: “Муқаддас бўлинглар”, деб амр берган. Бунинг мазмуни шундан иборатки, Исроил халқи бошқа халқлардан ажралиб туриши, ўзларини Худога бағишлаб, Унинг қонунларини бажаришлари керак эди.

**МУҚАДДАС НОН**

Муқаддас чодирдаги хонтахтага, кейинчалик Маъбаддаги хонтахтага қўйилган ўн иккита хамиртурушсиз нон. Бу нонлар Эгамизнинг ҳузуридаги хонтахтага қўйилган, шунинг учун ибронийчада “ҳузуридаги нон” деб аталган. Нонлар хонтахтада бир ҳафта тургач, янги ёпилган ўн иккита нон билан алмаштирилган. Хонтахтадан олинган нонларни фақат руҳонийлар ейишган[1]. Муқаддас нонлар Эгамизнинг ҳузурини билдирувчи рамз бўлиб, Худо Исроил халқининг қудрати ва таъминловчиси эканлигидан ҳам дарак бериб турган.

*[1] Левилар 24:5-9*

**МУҚАДДАС РУҲ**

ХУДОНИНГ РУҲИ иборасига қаранг.

**МУҚАДДАС ХОНА**

Муқаддас чодирнинг, кейинчалик эса Маъбаднинг кираверишидаги катта хонаси[1]. Муқаддас хонада олтиндан ясалган тутатқи қурбонгоҳи, олтин чироқпоя ва муқаддас нонлар турадиган хонтахта бор эди. Муқаддас хонани Энг муқаддас хонадан катта парда ажратиб турарди. Тавротга кўра, руҳоний бир кунда икки марта — эрталаб ва кечқурун Муқаддас хонага кириб, олтин қурбонгоҳда тутатқи тутатарди. Муқаддас хонага фақат руҳонийлар киришга ҳақли эдилар. Яна ЭНГ МУҚАДДАС ХОНА иборасига қаранг.

*[1] Луғатдан кейин илова қилинган “Расмлар ва лойиҳалар” бўлимига қаранг.*

**МУҚАДДАС ХУДО**

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

**МУҚАДДАС ЧОДИР**

Исроил халқи Худога сажда қилишда ишлатган чодир[1]. Исроил халқи Синай тоғида турганда, Худо Мусога Муқаддас чодирни ва унинг ҳамма жиҳозларини ясашни буюриб, уларнинг аниқ намунасини кўрсатган[2]. Бу чодирни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин эди. Муқаддас чодир термини чодирнинг ўзига нисбатан ҳам, унинг атрофидаги махсус тўсиқлар билан ажратилган ерга нисбатан ҳам ишлатилади. Муқаддас чодирнинг Энг муқаддас хонасида Аҳд сандиғи сақланган. Бу чодир Учрашув чодири деб ҳам аталган. Исроил халқи

қурбонликлар келтирганда Худо Ўз халқи билан учрашиш учун шу чодирда зоҳир бўлар эди[3]. Кейинчалик шоҳ Сулаймон Худога атаб, Қуддусда Маъбад қурдирди.

Муқаддас Китобда Муқаддас чодир баъзан "муқаддас маскан" ёки "муқаддас макон" деб айтилган. Ибронийларга мактубда самодаги Чодир бир неча марта тилга олинган. Исо Масиҳ мана шу самовий Чодирнинг Энг муқаддас хонасида олий руҳоний бўлиб хизмат қиляпти[4].

*[1] Муқаддас чодирнинг расми луғатдан кейин илова қилинган "Расмлар ва лойиҳалар" бўлимида берилган. [2] Чиқиш 25:8-9, 26:1-37, 27:9-19 [3] Чиқиш 29:42-43 [4] Ибронийлар 8:1-2, 9:11-12, 24*

### МУҲР

Ип билан бўйинга осиладиган цилиндр шаклидаги буюм ёки муҳр узуги. Қадимда бирорта хатни ёки ҳужжатни расмийлаштириш учун, унга мум, қўрғошин ёки бирор юмшоқ модда суртилиб сурғучланган, устидан муҳр босилган. Бу муҳр хат ёки ҳужжат юбораётган одамнинг ҳокимиятини билдириб, хат ёки ҳужжатнинг расмийлигини кўрсатар эди.



### МЎАБ, МЎАБ ХАЛҚИ, МЎАБЛИКЛАР

Бу халқ Иброҳимнинг жияни Лут наслидан эди. Лутга қизлари шароб бериб, маст қилиб қўйгач, катта қизи отаси ёнига кириб, отасидан ҳомиладор бўлган ва ўғли Мўабни туққан эди[1]. Мўаб халқи Мўаб юртида яшарди. Бу юрт Ўлик денгизнинг шарқидаги ясси тепаликда жойлашган бўлиб, ери ҳосилдор эди. Мўаб халқи худо Хамўшга сажда қиларди. Мўаб тили иброний тилига яқин эди. Аммо улар Исроил халқининг душмани эдилар. Исроил пайғамбарлари Мўаб халқининг аянчли қисмати ҳақида кўп башорат қилганлар[2]. Бобилликлар уларни қириб ташлагандан кейин, бу халқ ном–нишонсиз йўқ бўлиб кетди.

*[1] Ибтидо 19:30-38 [2] Ишаё 15-16–боблар, Еремиё 48–боб, Зафаниё 2:8-11*

### МЎЛАХ

Оммон халқининг худоси[1]. Одамлар ўз фарзандларини қурбонлик қилиш орқали Мўлахга сажда қилар эдилар. Худонинг қонунларида бундай одат қатъиян ман этилган. Аммо Қуддусга яқин жойдаги Хиннум сойлигида ҳатто Исроил халқи ҳам Мўлахга сажда қилиб, фарзандларини қурбонлик қилгани кузатилган[2].

*[1] 3 Шоҳлар 11:7 [2] Левилар 18:21, 20:2-5, Еремиё 32:35*

### НАЖОТ

Иброний ва юнон матнларида "нажот" тушунчасини ифодалайдиган бир нечта сўз ишлатилган бўлиб, улар мазкур таржимада "нажот, қутқармоқ, халос қилмоқ, озод қилмоқ" каби сўзлар билан берилган. Бу сўзлар одамларнинг ва бутун бир халқнинг душманлардан ёки уларнинг ҳаётига хавф солаётган бошқа нарсалардан халос бўлишини ифодалайди.

Эски Аҳдда бирорта одам маълум бир вазиятда бошқаларни хавф–хатардан қутқарганда "қутқарувчи" деб аталган[1]. Аксарият ҳолларда эса "Қутқарувчи, Халоскор ва Нажоткор" деган ном Худонинг Ўзига нисбатан ишлатилган[2]. Исроил халқи тарихидаги энг буюк воқеалардан бири уларнинг Мисрдаги қулликдан озод бўлганидир. Худо Мусо орқали мўъжиза кўрсатиб, Ўзининг Қутқарувчи эканлигини намоён қилган[3]. Худо Исроил халқини кўп маротаба қутқаргани учун, улар, келажакда Эгамиз бизни барча душманлардан ва ёвузликдан халос қилади, деган умидда ўша вақтни интизорлик билан кутганлар. Яна Эски Аҳдда пайғамбарлар башорат қилиб, Худо Ўзининг солиҳ қулини юборади ва инсонларни гуноҳлардан халос қилади, деб айтганлар. Башоратларга кўра Худонинг бу содиқ қули пайғамбар Довуднинг авлодидан келиб чиқарди[4].

Янги Аҳдда баён қилинишича, одамлар Исо Масиҳнинг ўлими ва тирилишига ишониш орқали гуноҳдан халос бўладилар[5]. Демак, ҳар бир инсон миллати, ирқи ва маданиятидан қатъий назар, нажотга эришиши мумкин[6]. Бу нажот одамнинг

қилган савоб ишларига боғлиқ эмас. Одам фақатгина Худонинг марҳамати ва иноятi туфайли гуноҳларидан фориғ бўлиб, Исо Масиҳ орқали абадий ҳаётга эга бўлади[7]. Исо Масиҳга имон келтириб, тавба қилган ҳар бир инсонни Худо кечиради[8]. Шунинг учун Худонинг Ўзи ҳам, Исо Масиҳ ҳам "Нажоткор" деб аталади[9].

Исо Масиҳга имон келтирган одам Худо билан ярашгани учун бу дунёдаёқ нажотга эришган деб ҳисобланади[10]. Нажотга эришган ҳар бир инсоннинг ҳаётида Муқаддас Руҳ амал қилади[11]. Нажот узлуксиз бир жараён бўлиб, унга эришган ҳар бир инсоннинг фикрлаши ва хулқ–атвори ўзгаради ва бундай инсон ўз ҳаётини Худони мамнун қилиш ниятида яшайди[12]. Масиҳийлар қиёмат куни ҳам ҳукм қилинмайдилар[13]. Масиҳнинг хочдаги ўлими ва тирилиши туфайли улар бу дунёда ҳам, нариги дунёда ҳам нажотга эгадирлар[14]. Шу сабабдан имонлилар ўлгандан кейин Худо билан бирга жаннатда бўлишларига қатъий ишонадилар[15].

*[1] Ҳакамлар 3:9, 15, Нахимиё 9:27 [2] 2 Шоҳлар 22:2-3, 1 Солномалар 16:35, Забур 33:5-8, 18-20, 39:18, 77:35, Ишаё 43:3, 11, 49:26, Дониёр 6:27 [3] Чиқиш 14:1-31, 15:1-21 [4] Ишаё 42:1-4, 52:13-53:12, Ҳизқиёл 37:23-25, Закариё 3:8-9 га ва МАСИҲ сўзига қаранг. [5] Матто 1:21, Луқо 2:10-11, 30-31, Ҳаворийлар 4:11-12, Римликлар 5:9-10 [6] Ҳаворийлар 17:30-31, Римликлар 1:16-17, 10:12-13 [7] Римликлар 3:20-24, Эфесликлар 2:8-9 [8] Ҳаворийлар 2:38-39, 10:43, 16:30-31, Римликлар 10:9-10 [9] Луқо 1:47, 69-70, 2:11, Ҳаворийлар 5:31, Филиппиликлар 3:20, 1 Тимўтий 1:1, 2:3, 2 Тимўтий 1:10, Титус 1:3-4 [10] Римликлар 8:24, 29-30, Эфесликлар 2:4-6, 2 Тимўтий 1:9 [11] Римликлар 8:15-16, 2 Коринфликлар 1:21-22, Эфесликлар 1:13-14 [12] 1 Бутрус 2:1-3, 1 Коринфликлар 1:18 [13] Юҳанно 3:15-16, 36, 5:24, 6:40, 1 Юҳанно 4:15-17, 5:13, Римликлар 8:1-2, Филиппиликлар 1:28, Ибронийлар 9:27-28 [14] 1 Бутрус 1:3-5, 2 Бутрус 1:3-8, Титус 3:4-7 [15] Луқо 23:42-43, 2 Коринфликлар 5:1-2, 6-8, Филиппиликлар 1:21-23, 1 Салоникаликлар 4:16-17, 5:9-10, Ваҳий 22:3-5*

## НАЗР

Одамлар Худога сажда қилиб, ўз ишончини ва ҳурмат–эҳтиромини билдириш учун берадиган нарса. Таврот қонуни бўйича иккита назр тури бўлиб, булар қуйидагилардир:

ДОН НАЗРИ

Дон назри аъло сифатли буғдой унидан ёки турли тарзда тайёрланган хамиртурушсиз нондан иборат эди[1]. Бу назрнинг бир қисми ёки ҳаммаси қурбонгоҳда куйдирилган, куйдирилмаган қисми эса руҳонийларга берилган. Дон назри одатда бошқа бирор қурбонликка, мисол учун, куйдириладиган ёки тинчлик қурбонлигига қўшиб келтирилган[2].

*[1] Левилар 2:1-16, 6:14-23 [2] ҚУРБОНЛИК сўзига қаранг.*

ШАРОБ НАЗРИ

Одатда шароб назри куйдириладиган ёки тинчлик қурбонлигига қўшиб келтирилларди. Шароб назри қурбонгоҳга қуйилганда ва қурбонлик куйдирилганда, Худога ёқимли ҳид борарди[1].

*[1] Чиқиш 29:40-41 га ва ҚУРБОНЛИК сўзига қаранг.*

## НОДОН

АҲМОҚ, НОДОН сўзларига қаранг.

## ОЛИЙ КЕНГАШ

Янги Аҳд даврида яҳудийларнинг сиёсий ва диний кенгаши. Бу кенгаш бош руҳонийлардан, Таврот тафсирчилари ҳамда обрўли одамлардан иборат эди. Олий кенгашнинг 70 га яқин аъзоси бор эди. Олий руҳоний кенгашнинг бошлиғи эди. Кенгаш аъзолари яҳудийларнинг ижтимоий, сиёсий ва динга оид масалаларини ҳал қилиш ҳуқуқига эга эдилар, аммо Олий кенгаш чиқарган муҳим қарорлар Рим ҳукумати томонидан тасдиқланиши керак эди. Масалан, Олий кенгаш бирортасини ўлимга ҳукм қилиши мумкин эди, аммо фақатгина Рим ҳукумати мана шу ҳукмни ижро қила оларди. Юртда тинчликни сақлаб туриш учун Олий кенгаш яҳудийларнинг ҳам, Рим ҳукуматининг ҳам манфаатини кўзлар эди.

## ОЛИЙ РУҲОНИЙ

РУҲОНИЙ сўзига қаранг.

## ОЛТИН ТУТАТҚИ ҚУРБОНГОҲИ

ҚУРБОНГОҲ сўзига қаранг.

## ОЛТИН ХОНТАХТА

Акас ёғочидан ясалган, усти олтин билан қопланган хонтахта. Бу хонтахта Муқаддас чодирнинг, кейинчалик эса Қуддусдаги Маъбаднинг Муқаддас хонасида турар эди. Муқаддас нонлар мана шу хонтахтанинг устига қўйилар эди[1].

*[1] Чиқиш 25:23-30, 26:35*



**ОММОН ХАЛҚИ**

Бу халқ Иброҳимнинг жияни Лут наслидан эди. Лутга қизлари шароб бериб, маст қилиб қўйгач, кенжа қизи отаси ёнига кириб, отасидан ҳомиладор бўлган ва ўғли Баноммини туққан эди[1]. Баноммидан Оммон халқи келиб чиқди. Оммон халқи худо Мўлахга сажда қилган. Улар Иордан дарёсининг шарқида яшаганлар. Оммон халқи Исроил халқининг душмани бўлиб, Филист халқи билан иттифоқ тузган. Оммон юртининг пойтахти ўша даврда Оммон шаҳри бўлиб, ҳозирда Иордания мамлакатининг пойтахтидир.

*[1] Ибтидо 19:30-38*

**ОМОЛЕК ХАЛҚИ**

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири. Омолек халқи кўчманчи халқ бўлиб, асосан Ўлик денгизнинг жануб ва шарқ томонида яшаган. Исроил халқи Мисрдан чиқиб келаётганда, Омолек халқи уларга ҳужум қилган эди. Ўшандан бошлаб Омолек халқи Исроил халқининг душмани бўлиб қолди[1]. Худо Исроил халқига: “Омолек халқини ҳалок қилиб, уларнинг номини ер юзидан ўчиринглар”, деб амр берган эди. Яҳудо шоҳи Ҳизқиё давридагина Исроил халқи Худонинг бу амрини бажариб, Омолек халқини қириб ташлади[2].

*[1] Чиқиш 17:8-16, Қонунлар 25:17-19, 1 Шоҳлар 15:2, 30:1-5*
*[2] 1 Солномалар 4:43*

**ОРАМ**

Бу ном Эски Аҳдда орамийчада сўзлашувчи халқлар яшайдиган бир нечта ҳудудга нисбатан ишлатилган. Бу ҳудудларнинг бири Фурот дарёси бўйида, ҳозирги Сурия мамлакатининг шимолида ва ҳозирги Туркиянинг жануби–шарқида эди. Иброҳим пайғамбар бирмунча вақт айнан ўша ҳудудда истиқомат қилган, унинг қариндошларидан баъзилари ўша ерда яшаб қолганлар. Фурот дарёсидан ғарбга ва жанубга чўзилган, Канъон ҳудудига яқин бўлган ерларга нисбатан ҳам Орам номи ишлатилиб, Дамашқ шаҳри бу ерларнинг маркази ҳисобланган. Бу ҳудудларнинг ҳаммаси Искандар Зулқарнайн томонидан босиб олингандан кейин Сурия номи билан танилган. Яна СУРИЯ сўзига қаранг.

**ОРАМИЙЧА**

Ибронийчага яқин бўлган тил. Даврлар ўтган сари бу тил халқаро тилга айланиб, ҳозирги Яқин Шарқ деб аталадиган ерларда савдо–сотиқ, тижорат ва ижтимоий–сиёсий доираларда ишлатиладиган тил бўлиб қолди. Оссуриянинг туб аҳолиси орамий тилида сўзлашарди. Шу сабабдан, орамий тили Оссурия томонидан босиб олинган ерлардаги халқларнинг, Оссурия юртида, кейинчалик эса Бобил ва Форс юртларида яшаган ажнабий асирларнинг сўзлашув тилига айланди. Шунинг учун Эски Аҳднинг баъзи бир қисмлари орамий тилида ёзилган[1]. Исо Масиҳ даврида қадимги Фаластинда яшаган яҳудийлар одатда орамий тилида сўзлашганлар. Янги Аҳдда орамийча сўзлар, иборалар ва номлар кўп учрайди, аммо улар асл матнда юнонча ҳарфлар билан ёзилган.

*[1] жумладан, Эзра 4:8-6:18, 7:12-26, Дониёр 2:4-7:28*

**ОРАМИЙЧА МАТН**

Эски Аҳднинг энг қадимий тўлиқ ибронийча қўлёзмаси *Ленинград Кодекси*дир. Бу қўлёзма тахминан милодий 1000 йилларда кўчирилган. Мазкур қўлёзманинг нашр қилинган нусхаси *Библия Хебраика Штутгартенсия* деб аталади[1]. Эски Аҳднинг бу қўлёзмасидаги бир нечта парча орамий тилида ёзилган[2].

*[1] ИБРОНИЙЧА МАТН иборасига қаранг. [2] ОРАМИЙЧА сўзига қаранг.*

**ОСМОН ШОҲЛИГИ**

Худонинг инсонлар ҳаётидаги ҳукмронлигига ва ҳар бир яратилган мавжудотнинг охиратда янгиланишига ишора. Бу ибора фақатгина Матто китобида ишлатилган бўлиб, “Худонинг Шоҳлиги” маъносини билдиради. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун ХУДОНИНГ ШОҲЛИГИ иборасига қаранг.

**ОСМОН, САМО**

Муқаддас Китобда бу сўзлар остида Худо

яратган осмон назарда тутилган[1]. Аммо осмон ва само сўзлари кўпинча Худонинг ва фаришталарнинг масканини ҳам билдиради[2]. Янги Аҳдда баён қилинишича, Исо Масиҳ осмондан тушган ва ўлиб тирилгандан кейин яна осмонга кўтарилган[3]. Охиратда Исо осмондан келиб, ўликларни тирилтиради[4]. Шу куни Худо солиҳларга абадий ҳаётни мукофот қилиб беради, улар Худо билан бирга жаннатда яшайдилар[5]. Бу дунёда яшаётган Исонинг издошлари самони ҳақиқий ватан деб билишлари[6], ўша ватанга кўз тикиб яшашлари керак[7].

*[1] Ибтидо 1:6-8, 14-18 [2] Аюб 22:12, Забур 10:4 [3] Юҳанно 3:13, 6:41-51, 14:2-3, 20:17, Луқо 24:50-51*
*[4] 1 Салоникаликлар 4:16-17 [5] Матто 5:12, 25:34, 46, 1 Бутрус 1:4, 2 Коринфликлар 5:1-2, Филиппиликлар 3:13-14, Ибронийлар 12:22-24, Ваҳий 21:1-4, 22:1-5*
*[6] Филиппиликлар 3:20 [7] Матто 6:20-21, Колосаликлар 3:1-2, Ибронийлар 11:13-16*

**ОССУРИЯ**

Қадимги қудратли шоҳлик. Унинг пойтахти Найнаво[1] ҳозирги шимолий Ироқда жойлашган эди. Милоддан олдинги 722 йилда Оссурияликлар Исроилни, яъни шимолий шоҳликни босиб олдилар[2]. Улар Исроил халқининг аксарият қисмини асир қилиб олиб кетдилар[3]. Оссурия шоҳи бошқа халқларни Исроил юртига мажбурлаб кўчирди[4]. Исроил юртида қолган одамлар эса ўша ажнабийлар билан қуда–андачилик қилдилар. Уларнинг авлодлари Янги Аҳдда айтиб ўтилган Самарияликлардир[5]. Милоддан олдинги 612 йилда иттифоқдош душман лашкарлари Бобил ва Мидия бошчилигида Найнавони вайрон қилдилар. Кўп ўтмай Оссурия шоҳлиги ўз мустақиллигини йўқотди.

*[1] Ниневия номи билан ҳам маълум [2] ИСРОИЛ сўзига қаранг. [3] 4 Шоҳлар 17:1-6 [4] 4 Шоҳлар 17:24*
*[5] САМАРИЯЛИК сўзига қаранг.*

**ОТА, ОТАМ ХУДО, ОТАМИЗ ХУДО...**

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

**ПАЙҒАМБАР**

Худонинг хабарини одамларга етказадиган инсон. Эски аҳд даврида Исроил халқининг пайғамбарлари халқни гуноҳдан тавба қилишга ва Худога юз буришга даъват қилганлар. Баъзан улар ҳатто ҳукмдорларнинг ва ажнабий халқларнинг гуноҳларини фош қилиб, уларни ҳам тўғри йўлдан юришга чақирганлар. Пайғамбарлар ўз хабарлари орқали келажакда содир бўладиган воқеалар ҳақида башорат қилганлар, одамларга далда берганлар ва юз берадиган фалокатлардан халқни огоҳлантирганлар. Одатда улар хабарларида турли рамзий образлардан фойдаланганлар. Баъзи пайғамбарларнинг ёзиб қолдирилган башоратлари, ваҳийлари ва хабарлари кейинчалик Эски Аҳд таркибига киритилиб, бу битиклар ўша пайғамбарларнинг номлари билан аталган. Янги Аҳд даврида Худо баъзи масиҳийларни пайғамбарлик хизматига тайинлаган[1]. Бу пайғамбарлар имонлиларга Худонинг сўзини етказганлар[2]. Баъзан улар Муқаддас Руҳ илҳоми билан башорат ҳам қилганлар[3]. Муқаддас Китобда сохта пайғамбарлар ҳақида ҳам айтиб ўтилган. Улар Худодан хабар келтиряпмиз, деб одамларни алдаб, йўлдан урганлар.

*[1] 1 Коринфликлар 12:28, Эфесликлар 4:11-12*
*[2] 1 Коринфликлар 14:1-5, 29-33 [3] Ҳаворийлар 11:27-28, 21:10-11*

**ПАРВАРДИГОР ЭГАМ, ПАРВАРДИГОР ЭГАМИЗ**

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

**ПАРВАРДИГОРИ ОЛАМ**

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

**ПАРИЗ ХАЛҚИ**

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири. Париз халқи Канъоннинг ўрта қисмидаги қирли жойларда яшаган. Яна КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОН ХАЛҚЛАРИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР ибораларига қаранг.

**ПОКЛАНИШ КУНИ**

БАЙРАМЛАР сўзига қаранг.

**ПУРИМ БАЙРАМИ**

БАЙРАМЛАР сўзига қаранг.

**РАББИЙ ХУДО, РАББИМ ХУДО, РАББИМИЗ ХУДО**

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

**РАББИЙ, РАББИМ, РАББИМИЗ...**

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

**РАББИМИЗ ИСОНИ ХОТИРЛАШ УЧУН НОН СИНДИРИШ**

ҚУТЛУҒ КЕЧА иборасига қаранг.

**РОМЛАР**

Муқаддас чодирнинг махсус ясалган

қисмлари. Кумуш тагликларга ўрнатилган ромлар тик қилиб, ёнма–ён қўйиларди. Чодирнинг икки ён девори ва орқа девори шу ромлардан иборат бўлган.



**РУҲОНИЙ**

Диний хизмат ва маросимларни ўтказиш учун махсус тайёрланган киши. Қадимги Исроилда Тавротга кўра, руҳоний Леви қабиласидан, Мусонинг акаси Ҳорун авлодидан бўлиши шарт эди. Руҳонийлар Муқаддас чодирда, кейинчалик Қуддусдаги Маъбадда хизмат қилганлар. Улар сажда қилишда бош бўлардилар, қурбонликлар келтирардилар, диний расм–русум ва маросимлар ўтказардилар. Руҳонийларга хизматда левилар ёрдам берардилар[1]. Муқаддас чодирнинг Муқаддас хонасига, кейинчалик эса Маъбаднинг Муқаддас хонасига фақатгина руҳонийлар киришга ҳақли эдилар. Руҳонийларга Исроилда ер улуш қилиб берилмаган эди. Тавротга кўра, улар келтирилган қурбонликлардан улуш олиб, кундалик эҳтиёжларини қондиришарди[2]. Руҳонийларга одамлар орасидаги келишмовчиликларни ҳал қилиш ва Худонинг қонун–қоидаларини халққа ўргатиш вазифаси топширилган эди.

*[1] ЛЕВИ, ЛЕВИЛАР сўзларига қаранг. [2] Саҳрода 18:8-20*

ОЛИЙ РУҲОНИЙ

Исроил халқининг энг муҳим ва энг юқори лавозимдаги руҳонийси. Олий руҳоний ўз вазифасини адо этиш учун махсус либослар кийган. Бу либослар эфод, ридо, нақшли кўйлак, салла, белбоғ ва ўн иккита қимматбаҳо тош қадалган кўкракпечдан иборат эди[1]. Олий руҳоний бир йилда бир марта — Покланиш кунида ўзининг энг муҳим вазифасини бажарган. Ўша куни олий руҳоний Муқаддас чодирнинг, кейинчалик Маъбаднинг Энг муқаддас хонасига кирган. Бу хонада у ўзини ва Исроил халқини гуноҳдан поклаш маросимини ўтказган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун БАЙРАМЛАР сўзи остида берилган ПОКЛАНИШ КУНИ иборасига қаранг.

*[1] Чиқиш 28–боб ва Левилар 8:6-9*




**РЎЗА ТУТИШ**

Муқаддас Китобда рўза муҳим аҳамиятга эгадир. Инсон иложсиз вазиятларга тушиб қолганда, савоб учун эмас, балки тоат–ибодатга берилиб, Худонинг мададига муҳтожлигини кўрсатиш мақсадида рўза тутади. Инсоннинг ҳаётида жиддий муаммолар пайдо бўлганда овқат ейиш каби жисмоний эҳтиёжлар аҳамиятсиз бўлиб кўринади.

Тавротга кўра, Исроил халқи гуноҳларидан тавба қилганини кўрсатиш

учун Покланиш куни рўза тутиши керак эди[1]. Шунингдек, Исроил халқи Бобилда сургунда бўлганда ҳам, сургундан кейинги даврларда ҳам қайғули воқеаларни хотирлаш мақсадида ҳар йили рўза тутган. Маъбаднинг вайрон қилинганини хотирлаб рўза тутганлари бунинг бир мисолидир[2].

Белгиланган рўзалардан ташқари, Исроил халқи бошқа ҳолатларда ҳам рўза тутган. Масалан, бирортаси яқин одамининг ўлимидан кейин ўз қайғусини ифода этиш[3], мушкул вазиятда Худодан ёрдам сўраш[4], ўз гуноҳидан тавба қилганини ёки бошқаларга ҳамдардлигини кўрсатиш мақсадида рўза тутган[5]. Рўза одатда ибодат билан боғлиқ бўлиб, Худодан йўл–йўриқ олиш ва мадад тилаш учун[6], бировнинг мушкулини осон қилиш учун тутиларди[7]. Исроил халқи орасида, рўза тутган одам Худодан албатта жавоб олади, деган қараш кенг тарқала бошлаган эди[8]. Аммо Эски Аҳд давридаги пайғамбарлар бу қарашнинг мутлақо нотўғри эканини айтганлар. Уларнинг таъкидлашича, одам рўзани худбин ниятда тутиши керак эмас, аксинча рўза пайтида инсоннинг ўй–хаёли ва хатти–ҳаракатлари Худога манзур бўлиши шарт[9].

Янги Аҳд даврида яҳудий дин арбоблари ва уларнинг шогирдлари ҳафтада икки мартадан рўза тутишган. Аммо Исо Масиҳнинг шогирдлари Унинг ер юзидаги хизмати пайтида рўза тутмаганлар, Исо осмонга кўтарилгандан кейин эса рўза тутадиган бўлдилар[10]. Исо Масиҳнинг таълимоти бўйича, одам бошқаларнинг эътиборини ўзига жалб қилмасдан рўза тутиши керак[11].

*[1] Левилар 16:29-31, 23:26-29 [2] Закариё 7:3-5, 8:19 оятларга ва Закариё 8:19 изоҳига қаранг. [3] 2 Шоҳлар 1:12 [4] Нахимиё 1:4, Эстер 4:3 [5] 1 Шоҳлар 7:6, Эзра 10:6, Нахимиё 9:1-2, Дониёр 9:3-4, Юнус 3:5-8 [6] 2 Шоҳлар 12:15-23, 2 Солномалар 20:3-4, Эзра 8:21-23 [7] Эстер 4:15-17, Забур 34:13 [8] Ишаё 58:3 [9] Ишаё 58:3-12, Еремиё 14:10-12 [10] Марк 2:18-20, Ҳаворийлар 13:2-3, 14:23 [11] Матто 6:16-18*

### САДДУҚИЙ

Исо Масиҳ даврида яҳудийларнинг муҳим бир диний мазҳаби. Бу мазҳаб асосан руҳонийлардан ва зодагонлардан иборат эди. Саддуқийлар катта сиёсий кучга эга бўлиб, Маъбад маъмуриятига ҳам ҳукмини ўтказардилар. Олий кенгаш аъзоларининг кўпчилиги Саддуқийлардан эди. Фарзийлардан фарқли равишда, улар оғзаки тарқалган урф–одатларни қабул қилмасдилар, фақат Тавротда ёзилган қонун–қоидаларга риоя қилардилар, ўликларнинг тирилишига ҳам ишонмас эдилар. Исо билан Саддуқийлар орасида кўп келишмовчиликлар бўлган.

### САМАРИЯ

Милоддан олдинги 885-874 йилларда ҳукмронлик қилган шоҳ Омри давридан бошлаб, Самария Исроилнинг, яъни шимолий шоҳликнинг[1] пойтахти бўлди[2]. Эски Аҳдда баъзан Самария деган ном Исроил шоҳлиги ўрнида ҳам ишлатилган[3]. Янги Аҳдда эса бу ном остида Иордан дарёсининг ғарбидаги, Жалиладан жанубдаги ерлар назарда тутилган. Самария Рим империясининг Яҳудия вилояти ҳудудида эди.

*[1] ИСРОИЛ сўзига қаранг. [2] 3 Шоҳлар 16:23-24 [3] 3 Шоҳлар 13:32, 4 Шоҳлар 17:24*

### САМАРИЯЛИК

Янги Аҳд даврида Самарияда туғилган одам[1]. Милоддан олдинги 722 йилда Оссурияликлар Исроилни, яъни шимолий шоҳликни босиб олгандан кейин аҳолисининг аксарият қисмини асир қилиб олиб кетдилар. Самария ҳудудига эса ажнабий халқлар мажбуран кўчирилди[2]. Бир неча асрлардан кейин юнонлар ҳам бу жойларга ўрнашиб олганлар. Шунинг учун Рим империяси даврида Самария аҳолисининг этник таркиби аралаш бўлган. Самарияликлар ва яҳудийлар орасида адоват бор эди. Самарияликлар фақатгина ўзларининг Тавротини Худо юборган муқаддас битик деб билардилар. Уларнинг Таврот нусхаси яҳудийларнинг Тавротидан фарқ қилар эди. Самарияликлар Худога Қуддусда эмас, балки Гаризим тоғида сажда қилганлар[3]. Улар тахминан милоддан олдинги 400 йилда Гаризим тоғида маъбад қурганлар. Бу маъбад тахминан милоддан олдинги 128 йилда яҳудийлар томонидан вайрон қилинган. Бунинг оқибатида яҳудийлар ва Самарияликлар орасидаги адоват янада кучайган.

*[1] САМАРИЯ сўзига қаранг. [2] 4 Шоҳлар 17:1-6, 24-41 [3] Юҳанно 4:20 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.*

### САМО

ОСМОН, САМО сўзларига қаранг.

**САМОВИЙ ХУДО**

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

**САНДИҚ**

АҲД САНДИҒИ иборасига қаранг.

**САНДИҚНИНГ ҚОПҚОҒИ**

АҲД САНДИҒИНИНГ ҚОПҚОҒИ иборасига қаранг.

**САРВАРИ ОЛАМ**

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

**САРДОБА**

Ёмғир сувини тўплаш ва сақлаш учун барпо қилинган сунъий ҳовуз. Чуқур қазилгандан кейин чуқурнинг ҳамма ёғига тошлар зич қилиб териб чиқиларди, тошлар усти сувалиб, шу тариқа сардобалар ясаларди. Бундан ташқари, сардобалар катта қояларни ўйиб ҳам ясаларди.



**СЕВМОҚ**

Иброний ва юнон матнларида "севги" тушунчасини ифодалайдиган бир нечта сўз ишлатилган бўлиб, улар мазкур таржимада "севги, муҳаббат, севмоқ, яхши кўрмоқ" каби сўзлар билан берилган. Муқаддас Китобда бу сўзлар нафақат одамларнинг ўзаро муносабатини, балки уларнинг Худо билан бўлган яқин муносабатини кўрсатиш учун ҳам ишлатилган. Одатда ўзаро муносабат ўрнатиб, аҳд[1] тузган икки томон бир–бирига нисбатан садоқатли ва илтифотли бўлиши талаб этилади.

Эски Аҳдда бунинг энг ёрқин мисоли Худонинг Исроил халқи билан бўлган муносабатидир. Исроил халқи Худонинг севгисини қозонмаган бўлса ҳам, Худо уларни қанчалик севишини кўрсатиш учун улар билан аҳд тузишга қарор қилган[2]. Бу аҳднинг шартига кўра, Исроил халқи Эгаси Худони бутун қалби билан, жону дили билан, бутун вужуди билан севиши ва Унинг амрларини бажариши керак эди[3]. Ўша амрлардан бирида айтилиши бўйича инсон ўзгани ўзини севгандай севиши керак[4].

Исо Масиҳ Худони ва бошқаларни севиш ҳақидаги амрларни Тавротнинг энг муҳим амрлари деб ҳисоблаган[5]. У Ўз шогирдларига, бир–бирингизни севинглар, амрларимга амал қилинглар, деб буюрган[6]. Исонинг Ўзи ҳам самовий Отасини қанчалик севишини кўрсатиш учун Унинг амрларини тўлиқ бажарган[7].

Худо бутун одамзодга бўлган севгисини кўрсатиш мақсадида бу дунёга Ўзининг ягона Ўғли Исо Масиҳни юборган эди. Исо Масиҳ одамзоднинг гуноҳи учун қурбон бўлди. Исога ишонган ҳар бир инсон гуноҳларидан бутунлай покланади ва абадий ҳаётга эга бўлади[8]. Худо севги манбаи бўлгани учун Унга ишонганлар ҳам Худодан намуна олиб, бир–бирларини яхши кўришлари керак[9].

*[1] АҲД сўзига қаранг. [2] Қонунлар 7:6-9 [3] Қонунлар 6:5, 11:1 [4] Левилар 19:18 [5] Марк 12:28-34 [6] Юҳанно 13:34-35, 14:15, 21-24, 15:12, 17 [7] Юҳанно 14:31, 15:9-10 [8] Юҳанно 3:16, 1 Юҳанно 4:9-10, Римликлар 5:8 [9] 1 Юҳанно 4:7-8, 11-12, 16, 19-21*

**СИДОН**

ФИНИКИЯ сўзига қаранг.

**СИНАГОГА**

Яҳудийлар тоат–ибодат қилишлари, Муқаддас битикларни ўқиб–ўрганишлари ва диний таълим олишлари учун йиғиладиган жой, ибодатхона. Синагогаларда қурбонликлар келтирилмаган, қурбонликлар фақат Қуддусдаги Маъбадда келтирилар эди.

**СИОН**

Шоҳ Довуд Ёбус халқидан тортиб олган Қуддуснинг бир қисми Сион қалъаси деб аталарди[1]. Бу жой Довуд қалъаси деб ном олди. Кейинчалик эса Маъбад қурилган тепалик Сион тоғи деб аталадиган бўлди. Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган.

*[1] 2 Шоҳлар 5:6-9*

**СИПОҲ**

Қадимда шоҳнинг лашкари сафида хизмат қилган жангчи.

**СОВУРИШ, ШОПИРИШ**



**СОВУТ**

Танани найза, қилич ёки ўқ зарбидан сақлаш учун кийиладиган зирҳли ҳарбий кийим. Совутлар одатда ҳайвон терисидан қилинган, аммо баъзан темир ва бронзадан ишланган. Темир ва бронза совутлар жуда қиммат бўлган. Камонкашлар ва аравакашлар жанг пайтида ҳимояланиш мақсадида совут кийганлар, чунки уларнинг қўллари банд бўлгани учун қалқон кўтара олмасдилар. Баъзан жанг отларига ҳам совут кийдирилган.

**СОЙЛИК**

Икки адир оралиғидаги пастлик. Яқин Шарқда баъзи сойликлар водий каби кенг, баъзилари эса жар каби чуқур ва тор бўлади. Ёғингарчилик мавсумида сойликда сув оқади, бошқа пайтларда эса суви қуриб қолади.

**СУВГА ЧЎМДИРМОҚ, СУВГА ЧЎМДИРИЛМОҚ**

Муҳим диний маросимлардан бири бўлиб, бу маросим орқали инсон ўзини Худога бағишлаганини кўрсатарди. Таврот қонунлари бўйича, инсон нопокликдан тозаланиш учун сув билан ювиниб, покланиш маросимини ўтказар эди[1]. Кейинчалик, Исо Масиҳ даврида Яҳё пайғамбар одамларни сувга чўмдирилишга даъват этган. Бу сувга чўмдирилиш маросими, инсоннинг гуноҳдан юз ўгирганини ва ҳаётини Худога бағишлаб, Унга итоаткорлик билан яшашга қарор қилганини билдиради. Исо Худонинг иродасини тўла бажариш учун Яҳё томонидан сувга чўмдирилган[2]. Исо бутун юрт бўйлаб таълим бериб юрганда, унинг шогирдлари ҳам Яҳёга ўхшаб одамларни сувга чўмдирар эдилар[3].

Исо Масиҳ осмонга кўтарилиб кетишидан олдин шогирдларига: “Боринглар, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номи билан сувга чўмдиринглар”, деб амр берган[4]. Ўша пайтдан бери сувга чўмдирилиш маросими Исонинг ўлими ва тирилишининг тимсоли бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Сувга чўмган инсон эски ҳаёти учун ўлиб, янги ҳаёт учун тирилган ҳисобланади[5]. Сувга чўмдирилиш яна имонлилар Исонинг қони орқали гуноҳдан покланганининг ҳам тимсолидир[6].

*[1] Мисол учун, Чиқиш 29:1-4, 30:17-21, Левилар 14:8-9, Саҳрода 8:7 га қаранг, яна Забур 50:4, Ҳизқиёл 36:25 га қаранг. [2] Матто 3:13-15 [3] Юҳанно 3:22-26, 4:1-3 [4] Матто 28:18-20 [5] 1 Бутрус 3:21, Римликлар 6:1-5, Колосаликлар 2:12 [6] Ҳаворийлар 22:16, 1 Юҳанно 1:7, Ибронийлар 10:10, 22*

**СУРГУН**

Бу сўз остида одатда Исроил ва Яҳудо шоҳликлари душманлар томонидан босиб олиниб, аҳолисининг аксарият қисми бошқа юртга сургун қилинган давр назарда тутилади. Муқаддас Китобда баён қилинишича, Исроил ва Яҳудо халқлари Худонинг ҳукми оқибатида сургун қилинганлар, чунки улар Худонинг Мусо орқали тузган аҳдига содиқ бўлмаган эдилар[1].

Милоддан олдинги 722 йилда Оссурия Исроилни, яъни шимолий шоҳликни босиб олди. Оссурияликлар Исроил пойтахти Самарияни қўлга киритгандан кейин юрт аҳолисининг аксариятини Оссуриянинг турли ҳудудларига асир қилиб олиб кетдилар[2]. Исроил юртига эса ажнабий халқларни мажбурлаб кўчирдилар[3].

Милоддан олдинги 605 йилдан бошлаб, Бобилликлар Яҳудога, яъни жанубий шоҳликка қайта–қайта ҳужум қилдилар. Бу ҳужумлар оқибатида улар баъзи яҳудийларни Бобилга асирликка олиб кетдилар. Дониёр пайғамбар деб танилган ёш йигит ҳам мана шу асирлар орасида эди[4]. Ниҳоят, милоддан олдинги 586 йилда Бобилликлар Яҳудо пойтахти Қуддусни қўлга киритиб, уни вайрон қилдилар[5]. Юрт аҳолисининг аксариятини асир қилиб олиб кетдилар[6]. Асирга олинмаган яҳудийлар Мисрга қочиб

бордилар[7].

Яҳудийлар Бобил сургунида бўлганларида ҳам ўзларига уй қурганлар, тижорат ва деҳқончилик билан шуғулланганлар. Улар ўз диний урф–одатларига риоя қилган ҳолда, миллий ўзлигини сақлаб қолганлар. Дониёр ва Ҳизқиёл пайғамбарлар мана шу сургун даврида фаолият кўрсатганлар. Кейинчалик Яҳудо юрти Форслар ҳукмронлиги остида бўлганда, яҳудийлардан баъзилари Зарубабел ва Эзра бошчилигида Яҳудога қайтиб борганлар ва Қуддусда Маъбадни қайта қуришни бошлаганлар[8]. Орадан йиллар ўтиб, Форс шоҳи хизматидаги яҳудий амалдори Нахимиё ҳам Яҳудога қайтган ва Қуддус деворларини қайта қуриш ишларига бошчилик қилган[9].

Кўп яҳудийлар она юртларидан узоқда яшашда давом этаверганлар. Жумладан, Эстер китобида Форс шоҳлигида яшаган яҳудийлар тўғрисида ҳикоя қилинган. Бу воқеалар милоддан олдинги бешинчи асрда Форс шоҳлигининг пойтахти Шушанда бўлиб ўтган. Бобил ва Мисрдаги Искандария шаҳарлари узоқ йиллар давомида яҳудийларнинг диний таълим марказлари бўлиб хизмат қилган.

*[1] 4 Шоҳлар 17:7-23, 24:1-4, 2 Солномалар 36:13-21, Еремиё 25:1-11 [2] 4 Шоҳлар 17:5-6 [3] 4 Шоҳлар 17:24 [4] Дониёр 1:1-6 [5] 4 Шоҳлар 24:20-25:17, Еремиё 52:1-16 [6] 4 Шоҳлар 24:13-16, 25:11-12, 2 Солномалар 36:20, Еремиё 52:15, 28-30 [7] 4 Шоҳлар 25:25-26, Еремиё 43:1-7 [8] Эзра 1:1-5, 2:1-2, 70, 7:1-7 [9] Нахимиё 1:1-6:16*

**СУРИЯ**

Муқаддас Китобда Фурот дарёсининг ғарб томонидаги ҳудудга нисбатан ишлатилган ном. Бу ерлар ҳозирги Сурия мамлакатининг бир қисмини, Туркиянинг жануби–шарқ томонини ва Ливанни ўз ичига олган. Милоддан олдинги 332 йилда Искандар Зулқарнайн бу ерларни босиб олган эди. Искандарнинг ўлимидан кейин Сурияда юнонлар сулоласи ҳукмронлик қилган. Милоддан олдинги 64 йилда Сурия Рим империяси томонидан босиб олинган. Юнон ва Рим ҳукмронликлари даврида Суриянинг пойтахти Антиохия шаҳри бўлган. Бу шаҳар ҳозирги Туркия мамлакатининг Антакия шаҳрига яқин эди. Суриянинг юнонлар истилосидан олдинги тарихи ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун ОРАМ сўзига қаранг.

**СУЯНГАН ҚОЯ**

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

**ТАВРОТ**

“Таврот” сўзи ибронийча “тўраҳ” сўзидан келиб чиққан бўлиб, маъноси “қонун” демакдир. Баъзан ибронийча “тўраҳ” сўзи тор маънода Муқаддас Китобнинг дастлабки бешта китобига — Ибтидо, Чиқиш, Левилар, Саҳрода, Қонунларга нисбатан ишлатилади. Ушбу таржимада ҳам “Таврот” сўзи одатда Муқаддас Китобнинг дастлабки бешта китобига ишора қилади. Бу китобларда дунёнинг яратилиши, Исроил халқининг Мусо бошчилигида Мисрдан чиқиши, Худо Мусо орқали Исроил халқига берган қонунлар ва кўплаб воқеалар баён этилган. Таврот китобларининг муаллифи Мусо пайғамбардир. Шу сабабдан баъзан Таврот “Мусонинг Таврот китоби”, “Мусонинг китоби” ёки “Мусонинг қонуни” деб аталади.

**ТАВРОТ ТАФСИРЧИСИ**

Мусонинг қонунларини мукаммал билган зиёли одам. Таврот тафсирчилари Худонинг қонунларидан халққа таълим берганлар. Уларнинг баъзилари ибронийча Муқаддас битиклардан нусха кўчириш билан шуғулланганлар. Таврот тафсирчилари Исроил халқи орасида обрў–эътиборга эга бўлиб, жамиятга кучли таъсир кўрсатганлар. Муқаддас Китобда тилга олинган тафсирчилар орасида энг кўзга ташланадигани руҳоний Эзрадир. Янги Аҳд даврида баъзи тафсирчилар Олий кенгаш аъзолари бўлганлар.

**ТИНЧЛИК ҚУРБОНЛИГИ, ТИНЧЛИК НАЗРИ**

ҚУРБОНЛИК сўзига қаранг.

**ТИР**

ФИНИКИЯ сўзига қаранг.

**ТУТАТҚИ ҚУРБОНГОҲИ**

ҚУРБОНГОҲ сўзига қаранг.

**ТЎНҒИЧ ЎҒИЛ**

Қадимда тўнғич ўғил юқори мақомга эга эди. Одатда тўнғич ўғил дуо қилинганда, унга алоҳида барака тиланарди[1]. Тўнғич ўғил укаларига қараганда икки ҳисса кўпроқ мерос оларди[2]. Отасининг вафотидан кейин тўнғич ўғил оила бошлиғи ҳисобланарди.

Тавротга кўра, Исроил халқининг ҳар бир оиласидаги тўнғич ўғил Худога тегишли бўлиб, Унга бағишланиши керак эди[3]. Барча

тўнғич ўғилларнинг ўрнига левилар Муқаддас чодирда, кейинчалик эса Маъбадда хизмат қилганлар[4]. Тўнғич ўғилни қайтариб сотиб олишнинг рамзи сифатида руҳонийларга пул назр қилиб бериларди[5]. Худо Исроил халқининг тўнғич ўғилларини Мисрдаги охирги фалокатдан Фисиҳ қурбонлиги орқали қутқарганини ўша назр эслатиб турарди[6].

*[1] Ибтидо 27:1-40, 48:12-20 [2] Ибтидо 25:29-34, Қонунлар 21:15-17 [3] Чиқиш 13:1-2, 11-16 [4] Саҳрода 3:11-13, 40-41 [5] Саҳрода 18:15-16 [6] Чиқиш 12:26-27*

### УЗУМ СИҚИШ ЧУҚУРИ



### УЧРАШУВ ЧОДИРИ

Муқаддас чодирнинг яна бир номи[1]. Аммо Чиқиш 33:7-11 да "Учрашув чодири" ибораси Муқаддас чодирни эмас, балки Мусо пайғамбар Исроил қароргоҳидан ташқарида қурдирган бошқа бир чодирни билдиради. Ўша пайтда Муқаддас чодир ҳали ясалмаган эди[2]. Одамлар Мусо орқали Эгамиздан маслаҳат сўраш ниятида қароргоҳ ташқарисидаги чодирга келганлар. Эгамиз ўша чодирда Мусога гапирган.

*[1] МУҚАДДАС ЧОДИР иборасига қаранг. [2] Чиқиш 36:8-38*

### ФАЛАСТИН

Фаластин деган ном Филист халқининг[1] номидан келиб чиққан. Милоддан олдинги бешинчи асрдан бошлаб, "Фаластин" номи юнон ва лотин тилларида Филист халқининг еридан анча катта бўлган ҳудудга нисбатан ишлатилган. Бу ҳудуд Ўрта ер денгизидан бошлаб то Жалила кўлининг, Иордан дарёсининг ва Ўлик денгизнинг шарқидаги қирли ерларгача чўзилган. Бу ҳудуднинг шимол томонида Лубнон тоғлари, жануб томонида эса Нагав чўли бор эди. Муқаддас Китобда бу ерларнинг аксарият қисмига нисбатан Канъон номи ишлатилган. Бу ерлар Исроил халқи томонидан босиб олингандан кейин "Исроил юрти" деган ном билан танилган.

Тарих давомида Фаластиннинг чегаралари аниқ белгиланмаган. Милоддан олдинги 332 йилда бу ҳудуд Искандар Зулқарнайн томонидан босиб олинган. Милоддан олдинги 63 йилда эса Рим империясининг таркибига кирган. Милодий 135 йилда яҳудийларнинг Римга қарши кўтарган исёни бостирилган ва Рим ҳукумати Яҳудия ва Сурия вилоятларини бирлаштириб, у ерга "Сурия–Фаластина" деб ном берган. Кейинчалик Сурия бир нечта қисмга бўлиниб кетган ва Сурия–Фаластинанинг ҳудуди кичрайиб, бу ном фақатгина олдинги Яҳудия вилоятининг ҳудудини билдирадиган бўлди. Еттинчи асрда араблар бу ҳудудни босиб олганларидан кейин ҳам, шу ҳудуд расман "Фаластин" номи билан аталаверган. Замонавий даврларда Фаластиннинг чегаралари бир неча марта ўзгарган.

*[1] ФИЛИСТ ХАЛҚИ, ФИЛИСТИЯ иборасига қаранг.*

### ФАРЗИЙ

Исо Масиҳ даврида яҳудийларнинг муҳим бир диний мазҳаби. Бу ном ибронийчада "алоҳида ажратилган" деган маънони билдирадиган сўздан келиб чиққан. Фарзийлар Таврот қонунларига қатъий риоя қилардилар, айни пайтда оғзаки равишда тарқалган урф–одатларга ҳамда покланиш удумларига ҳам изчил амал қилардилар. Фарзийлар мазҳабига фақатгина бир неча минг киши кирган бўлиб, умумий аҳолининг кичкина бир гуруҳини ташкил қиларди. Фарзийлар халқ орасида обрў–эътиборга эга эдилар. Улардан баъзилари Олий кенгаш аъзолари эдилар. Айрим фарзийлар Исо Масиҳга ишондилар, кўплари эса Исога ва Унинг таълимотига қарши чиқдилар.

### ФАРИШТА

Худо яратган[1] ва Унинг хизматида бўлган самовий мавжудотлар[2]. Улар Худо билан самода истиқомат қилади[3]. Фаришталар инсон бўлмасалар–да, инсон қиёфасида ҳам зоҳир бўлганлар[4]. Муқаддас Китобга кўра, фаришталар Худонинг хабарларини инсонларга етказганлар, юз берадиган воқеаларни ва ваҳийларни тушунтириб берганлар. Исроил халқига Мусо орқали

қонун берилганда ҳам фариштлар иштирок этишган[5]. Айрим ҳолларда фаришталар одамларни хавф–хатардан асраганлар[6]. Муқаддас Китобда иккита фариштанинг исми айтиб ўтилган. Булар — Микойил[7] ва Жаброил[8].

Муқаддас Китобдаги бир қатор оятларда баён қилинишича, фаришталарнинг баъзилари тўғри йўлдан озиб, ёвуз бўлиб қолганлар, улар шайтон бошчилигида Худога ва Унинг халқига қаршилик қилганлар[9]. Муқаддас Китобда айтиб ўтилган ёвуз руҳлар ва жинлар мана шу гуноҳкор фаришталарга ишора қилса керак.

*[1] Колосаликлар 1:16 [2] Забур 102:20-21, Ибронийлар 1:7, 14 [3] Матто 18:10-11, Ибронийлар 12:22 [4] Ибтидо 18:1-2, Ибронийлар 13:2 [5] Қонунлар 33:2, Ҳаворийлар 7:53 [6] Ибтидо 19:1-23, Ҳаворийлар 12:6-11, 27:23-24 [7] Дониёр 10:13, Яҳудо 9, Ваҳий 12:7 [8] Дониёр 8:16, 9:21, Луқо 1:19, 26-27 [9] Аюб 1:6-7, Матто 12:22-25, 25:41, 2 Бутрус 2:4, Яҳудо 6, Эфесликлар 2:2, Ваҳий 12:7-9*

**ФИЛИСТ ХАЛҚИ, ФИЛИСТИЯ**

Қадимги даврларда Филистиянинг аҳолиси Филист халқи деб юритиларди. Филистиянинг ҳудуди Синай ярим оролидан шимоли–шарқда, Ўрта ер денгизи қирғоғи бўйида жойлашган эди. Филистларнинг аждодлари Крит оролидан келиб чиққан бўлиши мумкин. Филистлар Канъон юртидаги халқлардан ажралиб турар, Исроил халқи баъзан уларни "суннатсизлар", деб айтарди. Чунки аксарият маҳаллий халқлар орасида кенг тарқалган суннат қилиш одати Филистлар орасида йўқ эди. Филист халқи қуйидаги бешта шаҳар–давлатни — Ғазо, Ашқалон, Ашдод, Гат ва Эхронни барпо қилган эди. Милоддан олдинги ўн иккинчи асрда Филистлар ўз ерларини кенгайтириш ниятида Канъон юртини ғарб томондан босиб олишни бошладилар. Айни пайтда Исроил халқи Канъон юртига шарқ томондан бостириб келган, бунинг оқибатида иккала халқ ўртасида зиддият келиб чиқди. Шундай қилиб, шоҳ Довуд Филист халқини мағлуб қилгунга қадар, улар Исроил халқининг ашаддий душмани бўлиб қолди[1].

*[1] 2 Шоҳлар 8:1, 1 Солномалар 18:1*

**ФИНИКИЯ**

Исроилдан шимолда Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган ҳудуд. Бу ҳудуд Тир, Сидон, Арвод ва Габол[1] шаҳар–давлатлари томонидан назорат қилинган. Ҳозирги Ливан мамлакатининг Ўрта ер денгизи бўйидаги ҳудуди қадимги Финикия ҳудудига тўғри келади.

*[1] Библ номи билан ҳам маълум*

**ФИРЪАВН**

Қадимги Миср шоҳларининг унвони.

**ФИСИҲ БАЙРАМИ**

Янги Аҳдда "Фисиҳ байрами" номи остида Фисиҳ зиёфати ва ундан кейин етти кун давомида нишонланадиган "Хамиртурушсиз нон байрами" назарда тутилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун БАЙРАМЛАР сўзи остида берилган ФИСИҲ ЗИЁФАТИ ва ХАМИРТУРУШСИЗ НОН БАЙРАМИ ибораларига қаранг.

**ФИСИҲ ЗИЁФАТИ**

БАЙРАМЛАР сўзига қаранг.

**ФИСИҲ ҚУРБОНЛИГИ**

БАЙРАМЛАР сўзи остида берилган ФИСИҲ ЗИЁФАТИ иборасига қаранг.

**ФОРС ШОҲЛИГИ**

Қадимги қудратли шоҳлик. Форс шоҳлигининг пойтахти Бобил ҳозирги жанубий Ироқда жойлашган эди. Бу шоҳлик "Мидия ва Форс шоҳлиги" деб ҳам аталади, чунки Мидия бу шоҳликнинг муҳим вилоятларидан бири эди. Форс қонунлари "Мидия ва Форс қонунлари" деб аталган[1]. Дониёр пайғамбар Форс ҳукуматида юқори лавозимни эгаллаган эди[2]. Эстер китобида тасвирланган воқеалар Шушан қалъасида — Форс шоҳларининг қишки қароргоҳида юз берган. Ҳозирги Ўзбекистоннинг аксарият қисми ва умуман Ўрта Осиёнинг асосий ҳудуди милоддан олдинги олтинчи асрда Форс шоҳлиги таркибида бўлган. Тарихшунослар ўша даврдаги Форс шоҳлигини Аҳамонийлар давлати деб аташади.

*[1] Эстер 1:19, Дониёр 6:8 [2] Дониёр 6:1-28*

**ХАЙИН ХАЛҚИ**

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири. Яна КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОН ХАЛҚЛАРИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР ибораларига қаранг.

**ХАМИРТУРУШСИЗ НОН БАЙРАМИ**

БАЙРАМЛАР сўзига қаранг.

**ХЕТ ХАЛҚИ**

Эски Аҳд даврининг бошида бу ном Канъон наслидан бўлган Хетнинг авлодига нисбатан ишлатилган[1]. Иброҳим пайғамбар яшаган замонда Канъон юртида бир нечта халқлар истиқомат қилар эди[2]. Улардан бири Хет халқи эди. Хет халқидан бўлган Эфрўн исмли бир одам Иброҳимга Сорани дафн этиш учун ер сотган эди[3]. Кейинчалик Исроил халқи Канъонни босиб олганда, Хет халқини ҳам мағлуб қилганди. Шоҳ Сулаймон Хет авлодларини қарол қилиб ишлатган[4].

Қадимда ҳозирги Суриянинг шимолида яшаган бошқа бир халқ ҳам "Хет халқи" деб аталган[5]. Милоддан олдинги ўн еттинчи асрдан ўн иккинчи асргача бу Хет халқининг шоҳлиги буюк бир шоҳлик бўлиб, катта ҳудудни эгаллаган. Бу ҳудуд ҳозирги Туркиядан жануб томонга, Суриягача чўзилган эди. Кейинчалик Оссурия Хет халқини мағлуб қилиб, уларнинг ерларини босиб олган.

*[1] Ибтидо 10:15 [2] КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОН ХАЛҚЛАРИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР ибораларига қаранг. [3] Ибтидо 23:1-20 [4] 3 Шоҳлар 9:20-21 [5] 3 Шоҳлар 10:29, 4 Шоҳлар 7:6*

**ХИВ ХАЛҚИ**

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири. Хив халқи Канъон юртининг марказий қисмида яшаган. Яна КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОН ХАЛҚЛАРИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР ибораларига қаранг.

**ХИЛХОНА**

Қабристон ҳудудидаги жой. Йиллар, ҳатто асрлар давомида хилхонага бир уруғ–аймоққа қарашли марҳумлар дафн этилади[1].

*[1] Ибтидо 47:29-30*

**ХОНТАХТА**

ОЛТИН ХОНТАХТА иборасига қаранг.

**ХОЧ**

Рим империясида ўлим жазосининг бир тури жазога маҳкум бўлган одамни хочга михлаш эди. Узун ходага бошқа бир ёғочни кўндалангига михлаб ёки арқон билан боғлаб хоч ясаларди. Одатда жиноятчи ўзи михланадиган хочнинг кўндаланг ёғочини ҳукм ижро этиладиган жойга кўтариб олиб борар эди[1]. Жиноятчининг қўллари ва оёқлари хочга михланарди, кейин хоч тик қилиб, махсус ковланган чуқурга ўрнатиларди. Хочга михланган одам нафас олишга ниҳоятда қийналарди. У жуда қаттиқ азоб чекиб, қийналиб жон берарди. Бу жараён бир неча соат, ҳаттоки бир неча кун давом этарди. Баъзан хочдаги одамнинг ўлимини тезлатиш учун сипоҳлар унинг оёқларини уриб синдиришар эди[2].

Хочга михлаш энг даҳшатли ва шармандали жазо ҳисобланар эди. Фақатгина қотиллар, ваҳший жиноятчилар ва Рим империяси душманлари шундай жазога тортилар эди. Жиноятчи очиқ жойда оломоннинг кўзи олдида яланғоч ҳолда жазоланарди[3]. Бундан мақсад жиноятчини шарманда қилиш ва жиноятларнинг олдини олиш эди. Яҳудийлар ёғочга қоқилган одамни Худо лаънатлаган деб ҳисоблашарди[4]. Янги Аҳдда баъзан "ёғоч" дейилганда "хоч" назарда тутилган[5].

*[1] Луқо 23:26 га ва ўша оятнинг иккинчи изоҳига қаранг. [2] Юҳанно 19:31-33 [3] Юҳанно 19:23 [4] Қонунлар 21:23, Галатияликлар 3:13 [5] Ҳаворийлар 5:30, 1 Бутрус 2:24*

**ХУДО**

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

**ХУДОДАН ҚЎРҚИШ**

Ҳар бир инсоннинг муқаддас Худога муносабатини билдирадиган ибора. Инсоннинг ишларини, яхши ёки ёмон бўлишидан қатъий назар, ҳукм қиладиган — Худо[1]. Худодан қўрқадиган одам ҳар доим Унинг улуғворлигидан ҳайратланади. Бундай одам Худодан қўрқиш билан бирга Уни севади, натижада Худога сидқидилдан ишонади ва Унинг амрларига бўйсунади. Муқаддас Китобга кўра, Худодан қўрқиш доноликнинг ва илму маърифатнинг бошидир, камтарлик ва ҳаёт манбаидир[2]. Эгамиздан қўрққан инсон ёвузликдан юз ўгиради, тўғри яшайди ва Худонинг номини улуғлайди[3]. Ишаё пайғамбар башорат қилган солиҳ ҳукмдорнинг юксак фазилатларидан бири Эгамиздан қўрқишдир[4]. Бу солиҳ ҳукмдор Исо Масиҳ эканлиги кейинчалик аён бўлди.

*[1] Воиз 12:13-14, 2 Коринфликлар 5:10 [2] Ҳикматлар 1:7, 9:10, 14:26-27, 15:33, 22:4, Аюб 28:28 [3] Ҳикматлар 3:7, 8:13, 14:2, Малаки 3:16 [4] Ишаё 11:2-3*

**ХУДОЙИ ТАОЛО**

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

**ХУДОЛАР**

Муқаддас Китобда, одатда бу сўз

бутпараст халқлар сиғинадиган худоларни билдиради. Муқаддас Китобда баён қилинишича, Эгамиз Худо барча худолардан устун[1]. Бу "худолар" беҳуда бутлар деб ҳам аталади[2], баъзи бир оятларда эса жинлар деб тасвирланади[3].

*[1] Мисол учун, Чиқиш 12:12, 18:9-11 га қаранг. [2] Чиқиш 20:3-5, Забур 95:4-5, Ишаё 42:17, 44:6-20 [3] Қонунлар 32:16-17, Забур 105:36-38, 1 Коринфликлар 10:19-20, яна ЖИН ва ФАРИШТА сўзларига қаранг.*

## ХУДОНИНГ АЗИЗЛАРИ, ХУДОНИНГ АЗИЗ ХАЛҚИ

Бу ибораларнинг сўзма–сўз таржимаси "муқаддаслар" бўлиб, Худога бағишланган, Унинг хизмати учун ажратилган одамлар деган маънони ифодалайди. Бу иборалар Худога тегишли одамларни билдириб, Эски Аҳдда бир неча марта Исроил халқига нисбатан[1], Янги Аҳдда эса Исо Масиҳнинг издошларига нисбатан ишлатилади[2].

*[1] Ишаё 63:18, Дониёр 7:18, 21, 8:24 [2] Ҳаворийлар 9:13, 1 Коринфликлар 6:1, 2 Коринфликлар 1:1, Эфесликлар 1:15, Филиппиликлар 4:22, Ваҳий 11:18*

## ХУДОНИНГ НОМЛАРИ

Муқаддас Китобда Худога нисбатан бир неча ибронийча ва юнонча номлар, иборалар ишлатилган. Эски Аҳдда ибронийча номлар, Янги Аҳдда юнонча номлар қўлланган. Қуйидаги рўйхатда Худо номларининг ўзбекча эквиваленти келтирилган, керакли ўринларда ибронийча ва юнонча номлар берилган бўлиб, маънолари изоҳланган. Баъзан қуйидаги сабабларга кўра, бу номлар ва иборалар бошқача таржима қилинган бўлиши мумкин: 1) Асл матннинг маъносини тўғри тушуниш учун[1]. 2) Ўзбек тилидаги мавжуд табиий ибораларни қўллаш учун[2]. 3) Ўзбекча таржима равон чиқиши учун[3].

*[1] Масалан, Ибтидо 4:1 да Худонинг "Эгам" деган номи "Худо" деб таржима қилинган, акс ҳолда, китобхон "Эгам" сўзини Момо Ҳаво Одам Атога нисбатан ишлатган, деб нотўғри тушуниши мумкин. [2] Масалан, ибронийчадаги "Эгамиз ҳақи" ибораси ўзбекчага "Худо ҳақи" деган табиий ибора билан таржима қилинган. [3] Масалан, баъзи ҳолларда ибронийча ва юнонча матнда Худонинг номлари ишлатилган ўринларда ўзбекчада олмошлар ишлатилган, ибронийча ва юнонча матндаги олмошлар ўрнида эса ўзбекчада Худонинг номлари ишлатилган.*

### ХУДО

Ибронийчада *Эл* ёки *Элоҳим*, юнончада *Теос*. Бу номлар бутун коинотнинг яратувчиси Худога нисбатан ишлатилган асосий номлардир.

### ЭГАМ, ЭГАМИЗ…

Ибронийчада *ЙҲВҲ*[1], юнончада *Куриос*. Эски Аҳдда *ЙҲВҲ* Худонинг исмидир. Аслида ибронийча сўзлар унли ҳарфларсиз ёзилган. Қадимги иброний тилининг қонуниятига мувофиқ, ибронийча сўзларнинг фақат ундош ҳарфлари ёзилган. Ибронийча ёзувларни ўқиганлар қайси ўринда қандай унли товуш талаффуз этилиши кераклигини билардилар. Аммо ҳозирда *ЙҲВҲ* ундошлари билан қайси унли товушлар ишлатилгани маълум эмас. Яҳудийлар Худонинг исмини жуда ҳам муқаддас деб билганлари учун, Эски Аҳд даврининг охирларига келиб[2], бу исмни айтмай қўйган эдилар. Улар Эски Аҳдни ўқиганларида матндаги *ЙҲВҲ* сўзининг ўрнига "Эгам, Хўжайиним" маъносини берадиган *Адонай*[3] сўзини ишлата бошладилар. Яҳудий олимлари биринчи марта Эски Аҳдни қадимги юнон тилига ўгирганларида, *ЙҲВҲ* сўзини "Эга, Хўжайин" маъносини берадиган юнонча *Куриос* сўзи билан таржима қилганлар. Ўшандан бери Эски Аҳднинг кўп таржималарида *ЙҲВҲ* сўзи ўрнига "Эга, Хўжайин" маъносини берадиган сўз ишлатилади. Мазкур таржимада ҳам бу сўз "Эгам, Эгамиз…" деб берилган. Кўпчилик олимлар *ЙҲВҲ* сўзини ибронийчадаги *бор бўлмоқ* феълининг илк шакли бўлиши мумкин, деб таъкидлайдилар. Шу фикрга кўра, *ЙҲВҲ* сўзи "У бордир", яъни У абадийдир, ҳеч қачон ўзгармайди ёки "У бор бўлишга сабабдир", яъни ҳар бир нарсанинг келиб чиқишига сабабчи Удир, деган маънони билдиради.

Янги Аҳдда *Куриос* сўзи аксарият ҳолларда Исо Масиҳнинг унвони сифатида ишлатилган бўлиб, мазкур таржимада Раббий, Раббим, Раббимиз… деб берилган[4]. Баъзи ҳолларда *Куриос* сўзи Янги Аҳдда Худога нисбатан ишлатилган бўлиб, Унинг Эски Аҳддаги айрим фазилатларини ифодалайди. Бундай ҳолларда мазкур таржимада *Куриос* сўзи "Эгамиз" деб берилган. Янги Аҳдда кам ишлатилган "Олий ҳукмдор, хўжайин" маъносини билдирувчи юнонча *Деспотес* сўзи ҳам "Эгамиз" деб таржима қилинган.

[1] Йаҳвеҳ *деб талаффуз қилинган бўлиши мумкин.* [2] *тахминан милоддан олдинги 400 йиллар* [3] Адонай *ибронийчадаги* Адон *сўзининг махсус кўплик шакли бўлиб, фақат Худога нисбатан қўлланилади.* [4] *РАББИЙ,*

*РАББИМ, РАББИМИЗ... сўзларига қаранг.*

РАББИЙ, РАББИМ, РАББИМИЗ...

Ибронийчада *Адон*, юнончада *Куриос*. Эски Аҳдда *Адон*[1] сўзи кўпинча Худога нисбатан ишлатилган илоҳий унвон бўлиб, Худо Исроил халқининг самовий Шоҳи эканлигини билдиради. Янги Аҳдда *Куриос* сўзи Исо Масиҳга нисбатан ишлатилган бўлиб, Унинг илоҳийлигини ва шоҳ сулоласига мансублигини билдиради. Шунинг учун мазкур таржимада бу сўз "Раббий", "Раббим Исо" ёки "Раббимиз Исо" деб берилган. *Адон* ва *Куриос* сўзлари унвон сифатида шоҳларга, обрўли муаллимлар ва пайғамбарларга иззат–ҳурматни ифодалаш учун ҳам ишлатилган. Бундай ҳолатларда бу унвонлар матнга тўғри келадиган сўзлар[2] билан таржима қилинган. Янги Аҳдда бирор киши Исо Масиҳга *Куриос* деб мурожаат қилганда мазкур таржимада вазиятга ва матн мазмунига тўғри келадиган сўз танланган.

*[1] Адонай ибронийчадаги Адон сўзининг махсус кўплик шакли бўлиб, фақат Худога нисбатан қўлланилади. Бу сўзнинг бирлик шакллари Адон ва Адоний одатда одамга нисбатан ишлатилади, аммо айрим ҳолларда Худонинг унвони маъносида келган. [2] масалан, жаноби олийлари, ҳазрат*

ЭГАМ ХУДО, ЭГАМИЗ ХУДО...

Ибронийчада *ЙҲВҲ Эл-*[1]. Бунинг сўзма–сўз таржимаси *ЙҲВҲ менинг Худойим, ЙҲВҲ бизнинг Худойимиз...*. Янги Аҳднинг юнонча матнида бу ном *Куриос ҳо Теос* деб берилган. Яна ЭГАМ ва ХУДО сўзларига қаранг.

*[1] Ибронийчада Эл сўзи қўшимчалар билан ишлатилади.*

ПАРВАРДИГОР ЭГАМ, ПАРВАРДИГОР ЭГАМИЗ

Ибронийчада *ЙҲВҲ Элоҳим*. Яна ЭГАМ ва ХУДО сўзларига қаранг.

ЭГАМ РАББИЙ, ЭГАМИЗ РАББИЙ

Ибронийчада *Адонай ЙҲВҲ*. Яҳудийлар Эски Аҳд битикларини ўқиганларида ибронийча матндаги *ЙҲВҲ*ни *Элоҳим* деб ўқиганлар. Яна РАББИЙ, ЭГАМ ва ХУДО сўзларига қаранг.

РАББИЙ ХУДО, РАББИМ ХУДО, РАББИМИЗ ХУДО

Ибронийчада *Адонай Элоҳим* ёки *Адонай Эл-*[1]. Яна РАББИЙ ва ХУДО сўзларига қаранг.

*[1] Ибронийчада Эл сўзи қўшимчалар билан ишлатилади.*

САРВАРИ ОЛАМ

Ибронийчада *ЙҲВҲ Сабаот*. *Сабаот* сўзи қўшинлар маъносини беради. *ЙҲВҲ Сабаот* деган ном Эгамиз еру осмондаги қудратли қўшиннинг буюк лашкарбошиси эканлигини билдиради. Янги Аҳднинг юнонча матнида бу ном — *Куриос Сабаот*. Яна ЭГАМ сўзига қаранг.

ПАРВАРДИГОРИ ОЛАМ

Ибронийчада *Элоҳим Сабаот*, сўзма–сўз таржимаси *қўшинлар Худоси*. Маъно жиҳатдан *ЙҲВҲ Сабаот* иборасига ўхшайди[1]. *Элоҳим Сабаот* деган ном Худо еру осмондаги қудратли қўшиннинг буюк лашкарбошиси эканлигини билдиради. Яна ХУДО сўзига қаранг.

*[1] САРВАРИ ОЛАМ иборасига қаранг.*

ҚОДИР ХУДО

Ибронийчада *Эл Шаддай* ёки *Шаддай*. *Шаддай* сўзининг маъноси аниқ эмас, лекин кўп олимлар бу сўзни "тоғнинг Худоси" деб изоҳлайдилар. Тоғлар куч–қудрат рамзи бўлгани учун, кўп таржималарда бу сўз Худонинг қудратини ифодалайдиган ном сифатида берилган. Янги Аҳдда юнонча *Пантократор* сўзи "Қодир Худо" деб таржима қилинган. Бу юнонча сўз "ҳар нарсага қодир" деган маънони билдириб, баъзан *Теос*, яъни Худо сўзи билан бирга қўлланган. Юнонча матнда *дунамис*, яъни қудрат сўзи баъзан Худога нисбатан ишлатилган. Бундай ҳолларда ҳам бу сўз "Қодир Худо" деб таржима қилинган. Яна ХУДО сўзига қаранг.

ХУДОЙИ ТАОЛО

Ибронийчада *Эл Элён* ёки *Элоҳим Элён*, сўзма–сўз таржимаси *Энг юксак Худо*. Шунингдек, *Элён* сўзи алоҳида ҳам ишлатилади, унинг сўзма–сўз таржимаси *энг юксак Зот*. Бу сўз Худо энг буюк, энг қудратли, бутун коинот Ҳукмдори эканлигини билдиради. *Элён* айбсизларни оқлайди, фосиқ ва ёвузларни жазолайди. Янги Аҳднинг юнонча матнидаги *Ҳупсистос* сўзи "Худойи Таоло" деб таржима қилинган. *Ҳупсистос* сўзи "энг юксак Зот" деган маънони билдириб, баъзан *Теос*, яъни Худо сўзи билан бирга қўлланган. Яна ХУДО сўзига қаранг.

САМОВИЙ ХУДО

Ибронийчадан ва юнончадан сўзма–сўз таржимаси *осмон Худоси*, *осмон ва ер Худоси* ёки *осмон Эгаси*.

БАРҲАЁТ ХУДО

Ибронийчадан ва юнончадан сўзма–сўз таржимаси *тирик Худо*. Бу ном Худо доимо ҳаракатда эканини, У Ўз халқига ғамхўрлик қилаётганини билдиради.

МУҚАДДАС ХУДО

Ибронийчадан ва юнончадан сўзма–сўз таржимаси *муқаддас Зот*. Худонинг бу номини пайғамбарлар, айниқса Ишаё пайғамбар кўп ишлатган. “Муқаддас Худо” деган ном Исроил халқининг Худоси бутун борлиқдан устун ва тенгсиз эканлигини билдиради. У танҳо, ҳақиқий Худодир.

ҚОЯ, СУЯНГАН ҚОЯ

Ибронийчадан сўзма–сўз таржимаси *қоя*. Бу сўз Худога умид боғлаганларни Унинг Ўзи ҳимоя қилишини, соғ–омон сақлашини, Худонинг ўзгармаслигини ва тамомила ишончлилигини билдиради.

ОТА, ОТАМ ХУДО, ОТАМИЗ ХУДО...

Эски Аҳднинг баъзи парчаларида Худо Исроил халқининг Отаси, деб таърифланган[1]. Янги Аҳдда эса Худо Ўз халқининг Отаси эканлиги ҳақидаги тушунча янада ёрқин ифодаланган. Исо Масиҳ Худони Ота деб чақирган. Шу тариқа Исо Ўзини Худонинг ягона Ўғли эканини, Отаси Худо томонидан бу дунёга юборилганини ва У билан яқин муносабатда эканини таъкидлаган[2]. Шунингдек, Исо Ўз шогирдларига ҳам Худони самодаги ҳақиқий Ота деб билишни ўргатган. Исога ишониб, Унга эргашганлар Худо билан яқин муносабат ўрнатиб, Худонинг комил севгисидан баҳраманд бўладилар. Худо меҳрибон отадай уларга ғамхўрлик қилади[3].

*[1] Мисол учун, Ишаё 63:16, 64:8, Еремиё 3:19, Хўшея 11:1 га қаранг. [2] Яна ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига ва МАСИҲ сўзига қаранг. [3] Матто 5:48, Луқо 22:29*

**ХУДОНИНГ РУҲИ**

“Руҳ” деб таржима қилинган ибронийча ва юнонча сўзлар яна “нафас”, “шамол” маъноларини ифодалайди. Худонинг Руҳи дунё яратилишида бевосита иштирок этган[1]. Эски Аҳдда баён қилинишича, Худонинг Руҳи инсонларни қамраб олган, уларга турли вазифаларни бажариш учун куч берган[2]. Худонинг Руҳи баъзи одамларни Худонинг сўзларини гапиришга ундаган[3]. Худо Ўз Руҳини бир кун келиб бутун одамзод устига ёғдиришини Йўэл пайғамбар орқали ваъда қилган[4].

Янги Аҳдда Худонинг Руҳи Муқаддас Руҳ деб аталади. Муқаддас Руҳ орқали одамлар Худонинг сўзларини айтадилар, баъзан мўъжизалар кўрсатадилар. Яҳё пайғамбар башорат қилиб, Исо Масиҳ инсонларни Муқаддас Руҳга чўмдиради, деб айтган[5]. Яҳё пайғамбар Исони сувга чўмдирганда, Муқаддас Руҳ Исонинг устига каптар шаклида тушган[6] ва У Муқаддас Руҳга тўлган[7]. Исо Масиҳ Муқаддас Руҳ бошчилигида яшаган.

Исо ўз шогирдларига, Отам сизларга йўл–йўриқ кўрсатиш ва куч–қудрат ато қилиш учун Муқаддас Руҳни юборади, деб ваъда берган[8]. Исо осмонга кўтарилгандан кейин мана шу ваъда амалга ошди[9]. Шундай қилиб, Йўэл пайғамбарнинг бир неча асрлар олдин айтган башорати бажо бўлди[10]. Исонинг шогирдлари одамларни тавба қилишга, сувга чўмишга ва Муқаддас Руҳни қабул қилишга даъват этганлар[11]. Исо Масиҳга ишонган ҳар бир инсоннинг юрагида Муқаддас Руҳ яшайди. Муқаддас Руҳ уларнинг Худога тегишли эканлигини ва нажот кафили Ўзи эканлигини тасдиқлайди[12]. Муқаддас Руҳ имонлиларга ҳар хил инъомлар беради, улар бу инъомлари билан Худога ва бошқаларга хизмат қиладилар[13]. Имонлилар Муқаддас Руҳ бошчилигида ҳаёт кечирадилар ва Муқаддас Руҳ туфайли улардаги хислату фазилатлар Худога манзур бўлади[14].

*[1] Ибтидо 1:2 [2] Чиқиш 31:3, Ҳакамлар 14:6, 1 Шоҳлар 11:6-7, 16:13 [3] 1 Солномалар 12:18, 2 Солномалар 15:1-7, 20:14-15, Ҳизқиёл 11:5, Михо 3:8 [4] Йўэл 2:28-29 [5] Матто 3:11 [6] Луқо 3:22 [7] Луқо 4:1, 10:21, Юҳанно 3:34 [8] Луқо 24:49, Юҳанно 14:16-17, 26, 16:7-15, 20:22, Ҳаворийлар 1:4-5, 8 [9] Ҳаворийлар 2:1-4 [10] Ҳаворийлар 2:14-21 [11] Ҳаворийлар 2:38, 19:1-6 [12] Римликлар 8:15-16, 2 Коринфликлар 1:21-22, Эфесликлар 1:13-14 [13] 1 Коринфликлар 12:4-11 [14] Галатияликлар 5:22-25*

**ХУДОНИНГ УЙИ**

Бу ибора Муқаддас чодирга, кейинчалик эса Маъбадга ишора қилган. МУҚАДДАС ЧОДИР иборасига ва МАЪБАД сўзига қаранг.

**ХУДОНИНГ ШОҲЛИГИ**

Худонинг инсонлар ҳаётидаги ҳукмронлигига ва ҳар бир яратилган мавжудотнинг охиратда янгиланишига ишора. Исо Масиҳ: “Худонинг Шоҳлиги яқинлашди”, деб ваъз қиларди, У Ўз мўъжизалари орқали бу Шоҳлик ҳақиқатан ҳам мавжуд эканлигини кўрсатарди. Исо Масиҳ одамларга: “Худонинг Шоҳлиги

сизларнинг орангизда", деб таълим берган[1]. Инсонларнинг гуноҳлари Исо Масиҳ орқали кечирилганда, улар Худонинг Шоҳлигига кирадилар[2]. Худонинг Шоҳлигига мансуб бўлган одамлар Худони ўзларининг Шоҳи деб тан оладилар ва ўзаро муносабатларида Худонинг фазилатларини намоён қиладилар. Шу орқали Худонинг Шоҳлиги инсонлар орасида эканлиги кўриниб туради. Келажакда эса Исо Масиҳ бутун дунёни ёвузлик ва қабиҳликдан поклагандан кейин Худонинг Шоҳлиги тўлиқ ўрнатилади[3]. Матто китобида Худонинг Шоҳлиги "Осмон Шоҳлиги" деб ҳам аталган.

*[1] Луқо 17:20-21 [2] Колосаликлар 1:13-14 [3] Матто 25:31-46, 1 Коринфликлар 15:24-25, Ваҳий 11:15, 12:10*

## ХУДОНИНГ ЎҒЛИ, ХУДОЙИ ТАОЛОНИНГ ЎҒЛИ

Бу ибора унвон бўлиб, яҳудийлар интизорлик билан кутган халоскорга нисбатан ишлатилган. Яҳудийларнинг тасаввури бўйича, бу халоскор уларни душманлари қўлидан қутқаради ва бутун одамзод устидан абадий ҳукмронлик қилади. Бу халоскорга нисбатан одатда "Масиҳ" унвони ҳам ишлатилган[1]. "Худонинг Ўғли" ёки "Ўғил" унвонлари Исога нисбатан ишлатилганда, Исо интизорлик билан кутилган Масиҳ эканлигини билдиради. Бу унвонлар Исонинг Худо билан яқин муносабатини, Исо Худонинг номидан иш қилишини кўрсатади. Исо Масиҳ Ўзининг самовий Отасига бутунлай итоат этиб, садоқат билан хизмат қилган. Шу тариқа Исо самовий Отасига иззат–ҳурмат кўрсатган, Унинг фазилатларини Ўзида тўлиқ мужассам этиб, намоён қилган. Юҳанно 14:6-13, Колосаликлар 1:15, 19, Ибронийлар 1:2-3 га қаранг.

Афсуски, баъзилар "Худонинг Ўғли" деган унвонни нотўғри тушуниб, Исо жисмонан Худодан туғилган экан, деб ўйлайдилар. Аммо бу ақл бовар қилмайдиган мутлақо нотўғри фикр! Бундай фикр Муқаддас Китобда баён қилинган таълимотларга бутунлай зиддир. Янги Аҳдда баён қилинишича, Марям мўъжизавий равишда, Муқаддас Руҳнинг қудрати билан Исога ҳомиладор бўлган[2].

Эски Аҳдда Худо Исроил халқини "тўнғич ўғлим" деб атаб, улар билан қанчалик яқин муносабат ўрнатганини кўрсатган[3]. Шунингдек, Худо Исроил шоҳини ҳам "Менинг ўғлим" деб атаган, чунки Исроил шоҳи Худонинг вакили сифатида халқ устидан ҳукмронлик қилган[4].

*[1] Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун МАСИҲ сўзига қаранг. [2] Матто 1:18-25, Луқо 1:26-38 [3] Чиқиш 4:22-23 [4] Забур 2:7 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.*

## ХУШХАБАР

Эски Аҳд пайғамбарлари Масиҳ ҳақида кўп башорат қилганлар. Интизорлик билан кутилган Масиҳнинг келгани ҳақидаги хабар Янги Аҳдда Хушхабар деб аталади[1]. Мазкур Хушхабарнинг моҳияти қуйидагилардан иборат: келиши башорат қилинган Масиҳ Исодир. Исо одамзодни гуноҳ ва ўлим қудратидан халос қилиш учун келган, Исо Масиҳга ишонган ҳар бир инсон, миллатидан қатъий назар, Худонинг Шоҳлигига кира олади[2].

Исо Масиҳ ер юзидаги фаолияти давомида Ўз шогирдлари билан бирга: "Худонинг Шоҳлиги яқинлашди!" деб эълон қилиб, одамларни тавба қилишга ва Хушхабарга ишонишга даъват этган[3]. Исо Ўз таълимоти ва қилган ишлари орқали[4], шунингдек, хочда жон бериб, инсониятни гуноҳлардан халос қилгани ва учинчи куни ўликдан тирилгани орқали Ўзининг Масиҳ эканлигини исботлади[5]. Исо ўликдан тирилгандан кейин, одамлар Хушхабарни янада тўлиқроқ тушуна бошладилар. Исо осмонга кўтарилиб кетишидан олдин шогирдларига Хушхабарни бутун дунё бўйлаб тарқатиш вазифасини топширди[6]. Шогирдлар Исонинг Масиҳ, яъни Худо томонидан юборилган Нажоткор экани ҳақидаги Хушхабарни ёя бошладилар[7].

Хушхабар сўзи яна Янги Аҳд таркибидаги дастлабки тўртта китобга нисбатан ҳам ишлатилган. Бу Хушхабарларда Исо Масиҳнинг ҳаёти, фаолияти ва таълимоти баён қилинган.

*[1] Луқо 2:10-11 [2] Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун МАСИҲ сўзига қаранг. [3] Матто 10:7, Марк 1:14-15 [4] Луқо 4:16-21, 7:20-23 [5] Луқо 24:44-48, 1 Коринфликлар 15:1-4 [6] Матто 28:18-20, Ҳаворийлар 1:8 [7] Ҳаворийлар 4:12, 5:42*

## ХЎПТИР

Дон янчишда ишлатилган, остига учли тош ёки темир маҳкамланган оғир тахта.



**ЧАЙЛА БАЙРАМИ**

БАЙРАМЛАР сўзига қаранг.

**ЧИРОҚПОЯ**

Муқаддас чодирнинг Муқаддас хонасида турадиган чироқпоя[1]. Бу чироқпоя Худо кўрсатган намуна бўйича соф олтиндан зарб уриб ясалган эди. Чироқпоя еттита мойчироқни[2] ушлаб турар эди[3]. Кейинчалик Қуддусдаги Маъбаднинг Муқаддас хонасида ўнта чироқпоя бўлган[4]. Маъбаддаги бу чироқпояларнинг шакли Мусо Муқаддас чодир учун ясаттирган олтин чироқпояга ўхшаш бўлганми ёки йўқми, маълум эмас. Эҳтимол, бу чироқпоялар Закариё 4:2 да тасвирланган чироқпояга ўхшаш бўлгандир[5].

*[1] Чиқиш 26:35 [2] МОЙЧИРОҚ сўзига қаранг. [3] Чиқиш 25:31-40 [4] 3 Шоҳлар 7:49 [5] Луғатдан кейин илова қилинган "Расмлар ва лойиҳалар" бўлимида берилган "Шоҳ Сулаймон қурдирган Маъбад" расмига қаранг.*



**ШАББАТ КУНИ**

Яҳудийча ҳафтанинг еттинчи куни бўлиб, бизнинг ҳафта бўйича шанба кунидир. Бу кун муқаддас ҳисобланиб, дам олиш куни бўлган. Худонинг Мусо орқали берган қонунига кўра, Шаббат куни иш қилиш ман этилган эди[1]. Исроил халқи Шаббат кунини Худога шукроналар айтишга бағишлаган. Бу кунда руҳонийлар махсус қурбонлик келтирганлар[2]. Янги Аҳд даврига келиб, дин раҳнамолари Шаббат кунига оид мураккаб қоидалар тизимини яратганлар. Исо Ўз таълимоти ва қилган ишлари билан бу тизимга қарши чиқиб, одамларга дам олиш кунининг асл моҳиятини тушунтирган, инсон Шаббат куни учун эмас, балки Шаббат куни инсон учун яратилганини таъкидлаган[3].

*[1] Чиқиш 20:8-11, 31:12-17, Левилар 23:3, Қонунлар 5:12-15 [2] Саҳрода 28:9-10 [3] Матто 12:1-14*

**ШАЙТОН**

Самовий мавжудот, гуноҳкор фаришталарнинг[1] бошлиғи. Бу фаришталар ёвуз руҳлар, жинлар деб ҳам аталган. Шайтон Худога ва Худонинг халқига қарши чиқади. У ҳар доим ёвузлик пайида бўлиб, инсонларни алдайди ва уларни Худонинг йўлидан оздиради[2]. Исо Масиҳ кучли иродаси ва мўъжизалари орқали шайтондан устун эканлигини кўрсатди[3]. Янги Аҳдда, бир кун келиб шайтон бутунлай мағлуб бўлади, деб ёзилган[4].

"Шайтон" деган ном иброний тилидаги "душман, айбловчи" маъносини билдирадиган сўздан келиб чиққан[5]. Янги Аҳдда шайтон яна иблис ҳам дейилади. Иблис сўзи юнон тилидаги "туҳматчи" маъносини берадиган сўздан келиб чиққан. Янги Аҳдда баён қилинишича, шайтон одамларни васвасага солади[6]. У "бу дунёнинг ёвуз ҳукмдори", "бу дунёнинг худоси" деб ҳам аталган[7].

*[1] ФАРИШТА сўзига қаранг. [2] Луқо 8:12, Юҳанно 8:44, Ваҳий 12:9 [3] Матто 4:1-11, Ҳаворийлар 10:38, 1 Юҳанно 3:8 [4] Матто 25:41, Ваҳий 20:10 [5] Закариё 3:1, Ваҳий 12:10 [6] Матто 4:3, 1 Салоникаликлар 3:5 [7] Юҳанно 12:31, 2 Коринфликлар 4:4*

**ШАРОБ НАЗРИ**

НАЗР сўзига қаранг.

**ШОПИРИШ**

СОВУРИШ сўзига қаранг.

**ШОҚУЛ**

Бинокорликда девор, устун ва шу кабиларнинг вертикал ҳолатини аниқлаш учун ишлатиладиган, бир учига оғирлик боғланган ипдан иборат асбоб.



**ШУКРОНА ҚУРБОНЛИГИ, ШУКРОНА НАЗРИ**
ҚУРБОНЛИК сўзига қаранг.

**ЭГАМ РАББИЙ, ЭГАМИЗ РАББИЙ**
ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

**ЭГАМ ХУДО, ЭГАМИЗ ХУДО...**
ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

**ЭГАМИЗДАН ҚЎРҚИШ**
ХУДОДАН ҚЎРҚИШ иборасига қаранг.

**ЭГАМИЗНИНГ РУҲИ**
ХУДОНИНГ РУҲИ иборасига қаранг.

**ЭГАМИЗНИНГ ФАРИШТАСИ**
Содир бўладиган муҳим бир воқеа–ҳодиса тўғрисида одамларга хабар бериш учун, уларни ҳимоя қилиш учун ёки махсус бир топшириқни бажариш учун Эгамиз томонидан юборилган фаришта[1]. Муқаддас Китобда баён қилинишича, баъзан Худонинг Ўзи Эгамизнинг фариштаси қиёфасида зоҳир бўлган[2].

*[1] ФАРИШТА сўзига қаранг. [2] Мисол учун, Чиқиш 3:1-5, Ҳакамлар 6:11-24 га қаранг.*

**ЭГАМНИНГ УЙИ, ЭГАМИЗНИНГ УЙИ**
Бу иборалар Муқаддас чодирга, кейинчалик эса Маъбадга ишора қилган. МУҚАДДАС ЧОДИР иборасига ва МАЪБАД сўзига қаранг.

**ЭГАМ, ЭГАМИЗ...**
ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

**ЭДОМ, ЭДОМ ХАЛҚИ, ЭДОМЛИКЛАР**
Бу халқ Ёқубнинг акаси Эсовдан[1] келиб чиққан[2]. Эдом халқи Ўлик денгизнинг жануби ва жануби–шарқидаги тақир Сеир[3] тоғларида яшаган. Бу халқ Исроил халқининг душмани бўлиб келган[4]. Довуд ҳукмронлиги даврида Исроил халқи Эдомликларни босиб олди[5]. Аммо Довуд ҳукмронлигидан кейин Эдом халқи аҳён–аҳёнда Исроилга қарши исён кўтариб турган ва ниҳоят, ўз мустақиллигига эришган эди[6].

*[1] Ибтидо 25:25, 30 га ва Ибтидо 25:25 нинг биринчи изоҳига қаранг. [2] Ибтидо 36:8-9 [3] Ибтидо 25:25 га ва ўша оятнинг иккинчи изоҳига қаранг. [4] Саҳрода 20:14-21 [5] 2 Шоҳлар 8:13-14 [6] 3 Шоҳлар 11:14-22, 4 Шоҳлар 8:20-22*

**ЭНГ МУҚАДДАС ХОНА**
Муқаддас чодирнинг, кейинчалик эса Маъбаднинг ичкари кичикроқ хонаси[1]. Бу хонада Аҳд сандиғи турар эди. Сулаймон қурдирган Маъбаднинг Энг муқаддас хонасида иккита карубнинг катта ҳайкали ҳам бор эди. Энг муқаддас хонани Муқаддас хонадан катта парда ажратиб турарди[2]. Тавротга кўра, фақат олий руҳоний бир йилда бир марта — Покланиш куни Энг муқаддас хонага кириши мумкин эди[3]. Ибронийларга мактубда ва Ваҳий китобида самовий Чодирнинг Энг муқаддас хонаси ҳақида айтиб ўтилган. Исо Масиҳ инсон қўли билан қурилмаган бу мукаммал Чодирда олий руҳоний бўлиб хизмат қиляпти[4].

*[1] Луғатдан кейин илова қилинган "Расмлар ва лойиҳалар" бўлимига қаранг. [2] ИЧКИ ПАРДА иборасига қаранг. [3] БАЙРАМЛАР сўзи остида берилган ПОКЛАНИШ КУНИ иборасига қаранг. [4] Ибронийлар 8:1-2, 9:11-12, 24, Ваҳий 15:5*

**ЭСКИ АҲД**
Муқаддас Китобнинг биринчи қисми бўлиб, ўттиз тўққизта китобдан иборат. Одатда яҳудийлар, Эски Аҳд тўплами уч қисмдан иборат, деб айтадилар. Бу уч қисм қуйидагилардир: Таврот (Мусонинг қонуни деган ном билан ҳам юритилади), Пайғамбарлар битиклари (унинг таркибига баъзи тарихий китоблар ҳам кирган) ва Битиклар (Забур бу қисмнинг биринчи китобидир). Эски Аҳд қадимги иброний тилида, баъзи қисмлари эса орамий тилида бўлиб, милоддан олдинги ўн бешинчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, тахминан минг йил давомида ёзилган. Эски Аҳднинг асосий мавзуси Худонинг Исроил халқи билан бўлган муносабатидир. Бу муносабат Худонинг Мусо орқали Исроил халқи билан тузган аҳдига асосланган.

Кейинчалик Худо Ўз халқи билан Исо Масиҳ орқали янги аҳд тузди[1]. Шу сабабга кўра, аввалги, яъни Мусо орқали тузилган аҳд "эски аҳд" деб ҳисобланади[2]. Милодий учинчи асрдан бошлаб, масиҳийлар ибронийча Муқаддас битикларни "Эски Аҳд" деб атайдиган бўлдилар. Исо Масиҳ Муқаддас битикларни мукаммал билган ва Ўз таълимотида улардан кўп иқтибослар келтирган.

*[1] 1 Коринфликлар 11:25, Ибронийлар 8:6-13*
*[2] 2 Коринфликлар 3:14, Ибронийлар 8:6*

**ЭФОД**

Ибронийча сўз бўлиб, олий руҳоний киядиган махсус кийимга нисбатан ишлатилган[1]. Эфодга тақилган кўкракпеч халтасида Урим ва Туммим деган муқаддас нарсалар сақланган. Айрим ҳолларда руҳонийлар Худонинг хоҳишини билиш учун Урим ва Туммимдан фойдаланишган[2].

Эски Аҳднинг баъзи оятларида эфод сўзи руҳонийлар киядиган либосга нисбатан ишлатилган бўлиб, бу либос зиғир матодан тикиларди[3]. Ҳакамлар китобида бу сўз бутни ёки одамлар фол очишда фойдаланган буюмни билдирган[4].

*[1] Чиқиш 28:6-14 га ва РУҲОНИЙ сўзи остида берилган ОЛИЙ РУҲОНИЙ иборасига қаранг. [2] Чиқиш 28:30, 1 Шоҳлар 23:9-12 [3] 1 Шоҳлар 2:18, 22:18, 2 Шоҳлар 6:14 га ва ўша оятларнинг изоҳларига қаранг. [4] Ҳакамлар 8:27 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.*

**ЭФРАЙИМ**

Ёқуб ўғли Юсуф Мисрда икки ўғил кўрган бўлиб, каттаси Манаше, кенжаси Эфрайим эди. Эфрайим ва Манаше қабилалари Юсуфнинг шу икки ўғлидан келиб чиққан. Эфрайим кенжа ўғил бўлса ҳам, Ёқуб уни Манашедан юқори қўйиб, дуо қилган[1].

Шоҳ Сулаймон вафотидан кейин шимолдаги ўнта қабила жанубдаги Яҳудо ва Бенямин қабилаларидан ажралиб чиқди[2]. Бу ўнта қабила алоҳида давлатни ташкил қилиб, Исроил шоҳлиги[3] деб ном олди. Бу давлатнинг пойтахти Самария бўлди. Шимолдаги қабилалар орасида Эфрайим энг катта ва нуфузли қабила бўлгани боис, Эски Аҳднинг баъзи ўринларида Эфрайим деган ном ўнта қабилага ва улар ташкил қилган Исроил шоҳлигига нисбатан ишлатилган.

*[1] Ибтидо 48:17-20 [2] 3 Шоҳлар 11:26-12:24 [3] шимолий шоҳлик ибораси билан ҳам маълум*

**ЭШИК КЕСАКИСИ**

Эшик ўрнатилган чорчўп.



**ЮНОН ТИЛИ ВА МАДАНИЯТИ**

Эски Аҳд давридан кейин юнон тили ва маданияти қадимги дунёга катта таъсир кўрсатган. Милоддан олдинги 334 йилда Македония шоҳи Искандар Зулқарнайн ғарбий Осиёга юнон лашкарини тортиб борди. Искандар 11 йиллик ҳукмронлиги даврида, вафотига қадар, бутун Форс шоҳлигини мағлуб этиб, ўз ҳокимиятини ўрнатди. Собиқ Форс шоҳлигига ҳозирги Туркия, Миср ва Ўрта Осиёнинг аксарият қисми кирган эди. Қуддус шаҳри ҳеч бир қаршиликсиз Искандарга таслим бўлган. Искандар босиб олган жойларда маҳаллий халқларнинг динини ўзгартиришга ҳаракат қилмаган, ҳатто баъзи ҳолларда уларнинг одатларини ўзлаштириб олган. Искандар ҳукмронлиги даврида ҳам, ундан кейинги юнон ҳукмдорлари даврида ҳам қўлга киритилган ерларда янги шаҳарлар барпо қилинган, бу ерларга юнонлар жойлашиб олганлар. Бу, ўз навбатида, юнон тили, маданияти ва урф–одатларининг ёйилишига сабаб бўлган.

Шундай қилиб, юнон тили халқаро тилга айланди ва баъзи бир халқларнинг она тили ўрнини эгаллади. Эски Аҳд ибронийчадан илк бор юнон тилига милоддан олдинги 300-200 йилларда таржима қилинди. Бу таржима кейинчалик *Септуагинта* деб ном олди. Шу таржима туфайли ғайрияҳудийлар ва она тилини билмаган яҳудийлар Муқаддас Битикларни ўқиш имкониятига эга бўлдилар. Илк жамоат масиҳийлари Септуагинтадан кенг фойдаланганлар. Янги Аҳдда бу таржимадан кўп иқтибослар келтирилган.

Милоддан олдинги 175-164 йилларда Сурияда Юнон шоҳи Антиох IV ҳукмронлик қилган даврда Яҳудияда дин эркинлиги

барҳам топди[1]. Яҳудия аҳолиси Антиохга қарши исён кўтариб, мустақилликка эришди. Улар яна Маъбадда Худога сажда қиладиган бўлдилар[2]. Милоддан олдинги биринчи асрда Яҳудия ўлкаси Рим империяси томонидан босиб олингандан кейин ҳам давлат, тижорат ишларида, таълим соҳасида юнон тили ишлатилаверди. Буни Янги Аҳдда ёзиб қолдирилган баъзи воқеаларда кўрса бўлади[3]. Кўп яҳудийларнинг ҳам юнонча, ҳам орамийча исмлари бўлган[4]. Янги Аҳд таркибига кирган барча китоблар кенг оммага тушунарли бўлиши учун юнон тилида ёзилган.

*[1] Дониёр 8:12 изоҳига ва 9:27 нинг учинчи изоҳига қаранг. [2] Юҳанно 10:22 изоҳига қаранг. [3] Юҳанно 19:20, Ҳаворийлар 21:37-39 [4] Юҳанно 1:42, 11:16, Ҳаворийлар 9:36*

**ЮНОН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ**

ЮНОНЧА МАТН иборасига қаранг.

**ЮНОНЧА МАТН**

Бирлашган Муқаддас Китоб Жамиятлари томонидан нашр қилинган юнонча Янги Аҳднинг 4–нашри (“UBS4” деб аталади). Олимлар Янги Аҳднинг бу матнини ҳозиргача сақланиб келган ҳамма юнон қўлёзмаларини[1] синчиклаб ўрганиб чиққанларидан кейин нашрга тайёрлаганлар. Бу қўлёзмаларнинг баъзиларида Янги Аҳд тўлиқ ҳолда, баъзиларида эса парчалар ҳолида сақланиб қолган. Олимларнинг аксарияти бу матнни Янги Аҳднинг энг аниқ, пухта ва бугунги куннинг талабларига жавоб берадиган нусхаси, деб ҳисоблайдилар. Янги Аҳднинг ўзбекча таржимаси, кўп замонавий таржималар сингари, мана шу юнонча матнга асосланган.

*[1] Қуйидаги ЮНОН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ иборасига қаранг.*

ЮНОН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

Ҳозирги даврда Янги Аҳднинг тўлиқ матнидан ёки баъзи бир парчаларидан иборат юнонча қўлёзмаларнинг сони 5800 дан ортиқроқдир. Бу қўлёзмалардаги баъзи бир оятлар UBS4[1] деб аталган юнонча матндан бир оз фарқ қилади. Бу фарқлар Янги Аҳдда берилган таълимотларни тўғри тушунишимизга қийинчилик туғдирмайди. Ўзбекча таржимага берилган изоҳларда мана шу фарқларнинг баъзилари кўрсатиб ўтилган. Шу орқали китобхон маълум бир оят нима учун айрим фарқлар билан таржима қилинганини тушуниб олади.

Янги Аҳднинг сақланиб қолган қўлёзмалари бошқа қадимий китобларга қараганда анча кўп. Бу қўлёзмалар асл матндан қисқа давр ичида кўчирилган. Бошқа қадимий китоблар ҳақида шундай деб айтиш қийин. Масалан, Юҳанно Хушхабарининг бир парчаси милодий 125 йилларда кўчирилган деб тахмин қилинади[2]. Юҳанно Хушхабарининг асл матни эса фақатгина ундан тахминан 40 йиллар олдин, яъни милодий 85 йилларда ёзилган. Янги Аҳднинг бир нечта парчалари иккинчи асрларда, кўплаб нусхалари эса учинчи ва тўртинчи асрларда кўчирилган. Янги Аҳднинг энг қадимги тўлиқ нусхаси тўртинчи асрда кўчирилган бўлиб, *Кодекс Синайтикус* деб аталади. Бу қўлёзма Лондондаги Британия Кутубхонасининг кўргазмалар залида сақланади[3]. Олимлар кўп қўлёзмаларни таққослаш орқали матн кўчирилганда йўл қўйилган хатоларни аниқлайдилар. Шу йўсинда Янги Аҳд муаллифлари ёзган асл матн қайси бири эканлигини мутлақ ишонч билан айта оладилар. Янги Аҳд матнининг ишончлилигини тасдиқлайдиган далиллар қолган барча қадимий китобларникидан анча кўп.

*[1] ЮНОНЧА МАТН иборасига қаранг. [2] Бу парчанинг фотонусхаси китоб охирида “Муқаддас Китоб қўлёзмаларининг фотонусхалари” деган қисмда келтирилган. [3]* Кодекс Синайтикуснинг *фотонусхаси китоб охирида “Муқаддас Китоб қўлёзмаларининг фотонусхалари” деган қисмда келтирилган. Бу қўлёзмани интернет орқали кўрса ҳам бўлади.*

**ЯНГИ АҲД**

Муқаддас Китобнинг иккинчи қисми бўлиб, йигирма еттита китобдан иборат. Ўзбек тилида Янги Аҳд яна Инжил номи билан ҳам маълум. Янги Аҳд китоблари милодий биринчи асрда, Исо Масиҳ осмонга кўтарилгандан кейин ёзилган. Бу китоблар қадимий юнон тилида ёзилган бўлиб, уларнинг асосий мавзуси Исо Масиҳнинг ҳаёти, фаолияти, таълимоти ва масиҳийларга берилган йўл–йўриқларидан иборат.

Қадимда Худо Мусо орқали Исроил халқи билан аҳд тузган эди, кейинчалик эса У Исо Масиҳ орқали Ўз халқи билан улуғроқ ва аълороқ ваъдаларга асосланган янги аҳд тузди[1]. Шунинг учун бу китоблар мажмуаси “Янги Аҳд” деб аталадиган бўлди.

*[1] 1 Коринфликлар 11:25, Ибронийлар 8:6-13 га қаранг.*

**ЯНГИ ОЙ ШОДИЁНАСИ**

БАЙРАМЛАР сўзига қаранг.

**ЯҲУДИЙ**

“Яҳудий” сўзи Ёқуб ўғли Яҳудонинг исмидан келиб чиққан[1]. Милоддан олдинги 586 йилда Бобилликлар Яҳудо юртини, яъни жанубий шоҳликни босиб олиб, аҳолисининг аксариятини Бобилга асир қилиб олиб кетганлар[2]. Бобилдаги етмиш йиллик асирлик даврида ва ундан кейин “яҳудий” сўзи Яҳудо халқига ва жамики Исроил қабилаларининг авлодларига нисбатан ишлатилиб, миллат маъносини билдирувчи сўзга айланган.

*[1] ЯҲУДО сўзига қаранг. [2] БОБИЛ сўзига қаранг.*

**ЯҲУДИЯ**

Бу ном фақат Янги Аҳд китобларида ишлатилган бўлиб, одатда Ўлик денгизнинг ғарб томонидаги қирли ерларни билдирарди. Эски Аҳд даврида бу ерлар Яҳудо қабиласининг ҳудуди бўлган. Қуддус шаҳри ва Исо Масиҳ туғилган Байтлаҳм шаҳри мана шу қирли ерларда жойлашган эди. Шунингдек, Янги Аҳд даврида “Яҳудия” Рим империяси таркибига кирган вилоят бўлган. Бу вилоятнинг ҳудуди нафақат Ўлик денгизнинг ғарб томонидаги ерларни, балки шимолдаги Самария ҳудудини ва ғарбдаги Ўрта ер денгизи бўйидаги ерларни ўз ичига оларди. Баъзан эса, жумладан, Луқо Хушхабарида Яҳудия номи бутун қадимги Фаластинга[1] нисбатан ишлатилган.

*[1] ФАЛАСТИН сўзига қаранг.*

**ЯҲУДО**

Ёқубнинг ўн иккита ўғлидан бири бўлиб, Яҳудо қабиласининг бобокалони эди. Яҳудо қабиласи Исроил юртининг жанубий қисмидаги энг катта қабила бўлган. Шоҳ Сулаймон вафотидан кейин шимолдаги ўнта қабила жанубдаги Яҳудо ва Бенямин қабилаларидан ажралиб чиқди[1]. Яҳудо ва Бенямин қабилалари алоҳида давлатни ташкил қилиб, Яҳудо шоҳлиги[2] деб ном олди. Бу давлатнинг пойтахти Қуддус бўлди. Эски Аҳднинг баъзи ўринларида жанубдаги бу иккала қабилага Яҳудо халқи деган ном, бу қабилалар ташкил қилган давлатга нисбатан Яҳудо юрти деган ном қўлланган.

Милоддан олдинги 586 йилда Бобилликлар Яҳудо юртини босиб олиб, аҳолисининг аксариятини Бобилга асир қилиб олиб кетганлар[3]. Етмиш йилдан кейин, Форс империяси ҳукмронлиги даврида сургундаги яҳудийларнинг баъзилари Яҳудога қайта бошлади. Улар Қуддусдаги Маъбадни ва шаҳар деворларини қайта қурдилар[4]. Қуддус шаҳри атрофида яшаётган яҳудийларнинг ҳудуди собиқ Яҳудо шоҳлигидан кичик эди. Бу ҳудуд Искандар Зулқарнайн томонидан босиб олингандан кейин “Яҳудия” деган ном билан маълум бўлган.

*[1] 3 Шоҳлар 11:26-12:24 [2] жанубий шоҳлик ибораси билан ҳам маълум [3] 4 Шоҳлар 25:1-21 [4] Эзра 1:1-11, Нахимиё 1:1-2:8*

**ЎРАМА ҚОҒОЗ**

Папирус ёки ошланган теридан қилинган узун ўралган қоғоз. Қадимги пайтларда китоблар одатда ўрама қоғоз шаклида бўлган.



**ҚАДИМИЙ ЛОТИНЧА ТАРЖИМА**

ИБРОНИЙЧА МАТН иборасига қаранг.

**ҚАДИМИЙ СУРЁНИЙЧА ТАРЖИМА**

ИБРОНИЙЧА МАТН иборасига қаранг.

**ҚАДИМИЙ ЮНОНЧА ТАРЖИМА**

ИБРОНИЙЧА МАТН иборасига қаранг.

**ҚАРОЛ**

Хизматкорнинг бир тури бўлиб, шоҳ томонидан мажбурий хизматга олинган, иқтисодий жиҳатдан шоҳга қарам бўлган шахс.

**ҚОДИР ХУДО**

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

**ҚОНУН**

Ушбу таржимада “қонун” ёки “қонунлар” сўзлари кўпинча Худонинг Мусо орқали Исроил халқига берган қонун–қоидаларига ишора қилади. Бу қонун–қоидалар Тавротда ёзилган. Қонунларда Худонинг Исроил халқи билан тузган аҳд шартлари ва қоидалари

қайд этилган.

Қонунлар ўнта амр билан бошланган[1]. Бу амрларни Худо Ўз қўли билан икки тош лавҳага ёзган. Бу лавҳалар Аҳд сандиғида сақланган[2]. Қонунларнинг тўлиқ мажмуаси Исроил халқининг диний ва ижтимоий ҳаётига оид кўплаб батафсил қоидаларни ўз ичига олган. Худога сажда қилиш, қурбонликлар ва назрлар келтириш, поклик, Шаббат кунига риоя қилиш, байрамларни нишонлаш, ворислик, йўқолган ёки ўғирланган нарсалар, ҳалол ва ҳаром жониворлар, ахлоқий ҳаётга оид йўл–йўриқлар ва қоидалар шулар жумласидандир.

Исроил халқи қонунларни бажариш орқали Худога бўлган садоқатини яққол кўрсатарди[3]. Исо Масиҳ, барча қонунлар "Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун онгингиз билан севинг" ва "Ўзгани ўзингизни севгандай севинг" деган амрларда мужассамдир, деб айтган[4]. Қонунлар Худонинг эзгулик ва солиҳлик мезони бўлиб хизмат қилади, инсоннинг гуноҳкор эканлигини очиқ–ойдин кўрсатади[5].

*[1] Чиқиш 20:1-17 [2] Чиқиш 25:16, 34:1, 28 [3] Қонунлар 7:7-15, 8:1-20 [4] Матто 22:35-40, Луқо 10:25-37 [5] Римликлар 7:7-13*

## ҚОЯ

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

## ҚУДДУС

Қуддус Ўрта ер денгизидан қарийб 50 километр шарқда, тоғ тизмасида жойлашган. Илгари бу шаҳар тоғдаги қалъа бўлган, кейинчалик эса кенгайиб, атрофдаги қирлар ва водийларни ўз ичига олган. Милоддан олдинги 1000 йилда шоҳ Довуд Қуддусни босиб олгандан кейин шаҳар Исроил халқи учун сиёсий ва диний марказга айланган.

Қадимда Қуддус шаҳрининг номи Салим эди. Салим шоҳи ва руҳонийси Маликсидиқ Иброҳим билан учрашиб, уни дуо қилган[1]. Кейинроқ Худо Иброҳимга ўғли Исҳоқни шу шаҳарга яқин жойда қурбонлик қилишни буюрган[2]. Исроил халқи Канъон юртини босиб олгандан кейин Қуддусни қўлга киритган, аммо шаҳарнинг туб аҳолиси — Ёбус халқи у ерда яшаб қолаверган[3]. Довуд барча Исроил қабилаларининг шоҳи бўлгандан кейин Ёбусларнинг қалъасини, яъни Қуддусни[4] қўлга киритган ва уни ўз шоҳлигининг пойтахти қилган[5]. Довуд Аҳд сандиғини Қуддусга келтирган ва Қуддус Аҳд сандиғининг доимий маскани бўлиб қолган[6]. Довуд Қуддусда Худога атаб Маъбад қурмоқчи бўлган, аммо Маъбадни Довуд эмас, балки унинг ўғли шоҳ Сулаймон қурган[7].

Милоддан олдинги 586 йилда Қуддусни Бобил қўшини босиб олган. Шаҳардаги бинолар ва Маъбад талон–тарож қилиниб, уларга ўт қўйилган, шаҳар деворлари бузилган, аҳолиси эса асирликка олиб кетилган[8]. Милоддан олдинги 538 йилда, Форс империяси ҳукмронлиги даврида яҳудийларга ўз ватанига қайтишга ва Маъбадни қайта қуришга ижозат берилган[9]. Милоддан олдинги 445 йилда Форс шоҳи амалдори Нахимиё Қуддусга бориб, шаҳар деворларининг қурилишига бошчилик қилган. Милоддан олдинги 332 йилда Қуддус шаҳри ҳеч бир қаршиликсиз Искандар Зулқарнайнга таслим бўлган. Милоддан олдинги 63 йилга қадар, тахминан 100 йил давомида Қуддус шаҳри мустақил яҳудий давлатининг пойтахти бўлган. Милоддан олдинги 63 йилда эса бу юрт Рим империяси томонидан босиб олинган ва унга қарам бўлиб қолган.

Исо Масиҳ, яҳудий урф–одатларига кўра, белгиланган диний байрамлар пайтида Қуддусни зиёрат қилгани борарди[10]. У Қуддусда Фисиҳ байрами айёмида қўлга олинган ва ўлимга ҳукм қилиниб, хочга михланган. Исо Масиҳ ўликдан тирилгандан кейин Қуддусда шогирдларига зоҳир бўлган. Исо уларга, Худо сизларни Муқаддас Руҳга чўмдирмагунча Қуддусда қолинглар, деб буюрган[11]. Исонинг издошлари биринчи марта Қуддусда қувғин қилинганлар[12]. Милодий 66 йилда Яҳудия вилоятининг аҳолиси Рим ҳукуматига қарши исён кўтарган. Милодий 70 йилда Римликлар Титус бошчилигида Қуддусни яна қўлга киритиб, шаҳарни ва Маъбадни ер билан яксон қилганлар. Шундай қилиб, Исонинг башорати амалга ошган[13].

Самовий Қуддус деганда Худонинг самодаги маскани назарда тутилади, келажакда эса бу маскан ер юзида бўлади[14].

*[1] Ибтидо 14:17-20, Ибронийлар 7:1-2 [2] Ибтидо 22:1-2 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг. [3] Ҳакамлар 1:21 [4] СИОН сўзига қаранг. [5] 2 Шоҳлар 5:6-7 [6] 2 Шоҳлар 6:1-19*

*[7] 2 Шоҳлар 7:1-17, 3 Шоҳлар 5:1-6:38 [8] 4 Шоҳлар 25:8-17, 2 Солномалар 36:13-21 [9] Эзра 1:1-11 [10] Луқо 2:41-42, Юҳанно 4:45, 7:2-4, 10, 10:22-23 [11] Ҳаворийлар 1:3-5, 2:1-13 [12] Ҳаворийлар 8:1-3 [13] Луқо 19:41-44, 21:5-6 [14] Ибронийлар 12:22, Ваҳий 21:2-3*

**ҚУМРОН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ**

ИБРОНИЙЧА МАТН иборасига қаранг.

**ҚУРБОНГОҲ**

Тошдан ёки лойдан қурилган махсус жой. Қадимда одамлар қурбонгоҳларда назрлар ва қурбонликлар куйдирганлар, тутатқи тутатганлар. Қурбонгоҳ муқаддас ҳисобланган.

Муқаддас Китобнинг кўп ўринларида “қурбонгоҳ” сўзи Муқаддас чодирнинг ҳовлисидаги, кейинчалик эса Маъбаднинг ҳовлисидаги бронза қурбонгоҳга нисбатан ишлатилган. Руҳонийлар Исроил халқи учун ҳар хил қурбонликлар ва назрлар куйдиришда бронза қурбонгоҳдан фойдаланганлар.





БРОНЗА ҚУРБОНГОҲ, ҚУРБОНЛИК КУЙДИРИЛАДИГАН ҚУРБОНГОҲ

Бронзадан ясалган бу қурбонгоҳ Муқаддас чодирнинг ҳовлисида, кейинчалик эса Маъбад ҳовлисида ўрнаштирилган эди.



ТУТАТҚИ ҚУРБОНГОҲИ, ОЛТИН ТУТАТҚИ ҚУРБОНГОҲИ

Акас ёғочидан ясалган, усти тоза олтин билан қопланган қурбонгоҳ. Бу қурбонгоҳ Муқаддас чодирнинг, кейинчалик эса Маъбаднинг Энг муқаддас хонаси олдида ўрнаштирилган эди. Руҳонийлар бу қурбонгоҳ устида Исроил халқи учун тутатқи тутатардилар.



**ҚУРБОНЛИК**

Худога сажда қилиш учун буқа, қўзи, эчки, каптар ёки мусича каби жониворлар қурбонлик қилинарди. Жонивор сўйилгандан кейин, унинг бир қисми Худога ёқимли ҳид бўлиши учун назр сифатида қурбонгоҳда куйдирилган. Қолган қисми эса руҳонийларга берилган ёки сажда қилувчилар томонидан ейилган. Исроил халқи Худога шукрона айтиш, Худодан марҳамат ва барака тилаш, гуноҳлари учун кечирим сўраш мақсадида қурбонликлар келтирган. Эски Аҳдда айтиб ўтилган бешта қурбонлик тури қуйидагича:

КУЙДИРИЛАДИГАН ҚУРБОНЛИК, КУЙДИРИЛАДИГАН НАЗР

Бу турдаги қурбонликнинг ҳамма аъзолари қурбонгоҳда батамом куйдирилган. Бундай қурбонликни келтиришдан асосий

мақсад — қурбонликни куйдирганда чиқаётган ҳид билан Худони мамнун қилиш эди. Левилар 1:1-17, 6:8-13 га қаранг.

ТИНЧЛИК ҚУРБОНЛИГИ, ТИНЧЛИК НАЗРИ

Бу турдаги қурбонликнинг бир қисми қурбонгоҳда куйдирилган, қолгани эса руҳонийларга берилган ёки сажда қилувчилар томонидан ейилган. Худога шукрона тариқасида ёки Ундан ёрдам, марҳамат ва барака сўраб келтирилган бу қурбонлик тури бошқа қурбонликларга қараганда кўп қилинган. Кўпинча Эски Аҳднинг ибронийча матнида "тинчлик қурбонлиги" ибораси "қурбонлик" сўзи билан ифодаланган. Левилар 3:1-17, 7:11-21 га қаранг.

ШУКРОНА ҚУРБОНЛИГИ, ШУКРОНА НАЗРИ

Тинчлик қурбонлиги ва тинчлик назри шу номлар билан ҳам аталган. Левилар 7:11-15 га қаранг.

ГУНОҲ ҚУРБОНЛИГИ

Бу турдаги қурбонликни бирортаси билмай қилган гуноҳи учун Худодан кечирим сўраб келтирган. Булғанган одамни поклаш учун келтириладиган бу қурбонлик покланиш маросимининг бир қисми эди. Қурбонликнинг қони бир неча усул билан покланиш маросимида ишлатилган. Қурбонликнинг бир қисми қурбонгоҳда куйдирилган, қолгани эса ё руҳонийларга берилган ёки қароргоҳ ташқарисида ҳалол жойда куйдириб юборилган. Левилар 4:1-5:13, 6:24-30 га қаранг.

АЙБ ҚУРБОНЛИГИ

Гуноҳ қурбонлигининг махсус тури. Бирор одам бошқасини алдаганда, ўғрилик қилганда ёки бошқа бировга моддий зарар етказганда айб қурбонлигини келтирган. Бирортаси Худога бағишланган нарсани ўзлаштириб олганда ҳам айб қурбонлигини келтириши керак эди. Айбдор одам бу қурбонликни келтириш билан бирга, ўғирлаган ёки зарар етказган нарсанинг тўлиқ нархини, бунинг устига ўша нарса қийматининг 20 фоизини жарима сифатида тўлаган. Левилар 5:14-6:7, 7:1-10 га қаранг.

**ҚУРБОНЛИК КУЙДИРИЛАДИГАН ҚУРБОНГОҲ**

ҚУРБОНГОҲ сўзига қаранг.

**ҚУРОЛБАРДОР**

Қадимда лашкарбошининг қуролларини кўтариб юрувчи жангчи.

**ҚУРЪА**

Қуръа ташлашда ёғоч бўлаклари ёки тошлар ишлатилган бўлиб, шу орқали Худонинг хоҳиш–иродаси аниқланган. Баъзан одамлар қуръа ташлаб, Худодан бирор ишни қандай ёки қачон қилиш кераклигини сўрашган.

**ҚУТЛУҒ КЕЧА**

Исо Масиҳ Ўз ўлимидан олдин шогирдлари билан бирга Фисиҳ таомини тановул қилган[1]. Ўша кеча Исо шогирдларига, сизлар бирга таом тановул қилганингизда, Мени хотирланглар, деб буюрган. Исо Масиҳнинг издошлари Унинг бу амрига итоат этиб, тез–тез йиғилиб турардилар ва биргаликда таом тановул қилардилар. Улар таомни тановул қилганларида, Исо буюргандай нон синдириб ердилар ва шаробдан ичардилар[2]. Шу тарзда улар Исо Масиҳга ўз эҳтиромини кўрсатиб, Исо уларнинг гуноҳлари учун қурбон бўлганига ишонганларини тасдиқлар эдилар[3], Исо Ўз севгисини қандай намоён қилганини хотирлар эдилар. Исо уларни қандай севган бўлса, шогирдлар ҳам бир–бирларини шундай севишлари керак эди[4].

*[1] Луқо 22:14-20 [2] Ҳаворийлар 2:42, 46, 20:7*
*[3] 1 Коринфликлар 10:16-17, 21, 11:17-34 [4] Юҳанно 15:9-17*

**ҚЎЗИ**

Қадимда қўзи ва бошқа ҳалол ҳайвонлар Худога қурбонлик қилинган[1]. Тавротга кўра, Исроил халқи Муқаддас чодирда, кейинчалик эса Маъбадда қурбонликлар келтириши керак эди. Улар ҳар куни эрталаб ва кечқурун, янги ой чиққанда ва белгиланган байрамларда қўзиларни қурбонлик қилардилар[2]. Ҳар йили нишонланадиган Фисиҳ байрамида ҳамма ўз уйида оловда пиширилган қўзи гўштини истеъмол қиларди[3]. Шундай қилиб, улар Худо Исроил халқининг тўнғич ўғилларини Мисрдаги охирги фалокатдан Фисиҳ қурбонлиги орқали қутқарганини эслашарди[4]. Одамлар ҳар қандай нопокликдан тозаланиш учун ўтказиладиган покланиш маросимларида ҳам қўзиларни қурбонлик қилишарди[5].

Ишаё пайғамбар одамзоднинг гуноҳини ўз бўйнига оладиган Худонинг қули ҳақида

башорат қилган. Худонинг бу қули бўғизланишга олиб кетилаётган қурбонлик қўзисига ўхшатилган[6]. Яҳё пайғамбар Исо Масиҳни бутун дунёни гуноҳлардан поклайдиган Худонинг Қўзиси деб атайди[7]. Исо Масиҳ Фисиҳ байрами айёмида хочга михланган. Бир неча йиллар ўтиб Павлус, Исо Масиҳ бизнинг Фисиҳ қурбонлигимиз бўлди, деб таълим берган[8]. Ваҳий китобида Исо Масиҳ бўғизланган Қўзи каби тасвирланган[9]. Ўша Қўзи Худонинг душманлари устидан ғолиб чиқади ва Худо билан бирга абадий ҳукмронлик қилади[10].

*[1] Ибтидо 4:4, 15:9, 22:7 [2] Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун ҚУРБОНЛИК ва БАЙРАМЛАР сўзларига қаранг. [3] Чиқиш 12:1-13 [4] Чиқиш 12:26-27 [5] Левилар 12:6-7, 14:10-14, 19-20 [6] Ишаё 53:6-7 [7] Юҳанно 1:29, 36 [8] 1 Коринфликлар 5:7 [9] Ваҳий 5:6-14, 7:9-17 [10] Ваҳий 17:14, 21:22-27, 22:1-5*

**ҚЎЛ ТЕГИРМОН**

Иккита ясси тош. Бу тошлар ёрдамида дон янчилиб, ун қилинар эди. Устки тош одатда думалоқ бўлиб, ўртасида тешиги бор эди. Шу тешикдан дон солинарди. Устки тошнинг дастаси бўлган. Шу дастадан ушлаб, устки тошни остки тош устида юргизганлар.





**ҲАВОРИЙ**

Маълум бир хабарни етказиш учун юборилган элчи. Янги Аҳдда бу сўз асосан Исо Масиҳнинг ўн икки шогирдига нисбатан ишлатилган. Раббимиз Исо ҳаворийларни одамларга Хушхабар етказиш учун танлаган эди[1]. Исо Масиҳ тирилгандан кейин Уни кўрган жамоат йўлбошчиларига нисбатан ҳам ҳаворий сўзи ишлатилган. Ҳаворий Павлус ҳам улар қаторида эди[2]. Исо Масиҳ Павлусга[3] зоҳир бўлиб, унга Хушхабарни ёйиш вазифасини топширган[4]. Ҳаворийлар барча масиҳийлар орасида, айниқса ўзлари асос солган жамоатларда катта обрў–эътиборга эга бўлиб, қарорлар чиқариш ҳуқуқига эга эдилар[5]. “Ҳаворий” сўзи Хушхабарни эълон қилиш учун юборилган одамларга нисбатан ҳам ишлатилган.

*[1] Луқо 6:12-16 [2] 1 Коринфликлар 15:5-9 [3] Павлуснинг асл исми Шоул эди. [4] Ҳаворийлар 9:1-19, Галатияликлар 1:1-2, 11-12 [5] Ҳаворийлар 14:23, 15:1-2, 22-29, 1 Коринфликлар 9:1-2, 12:28, Эфесликлар 4:11-12*

**ҲОВУЗ**

БРОНЗАДАН ЯСАЛГАН ҲОВУЗ иборасига қаранг.

**ҲОСИЛ БАЙРАМИ**

БАЙРАМЛАР сўзига қаранг.